

**А.М. АБДУЛЛАЕВ, М.М. ИРМАТОВ,
М.Т.ХАЙДАРОВ, Д.С.АШУРОВА**

**ИҚТИСОДИЙ
ВА ИЖТИМОИЙ
РИВОЖЛАНИШНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ – 2006

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Абдуллаев А.М., Ирматов М.М.,
Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С.**

**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юр்தлараро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юр்தларнинг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув кўлланма
сифатида тавсия этилган**

ТОШКЕНТ – 2006

Абдуллаев А.М., Ирмагов М.М., Хайдаров М.Т.,
Ашурова Д.С. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг
прогноزلантириши» - (Ўқув қўлланма) -- Т.: ТДПУ, 2006
йил— 249 бет.

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида
иқтисодий - ижтимоий прогноزلантириш-бу, ўтмишни,
ҳозирги замоннинг ривожланиш қонуниятлари,
тенденцияларига асосланган ҳолатда келажакни оддиндан
илмий биланш ва кетиқбоддаги ривожланиш
мақсадларини ва вазифаларини аниқлаш кўриб чиқилган.

Ўқув қўлланмаси иқтисодий фанни ютуқларида ва
жаҳон амалиётида асосланган ва ундан ташқари халқаро
моллиа институтларини талабига асосланган.

Ўқв қўлланмаси иқтисодий йўналишларнинг
бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва
иқтисодий интеграция шароитида макроиқтисодий таҳлил
билан қизиқаётганлар учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., профессор Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.и.д., профессор Рузиев Ж.Т.;
и.ф.и.д., доцент Каланова М.З.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий - ижтимоий прогнозлаштириш-бу, ўтмишни, ҳозирги замоннинг ривожланиш қонуниятлари, тенденцияларига асосланган ҳолатда келажакни олдиндан илмий билиш ва истиқболдаги ривожланиш мақсадларини ва вазифаларини аниқлашдан иборат. Прогнозлаштириш мамлакат иқтисодиётини бошқариш назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга. Бу фан бошқарув ечимларни танлашда асос бўлиб хизмат қилади, келажак мақсадларига эришиш учун ҳозирги пайтда иқтисодий жараёнларга тасир этиш йўллари аниқлайди.

«Прогнозлаш» - бу, иқтисодиётни тартибга солиш жараёнининг яна бир босқичи ёки мамлакат иқтисодий - ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир. Шу билан бирга бу нисбатан мустақил фан бўлиб, ўзига хос бир қанча белгилари билан фарқланади: прогнозлар директив характерга эга эмас, уларнинг миқдор баҳолари асосан эҳтимоллик характерига эга, улар кўпроқ даражада содир бўлган ривожланиш муамоларини аниқлашга ва уларни ечиш йўллари аниқлашга қаратилган.

«Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш» фанининг предмети - прогнозлаштириш объектининг ривожланиш қонуниятини ўтмиши асосида ўрганиб, бутун бир иқтисодий мажмуа ва унинг таркибий қисмлари объектив асосланган ривожланиш ҳолатлари ва тенденцияларининг вақт ва фазодаги миқдор ва сифат даражаларини аниқлашдир.

«Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш» нинг асосий вазифаси жамиятни иқтисодий - ижтимоий ривожланиш йўллари асосида реал баҳолаш, бу ривожланишнинг мақбул бошқарув ечимларини илмий асослаш учун устивор вариантларни аниқлашдир. Бундан ташқари, у иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишларини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилади, муамоларни, янги жараён ва ҳолатларни ўрганади, иқтисодий ва

ижтимоий ривожланишнинг эҳтимоли йўналишларини белгилайди, имкониятларни баҳолайди, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа чора - тадбирларни ҳаётга татбиқ этади, самарасини аниқлайди, ижтимоий иқтисодий ва илмий-техник бош йўналишларни асослайди.

«Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш» фанининг мақсади - прогнозлаштиришнинг асосий усуллари ва тамойилларини жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга мослашган ҳолда ўрганишдан иборат.

I-бoб. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ПРОГНОЗЛАШ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 «Ижтимоий ва иқтисодий прогнозлаш» тушунчаси ва унинг моҳияти

Келажакни олдиндан кўрмасдан, унинг ривожланиш йўллариини прогнозламасдан жамият ҳаёти тараққиётига эришиш мумкин эмас. Охирги йилларда прогнозлаш халқ хўжалиги мақбул даражада ишлашини таъминлашнинг асосий воситаларидан бирига йланмоқда. Бошқарувнинг мураккаб жараёнида прогнозлаш жамият ишлаб чиқариши ва унинг мақсадларини илмий асослашда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўллариини олдиндан кўриш воситаси вазифасини бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий прогнозлаш узоқ ва ўрта муддатли иқтисодий самарадор йўналишлар, техник сиёсат ва қабул қилинган қарорлар амалиётда қай аҳволдалигини кўра билиш учун зарур.

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш мақбул қарорлар танлаш ва уларнинг ижросини таъминлаши зарур, чунки бугунги кунда жамият учун асосланмаган қарор қабул қилишдан кўриладиган зарар даражаси кўп маротаба ўсиб бормоқда. Шунинг учун замонавий хўжалик юритиш прогнозлаш кўлами кенгайтирилишини унинг усул ва услубиятлари такомиллаштирилишини талаб этмоқда.

Ижтимоий ривожланиш жараёнини прогнозлаш даражаси қанчалик юқори бўлса, жамиятдаги жараёнларни бошқариш ва ривожлантириш шунчалик самарали кечади.

Прогноз деганда объектнинг илмий асосланган келажакдаги ҳолати ҳақидаги ва уни амалга ошириш йўллари ва саъўзбекистонланган вақтни олдиндан билиш тушунилади.

Прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнозлаш дейилади.

Прогнозлашнинг асосий йўналишларидан бири иқтисодий прогнозлаш ҳисобланади.

«Иқтисодий прогнозлаш» - бу, илмий - иқтисодий фан бўлиб, унинг объекти кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёни, предмети эса ишлаш мумкин бўлган иқтисодий объектларнинг қонунийлиги ва иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқиш йўлидаги изланишлардир.

«Иқтисодий прогнозлаш» жамият ривожланиши қонунийлиги соҳасидаги иқтисодий фан ютуқларига ва бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий ва фан - техника тараққиёти тенденцияларининг аниқлигига асосланади.

«Иқтисодий прогнозлаш» нинг ривожланишида, ишлаб чиқиладиган прогнозларнинг ишчанлигини оширишда ҳар хил объектларнинг прогнозларини тузиш қонун-қоидаларини ўрганадиган фан-«Прогностика», унинг бир қисмини ташкил этадиган «Иқтисодий прогностика» фани катта роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий прогнозларга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Иқтисодий прогнозлаш — бу, иқтисодий жараёнларни билишнинг илмий усуллари ҳамда прогнозлашнинг барча усул ва йўллари йиғиндисини қўллаш орқали иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишидир.

Иқтисодий-ижтимоий прогнозлаш фани жуда кўп йиллардан бери иқтисодиёт институтларида ўтилади ва шунинг учун етарлича дарсликлар чоп этилган. Лекин бу фан махсус Фан ҳисоблангани учун атиги рус тилида 4 курс талабаларига ўқиларди. Шунинг учун дарсликлар асосан рус тилида чиқарилган. Масалан бу дарсликларга «Основы экономического и социального прогнозирования» под редакцией В.Н. Мосина и Д.М. Крука 1985 йилда чоп этилган. 1999 йилда И.В. Морозованинг

«Прогнозирование и планирование в условиях рынка» ТДИУ профессора А.Абдуллаев ва бошқалар муаллифлигида «Моделирование и прогнозирование экономических процессов» номида 2000 йилда дарслик чоп этилган. 2001йилда Парсаданов Г.А, Егоров В.В., «Прогнозирование национальной экономики.», 2003 йилда Гончарова Е.В «Прогнозирование национальной экономики» ва бир нечта бошқа дарсликлар чоп этилган.

Прогнозлаштириш ва моделлаштириш йуналишида ҳар йили докторлик ва номзодлик диссертациялар ҳимоя қилинади. Биргина ТДИУ устозлари охириги 5 йил мобайнида 10 куп докторлик диссертация ҳимоя қилинган. Булар:

1. Холмунинов Ш.Р. «Қинилоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш».
2. Ходиев Б.Ю. «Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш».
3. Бегалов Б. «Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш»
4. Расулев Д.М. «Эконометрическое моделирование финансирования инвестиций при углублении экономических реформ (на примере банковских инвестиций)», ва бошқалар.

«Ижтимоий ва иқтисодий прогнозлаш» фанидан университет талабалари магистрлик диссертация ва ва бакалавр битирув малакавий иш ёзишда ҳам фойдаланилади. Масалан 2003 йилда Мухитдинов А «Привлечение иностранных инвестиций в экономику Республики Узбекистан» мавзудаги магистрлик диссертациясида прогнозлаштиришда иқтисодий моделлардан фойдаланишни ёритиб берган

1.2.Прогнозлар классификацияси, прогнозлаш усуллари ва объектлари

Иқтисодий прогнозлашнинг назарий муҳим муаммоларидан бири прогнозлар турларининг тузилиши ҳисобланади. Турлар - ҳар хил мезонлар ва белгиларига асосланиб қурилиши мумкин. Масалан, объектларга, прогнозлаш усулларига, ечиладиган масалаларга, вазифаларга ва бошқаларга. Булардан энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- прогнозлаш кўлами;
- прогнозлаш муддати;
- объект характери;
- прогноз функциялари (функционал белги).

Прогнозлаш кўлами бўйича қуйидагилар кўрсатиб ўтилган.

- а) Макроиқтисодий (халқ хўжалиги) ва таркибий (тармоқлараро ва регионлараро) прогнозлаш;
- б) халқ хўжалиги мажмуаларининг прогнозлари (ёқилғи, энергетика, агросаноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалар);
- в) тармоқ ва регионал прогнозлар;
- г) халқ хўжалиги тизимининг бошланғич бўғинларини прогнозлаш (корхоналарда ишлаб чиқариш уюшмаларини ва ҳоказо).

Тузилиш муддати бўйича прогнозлар оператив, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли турларга бўлинади.

Оператив прогноз бир ойгача;

қисқа муддатли прогнозлар 1 ойдан 1 йилгача;

ўрта муддатли прогнозлар 1 йилдан 5 йилгача;

узоқ муддатли прогнозлар 5 йилдан 20 йилгача;

ўта узоқ муддатли прогнозлар 20 йилдан ортиқ

тасдиқланиш муддатига эга.

Прогнозларнинг изланилаётган объект характерига кўра бўлинишлари ҳар хил қайта ишлаб чиқариш

жараёнлари билан боғлиқ. Шунга кўра, прогнозлаш қуйдагиларга ажратилади.

- ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши;

- илмий-техник жараёнларни ижтимоий иқтисодий характерлари ва оқибатлари;

- иқтисодиёт динамикалари (суръатлари, фактлари ва тузилишлари);

- бандлик, меҳнат ресурслари ва кадрларни қайта тайёрлаш;

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

- тадқиқотнинг яшаш шароити;

- асосий фондлар ва капитал қўйилмаларни қайта тиклаш.

Прогнозлар функционал белгисига қараб иккига - норматив ва изланув прогнозларга бўлинади.

Изланув прогнози изланаётган объектларнинг келажакдаги ривожланиш даражасига асосланган бўлиб, бу даражаларни қўллаш шароитларидан чекланади. Унинг вазифаси ўрганилаётган объект бор тенденциялар сақланган ҳолда қандай ривожланишини ўрганишдир.

Норматив прогноз изланув прогнозларидан фарқли ўлароқ олдин қўйилган мақсадлар базасида ишлаб чиқилади. Унинг вазифаси мақсад қилиб олинаётган объектнинг келажакдаги ҳолатини прогнозлаш йўли ва эришиш вақтини аниқлашдир.

Изланув прогнози объектнинг олдингига нисбатан келажакдаги ҳолатини аниқлашдан қайтаётган бир вақтда, норматив прогноз тескари тартибда амалга оширилади, яъни келажакдаги ҳолатини қўйилган мақсаднинг тенденциялари ва уни қўллаш тартибида амалга оширилади.

Прогнозлар турланиши прогнозлаш йўллари билан узвий боғлиқ. Бир - бирини тўлдирувчи уч хил прогнозлаш усуллари мавжуд.

1.Эксперт усули. Бу усул бошланғич ахборотларни йиғиш (анкета, интервью) ва уларни таҳлил қилишга

асосланади. Шу билан бирга прогноз мақсади экспертлар томонидан қилинган таҳлилга асосланади.

2.Экстрополяция — бу, объектнинг бўлиши мумкин бўлган ривожланишини ўрганиш ва унинг келажакдаги ривожланиш қонунийлигидир.

3.Моделлаш — бу, прогнозлаштирилаётган объект тузилишида кутилаётган ўзгаришларнинг норматив моделларидаги изланишдир.

Прогнозлаш амалиётида санаб ўтилган прогнозларни ишлаб чиқиш йўллари биргаликда қўлланилади.

1.3.Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усули

Иқтисодий прогнозлашнинг фан сифатида ривожланишида унинг усули катта роль ўйнайди. Усул — бу, ўрганиш йўллари ва усуллари танлаш ҳамда шу тармоқдаги ҳақиқат кўринишларини умумийлаштиришдир. Иқтисодий прогнозлашнинг усули ҳар бир тармоқда бўлганидек изланаётган объектларга қарашли, ўрганилаётган омил ва кўринишлар асосига кириш мумкин бўлган диалектик усулдир. У умумий илмий усуллар ва изланишига ёндашув ҳамда иқтисодий кўринишларни илмий прогнозлашга асосланган ўзига хос усуллар асосида ишлатилади.

Умумий ёндашувлардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- тарихий ёндашув;
- комплекс ёндашув;
- тизимли ёндашув;
- тузилмавий ёндашув;
- тизимли-таркибий ёндашув.

Тарихий ёндашув ҳар бир ҳодисанинг тарихий тузилиши билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқишдан иборат.

Ўтмиш ҳозирги кун ва келажакнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади, келажак ҳозиргидек мавжуддир. Шунинг учун прогнозлаш ҳозирда мавжуд бўлган қонун ва тенденцияларни ундан ташқарига ўтказади ва унинг асосида келажакнинг мавжуд бўлмаган моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Бир хил кўринишдаги ҳар хил тарихий шаклларнинг мавжудлиги орасидаги боғлиқлик изланаётган объектининг ҳозирги кўриниши унинг олдинги ривожланиш натижаси эканлигини билдиради. Бундай ёндашув мантиқий изланиш ижтимоий ривожланиш тарихий характерининг акси ҳисобланади.

Комплекс ёндашув ҳодисалар ва уларнинг боғлиқлиги ва қарамлигини кўриб чиқишни ўз ичига олади. Бунинг учун шу ҳодисаларни ўрганувчи нафақат бу фан, балки бошқа фанларнинг ҳам усулларидан фойдаланади. ижтимоий-иқтисодий объектларнинг келажакдаги ривожланиши ҳақидаги илмий тасаввурларни ишлаб чиқишнинг назарий асоси сиёсий иқтисод ҳисобланади.

Иқтисодий прогнозлашнинг амалиёти ва назариясида бошқа ижтимоий фанларнинг илмий аппарати кенг қўлланилади.

Тизимли ёндашув мураккаб иқтисодий тизимлардаги ҳажмли ва сифатли бўлиши мумкин бўлган жараёнлар ўтишини ўрганишни назарда тутди. Улар иқтисодий прогнозда катта роль ўйнайди. Ҳодисанинг ҳар бир кўриниши тизим сифатида олинishi мумкин. Бу дегани улар ўзаро боғлиқ қатор функциялар, афзалликларни таъминловчи бир-бири билан боғлиқ қисмлардан иборат. Бу афзаллик ва функцияларни билган ҳолда ўрганилаётган объектининг ҳаракатини олдиндан билиш мумкин.

Тизимли ёндашув тизимнинг умумий мақсадини аниқлашдан ва ҳамма подсистемалар фаолиятини мақсадга эришишдан четлаштирувчи ҳар бир ечимнинг ишлаб чиқиши ва асосланишига асосланувчи сиёсий фикрлаш кўринишини англатади. Бунда берилган тизим

бошқа бир катта тизимнинг бир қисми сифатида қаралади, унинг ривожланиш мақсади бу тизимнинг ривожланиш мақсадлари билан боғланади.

Структуравий ёндашув прогнозлаш объектларида изланишда катта роль ўйнайди. Структуравий ёндашувда изланиш объекти ўзи таркибидаги элементлар ва уларнинг ўзаро ҳаракатида кўриб чиқилади. Бу эса ўрганилаётган объект ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга имкон беради.

Тизимли - таркибий ёндашуви бир томондан, тизимни динамик ривожланаётган бир бутунлик сифатида қарашни кўзда тутса, иккинчи томондан, тизимнинг ўзаро ҳаракатдаги структуравий элементларига бўлинишидир, чунки ҳақиқатда ҳар бир таркибий элемент бошқа ҳамма элементларга қандай таъсир этса, бутун тизимга ҳам шундай таъсир этади. Бу билан тизим элементлари алоқасининг қонунийлигини очиш имкони пайдо бўлади.

1.4 «Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш» курсининг таркиби ва масалалари

Бу курснинг вазифалари ҳалқ хўжалигининг ривожланиши бўйича ҳукумат қарорларидан келиб чиқади. Бу вазифалар ҳозирги кунда иқтисодий стратегия барча стратегиялардек, фундаментал, узоқ муддатли, мақсадли масалаларни қўйишдан бошланади. Улар орасида энг юқори мақсад - ҳалқнинг маданий ва моддий яшаш даражасини аста-секинлик билан кўтаришдир. Иқтисодий стратегия қўйилган мақсадга бориш йўллари ва аниқ усулларини ўз ичига олади. Бунда иқтисодий прогнозлаш катта аҳамиятга эга.

Курснинг мақсади асосий тамойиларни ва йўллارни ўрганиш асосида жамиятда содир бўлаётган ижтимоий иқтисодий жараёнларга боғланган, ҳолда, бу

тармоқ тажрибаси ва амалиёти мисолида прогнозлашни амлий ўрганишдан иборат.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий прогнозлар жамиятни ривожланиш мақсадларини аниқлаш ва бунга эришиш кераклиги иқтисодий ресурсларни хажмини ҳисоблашда зарур. Прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнозлаш дейилади.

Иқтисодий прогнозлашнинг назарий муҳим муаммоларидан бири прогнозларнинг турларининг ҳисоблаш. Прогнозлар функционал белгисига қараб иккига: норматив ва излашув прогнозларга бўлинади.

Бир бирини тўлдирувчи уч хил прогнозлаш: эксперт, экстраномция, моделлаш усуллари мавжуд.

Иқтисодий прогнозлашни тарихий, комплекс тизимли, Тузилмавий ва тизимли –тузилмавий ёндашувларга бўлинади.

Курсни мақсади иқтисодий тамойилларини ва йўлларини ўрганиш асосида жамиятда содир бўлаётган ижтимоий–иқтисодий жараёнларга боғланган бу тармоқ тажрибаси ва амалиёти мисолида прогнозлашни амалий ўрганишдан иборат.

Назорат саволлари

1. Прогноз ва прогнозлаш тушунчалари.
2. Иқтисодий прогнозлашнинг моҳияти нимидан иборат
3. Тузилиш муддатига кўра прогнозлаш қандай турларга ажратилади?
4. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда прогнознинг роли.
5. Прогноз қандай классификацияланади.
6. Прогнозни ёндашувини моҳияти.
7. Тузулмавий ёндашувнинг моҳияти.
8. Курснинг вазифаси.

Асосий адабиётлар

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий вожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув кўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
2. Лившиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
3. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика — 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
4. Тарассвич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юраёт 2004г. 654с.
5. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
6. Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной экономики М., Высшая школа,2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
7. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной экономики.Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html
8. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000 Co@libri
8. Методы, модели и системы прогнозирование регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

1. WWW. economyta - culty. uz.
2. [http: ff www. Bibbio.rkfcencaztarhumanitarianrcicle.htm](http://www.Biblio.rkfcencaztarhumanitarianrcicle.htm)
3. [http:FFwww.vqi.freenet.lezfrudyfbratisvriko.htm](http://FFwww.vqi.freenet.lezfrudyfbratisvriko.htm)
4. [httpffwww.aduiser.Kgiscrptsffoxweb.exerfbaseerlist-trem?nbk18sl](http://ffwww.aduiser.Kgiscrptsffoxweb.exerfbaseerlist-trem?nbk18sl)

II боб. ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ АХБОРОТ БАЗАСИ

Бу мавзуда прогнозлаштириш учун ахборот базасини яратишнинг ёндашувлари ва тамойиллари кўриб чиқилади. Ахборотга қўйилган талаблар чуқур ўрганиш ва тушунишни талаб қилади, чунки прогнознинг натижаси ва унинг асосида қабул қилинган бошқарув қарорининг сифати шунга боғлиқ. Тузилиш жиҳатидан ушбу мавзу моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига яқин иккита бўлимга бўлинган. Улардан биринчисида прогноз ахборот ва ахборот базаларини тузишга тегишли асосий тушунчалар берилган, иккинчисида эса статистик (эконометрик) моделларни тузиш учун зарур бўлган прогноз-таҳлилий макроиктисодий кўрсаткичлар тизими кўриб чиқилган.

Иқтисодиётнинг келажакдаги ҳолатини баҳолаш учун эконометрик моделларни қўллаш, б айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда, чунки бозор иқтисодиёти мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш учун янги инструментарийни ва услубиятни талаб қилади.

2.1 Прогноз ахбороти ва унинг хусусиятлари

Бу бўлимни ўрганишда мазкур қўлланманинг асосий мавзун - иқтисодий прогнозлаш услубиятини ўрганиш учун зарур бўлган билим базаси тузилишига имкон берадиган индивидуал жадвалларни тузиш тавсия қилинади.

Жадваллар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- прогноз ахборотининг турлари;
- прогноз ахборотини йиғиш ва қайта ишлаш усуллари;
- ахборот базаси билан ишлаш услублари;

– турли хил ахборотларни қўллаш имкониятлари;

– ахборотга қўйилган асосий талаблар (ахборот базасига, олинган натижаларга, ахборотнинг бир-бирига тўғри келишига).

Прогнозлар типологияси билан келажак тўғрисида ахборот манбалари ва прогнозлаш усуллари масаласи узвий боғлиқ. Прогноз ахборотнинг 3 та асосий манбаи ажратилади:

– ўрганилаётган ҳодисалар, жараёнлар, воқеаларнинг ўтиши ва ривожланишини билишга асосланган тажрибалар;

– ўтмишда ва келажакда ривожланиш қонуни етарлича маълум бўлган мавжуд тенденцияларнинг экстраполяцияси;

– кутилаётган ёки белгиланган шартларга нисбатан прогнозлаштирилаётган объектларнинг моделларини тузиш.

Ахборотнинг бу турларига нисбатан прогнозлашнинг бир-бирини тўлдирувчи 3 услуби ажратилади:

эксперт, у ахборотни йиғиш (анкеталаш, интервью олиш, сўров) ва уни қайта ишлаш ҳамда прогнознинг қўйилган вазифасига нисбатан экспертнинг фикрига асосланган;

– тренднинг экстраполяцияси-объектнинг ўтмишда ва ҳозирда ривожланишини ўрганиш ҳамда ўтмиш ва ҳозирда ривожланишнинг қонуниятини келажакка кўчириш;

– моделиштириш-прогнозлаштирилаётган объектни кутилаётган ёки мўлжалланаётган аҳволидаги ўзгаришлар асосида қидирув ва меъёрий моделларни ўрганиш.

Амалда санаб ўтилган ахборотнинг манбалари ва прогнозни ишлаб чиқишнинг барча усулларидан биргаликда фойдаланилади (прогнозлаш услублари 5-мавзуда батафсил кўрсатилган).

Материални ёдда осон сақлаб қолишга 2.1 -
расмда келтирилган тузилмавий схема ёрдам беради.



2.1 расм. Тўпланган ахборот ва прогнозлаш
услуглари орасидаги ўзаро алоқа.

Прогнознинг таҳлилий тадқиқотлар сифатини ошириш муаммоси кўп жиҳатдан уларнинг ахборот таъминотига боғлиқ. Фойдаланилаётган ахборот базасига қўйилган асосий талаблар қуйидагилардир:

- кўрсаткичларнинг миқдорий тавсифлари ишончлилиги авваламбор иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан, етарли даражада тўлиқ ҳамда умуман

олганда мамлакатда ва унинг минтақаларида содир бўлаётган салбий ва ижобий жараёнлар тўғрисида тўлиқ тавсифларни кўзда тутувчи тақдим қилинаётган ахборотнинг етарлилиги ва комплекслиги;

– турли ахборот блоклари ва даражалари кўрсаткичларининг ўзаро тўғри келишини кўзда тутувчи тақдим қилинаётган ахборотнинг тизимлилиги;

– таққосланиши, яъни турли кўрсаткичлар миқдорий тавсифларининг бир-бирига зид бўлмаслиги.

Прогноз - таҳлилий ҳисоблар статистик ахборот, яъни минтақалар, корхоналар, молиявий ташкилотлардан олинadиган маълумотлар асосида олиб борилади. бошқа мамлакатларнинг ва жаҳон иқтисодиёти ҳамда унинг минтақалари иқтисодий конъюнктурасини тавсифловчи ахборотдан фойдаланилади. материалларнинг бир қисми аҳолини ва тadbиркорларни сўраш натижасида шаклланади. эксперт ахборот, яъни билимнинг у ёки бу соҳа мутахассисларидан олинadиган маълумотлардан фойдаланилади.

Статистик маълумотлар сифатини белгиловчи берувчи омилларга қуйидагилар киради:

– ялпи кузатишдан танлаб кузатиш услубига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар;

– статистик ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобининг янги шакллари киритилиши билан боғлиқ бирламчи ҳисобнинг кечиктириб бўлмаслиги;

– агрегатлашган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти;

– статистик кўрсаткичларнинг иқтисодий категорияга мос келмаслиги.

Статистик кўрсаткичларнинг сифати муаммоси биринчи навбатда статистик маълумотларни йиғиш билан боғлиқ. Иқтисодий бирликларнинг кўп марталаб

кўпайиши ва мулкчилик таркибининг ўзгариши шароитида иқтисодий фаолиятни ялпи ҳисобга олиш имкони бўлмай қолди. Ишлаб чиқарувчилар ўз натижаларини камайтиришдан манфаатдор, чунки бу солиққа тортиладиган базани қисқартиради.

Танлама тадқиқот Россия статистикаси учун мутлақо янгилик эмас. Танлама тадқиқотлар Собиқ Совет тузуми давридаёқ иқтисодиётдаги янги ҳодисаларни ўрганиш учун олиб борилган.

Масалан, 1958 йилда ишлаб чиқариш жараёнлари механизацияси ва автоматизациясини, ускуналарни модернизациялашни, саноатта янги технологик жараёнлар ва такомиллашувларни ва ҳоказони текширишнинг янги шакллари ишлаб чиқилди.

Совет даврида ўтказилган танлама кузатишларнинг туб фарқи шундаки, улар бир марталик тадбирлар бўлиб, умумий тўпламлар яхши аниқланган эди. Замонавий шароитда эса, ялпи бўлмаган статистик кузатувнинг услублари асосий бўлиб қолди, ўрганилаётган тўпламлар ва уларнинг ҳар бири ичидаги вариация кўплаб мартага ошди.

Агрегатлашган статистик кўрсаткичларнинг бошланғич ишлаб чиқариш манбаи бўлиб бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботнинг маълумотлари хизмат қилади. Якуний баҳолашнинг ишончлилигини бошланғич маълумотлардан якуний кўрсаткичларгача ҳисобларнинг бевосита характерини таъминлаганда ошириш мумкин. Расмий статистика ягона миллий ҳисоблар тизимига (МХТ) ўтаётгани сабабли бухгалтерия ва статистик кўрсаткичлари ва МХТни ўзаро мувозанатлаши керак.

Россия амалиётида мажбурий стандартларнинг йўқлиги корхоналарнинг бир қисми ҳисоботда бутун жўнатилган маҳсулотни, бошқа қисми эса фақат ҳақи тўланган қисмини кўрсатишига олиб келди.

Тўловларнинг умумий инқироzi шароитида бу товарлар хизматларни ишлаб чиқариш агрегатлашган кўрсаткичи ноаниқ ҳисобланишини билдиради. Худди шундай ҳолат тўланган эмас, балки ҳисобланган

суммалар акс этиши керак бўлган «меҳнатга ҳақ тўлаш» кўрсаткичи билан мавжуд.

Бухгалтерия ҳисобида бошланғич қиймат бўйича, МХТда эса қайта тикланиш қиймати бўйича баҳолаш айниқса асосий фондлар учун ҳаммадан кўра муҳим, чунки уларнинг катта қисмини корхоналар ўн йиллаб олдин харид қилиб, ислохотлар, нархларнинг йиллар давомида кескин ўсиши амалда бошланғич қийматни нолга тенглаштиради.

Статистик маълумотлардаги хатоликнинг катта манбаи ноқонуний иқтисодиёт ҳажмларини охиригача ҳисобга олмаслик бўлди. Ноқонуний иқтисодиёт бўйича кўрсаткичларнинг ҳисоби ҳозирги вақтда анча шартлидир. Яширилган товарлар ва пул оқимларини тўғридан-тўғри кузатиш имкони бўлмагани сабабли уларнинг ҳажмларини аниқлаш учун нафақат расмий статистик органлар, балки бошқа ташкилотлар ҳам ўтказадиган ҳисобларнинг турли услубларидан фойдаланилади.

Статистик маълумотларнинг сифати нафақат бошланғич кўрсаткичларни йиғиш услубларига, балки уларни қайта ишлашга ҳам боғлиқ. Қайта ишлаш жараёнига ўртача миқдорларни ҳисоблаш ҳам киради. Уларни ҳисоблашда иккита муаммо пайдо бўлади.

Биринчидан, инқироз ривожланиш шароитида кузатилаётган иқтисодиёт қаторларида белгиларнинг катта вариацияси сезилади.

Масалай, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг турлича қисқариши, умуман олганда, саноат учун ишлаб чиқариш индекси миқдorigа таъсир қилади.

Иккинчидан, турли минтақаларда айрим кўрсаткичлар орасидаги катта фарқнинг мамлакат учун умумий ўртача даражасини аниқлашда муаммолар келиб чиқади.

Истеъмол нархларининг минтақалар бўйича вариацияси ҳам максималдир (истеъмол нархларининг энг баланд даражаси энг паст даражасидан 2 мартага катта).

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини, масалан, ЯММ ёки саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръатини ҳисоблашда нарх ўсишининг таъсирини йўқотиш ва физик ҳажм ўсишини аниқлаш учун ўзгармас нархлардаги кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Ўзгармас нархлардаги кўрсаткичлардан фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби ва пропорцияларини, шахсий истеъмолни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Амалда эконометрик моделларнинг регрессион тенгламалари параметрларини ҳисоблашда ҳам ўзгармас нархлардаги статистик маълумотлардан фойдаланилади.

Статистик ишланмалар натижасида олинган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлаш маълумотлардан давомийлиги турли дастурларни тузишда фойдаланилади.

2.2 Функционал белгига кўра ахборотнинг таснифланиши

Прогнозлашда ишлатиладиган ахборотни функционал белги, яъни прогнозлаш мақсадида у ёки бу кўрсаткич нима сифатида фойдаланишига қараб таснифлаш мумкин. Бу ҳолда ахборот бошқарилмайдиган, бошқариладиган ва бошқарилувчи бўлиши мумкин.

Бошқарилмайдиган ахборот - бу, табиийки, ҳам бутун иқтисодиёт учун, ҳам алоҳида моделлар учун тўғри бўлган экзоген ахборотдир. Экзоген ахборот эса бошқариладиган ва бошқарадиган бўлиши мумкин.

Бошқариладиган кўрсаткич — бу, уни белгиловчи омилларнинг ўзгаришига қараб келажакда (прогнозда) ўзгариши мумкин бўлган кўрсаткичдир.

Масалан, агар аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларига талаби аҳоли даромадлари ва солиққа тортиш даражасининг функцияси сифатида моделлаштирилса, прогнозлаштириладиган эҳтиёж бошқариладиган кўрсаткичдир. Бунда талаб моделидаги

омиллар ҳам бошқариладиган, ҳам бошқарувчи бўлиши мумкин. Агар «аҳоли даромади» кўрсаткичи ушбу модел доирасида бошқа омилларнинг функцияси сифатида аниқланса, у - бошқариладиган ахборот, ҳукумат учун федерал солиқлар даражаси эса бошқарувчидир.

Бошқарувчи кўрсаткич — бу, давлат сиёсатининг, миллий иқтисодиёт ва унинг объектини давлат томонидан тартибга солиш воситаси бўладиган ҳар қандай кўрсаткичдир.

Прогнозлашнинг инструментал ўзгарувчилари деб миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш амалга ошириладиган бошқарувчи кўрсаткичларга айтилади. Прогнозлашнинг инструментал тахминий рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экологик андазалар тизими;
- билвосита солиқлар;
- бевосита солиқлар;
- амортизация ажратмалари;
- корхоналарнинг бюджетдан ташқари фондларга трансферт тўловлари;
- минимал иш ҳақи;
- нафақанинг минимал миқдори;
- ишсизлик бўйича нафақанинг минимал миқдори;
- давлат бюджетининг умумий харажатлари;
- давлат бюджетининг умумий таркиби;
- пул-кредит сиёсатининг инструментлари: ҳисоб ставкаси, минимал заҳиралар меъёри;
- давлат корхоналари ва табиий монополиялар маҳсулотининг нархи;
- божхона божларининг умумий даражаси;
- божхона божларининг таркиби;
- солиқлар бўйича имтиёзлар;
- кредитлар бўйича имтиёзлар.

Марказ даражада прогноз - таҳлилий ҳисобларда макроиқтисодий кўрсаткичлар фойдаланилгани учун ахборотнинг агрегатлашиш (конденциялаш) муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, «ялпи ички маҳсулот» кўрсаткичини олиш учун миллий

иқтисодиётнинг барча корхоналари бўйича пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми маълумотлари қўшилади. Ахборотнинг бундай ихчамланиши прогнозлаш масалалари ҳажмини ва вазифасини ўзгаритирмай камайтиришга имкон беради. Агрегатлашиш даражаси прогнозлашнинг турли даражалари ва объектлари учун ҳар хил бўлиши керак.

Прогнозлаш объектининг мутассил тасвирини билиб, унинг агрегатлашган тасвирини олиш ҳам мумкин. Шу вақтининг ўзида объектининг агрегатлашган тасвирдан деталлашганига, умумий ҳолда кўплаб деталлашган тасвирдан агрегатлашганга ўтганда ахборот йўқотилади.

Агрегатлашнинг энг оддий мисоли — бу, қўшишдир. Масалан, давлатнинг иқтисодий сиёсатини кўриб чиқаётиб, давлат харажатлари элементларини қўшиш, экспортни қараб чиққанда, экспортнинг турли қисмларини қўшиш ва ҳоказо. Айрим ҳолларда оддий суммалардан эмас, балки тортилган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, давлат солиқ ставкаларининг ўртача миқдорларидан фойдаланилади. Юқорида айтилганларнинг барчаси прогнозлашнинг миқдорий томонларига тегишли.

Сифат томонлари билан, айниқса, агар бу давлат сиёсатига тегишли бўлса, ишлаш мураккаброқдир. Фараз қилайлик, импортни бевосита тартибга солишнинг мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилмоқда. Тегишли сиёсатни батафсил тасвирлашда ҳар бир олиб кириладиган товар учун тартибга солинадиган ва импорт орасида сифат танловини амалга ошириш мумкин.

Агрегатлашган моделларни шакллантиришда фақат ялпи импорт кўрсаткичлари билан ишланади, бу эса тўлиқ тартибга солинадиган ва тўлиқ эркин импорт орасида танлаш заруратига олиб келади.

Агрегатлашиш тармоқ маҳсулоти номенклатурасидаги прогрессив таркибий ўзгаришларни аниқлашга ҳалақит бериши мумкин (масалан, шиша идишлар ўрнига

пластмасса идишларнинг пайдо бўлиши ва вақт ўтиши билан уларнинг ишлаб чиқариши кенгайиши).

Иқтисодиётнинг агрегатлашган тасвирига ўтишда пайдо бўлган қийинчиликларни қуйидаги гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

- операцион муаммолари;
- баҳолаш муаммолари;
- таҳлилнинг аниқлиги ва ишончлилиги муаммолари.

Агар у прогнозлаш объектининг келажакдаги ривожланишига тегишли барча эҳтимолли вариантларни ва эришилиши мумкин бўлган барча мақсадларни кўриб чиқса прогноз операцион, деб аталади.

Операционаллик талаблари айниқса қисқа муддатли прогнозлар учун муҳимдир. Масалан, аниқ лицензиявий ва Марказий банкнинг кредитлаш сиёсатини амалга ошириш индивидуал лицензиялар ва қарзлар беришдан иборат. Агар прогнозда тўғри ёки эгри солиқларнинг умумий миқдоригина кўрсатилса, у операцион бўлмайди, чунки у солиқ йиғувчилар учун кўрсатмаларга эга эмас. Иқтисодий сиёсатни тасвирлашда юқорилашган кўрсаткичлардан фойдаланиш кўпинча прогнозлар ва прогноз моделлари ҳаётдан узоқлашувига олиб келади. Ўрта муддатли (айниқса, биринчи йилги) давлат бюджетининг ахборот агрегатлашуви даражаси бўйича корреспонденцияси бўлиши керак.

Прогноз - таҳлилий ахборот агрегатлашиш даражасининг ўсиши керакли ахборот йўқотилишига ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ривожланишида ноаниқликни оширади.

Лекин ахборотнинг эҳтимолли йўқотишлари таҳлилидан, агрегатлашиш даражаси доимо минимал бўлиши зарур, деган хулоса чиқармаслик керак, чунки ахборотни детализациялаш даражасини танлаш бошқа омиллар таъсирига ҳам боғлиқ. Прогнознинг турли вариантлари, муқобил натижалардан энг рационалини танлаш мақсадида баҳолашнинг ўзи жуда қийин, агар бу натижалар ва прогнозлар жуда батафсил берилган бўлса, баҳолашнинг мураккаблиги бир неча баробар ошади.

Агар кўплаб кўрсаткичлар прогноз объекти доирасида маълум бир ўзгарувчиларни нисбатан барқарор қилиб шакллантирса, бу ўзгарувчиларни агрегатлаштириш тегишли баҳолашнинг аниқлигида кичик хатоликлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, агар давлат сиёсатининг турли воситаларидан фойдаланганда аҳолининг турли қатламлари даромад даражалари нисбатан етарли даражада барқарор бўлса, бу гуруҳлар даромадларини агрегатлаштиришдан келиб чиққан баҳолашдаги ноаниқликлар кичкина бўлади.

Шундай қилиб, масала шундаки, фақат агрегатлашган кўрсаткичлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва етарли даражада аниқ прогнозлар олиш мумкинми?

Умумий ҳолда жавоб қатъий - йўқ, мумкин эмас. Лекин агрегатлаш услубини қўллаганда аниқлик ва ишонччиликдаги йўқотишлар кичик бўлишига интилиш керак. Агрегатлашган кўрсаткичлар статистик аҳамиятли, маъмурий жиҳатдан мувофиқ келадиган ва осон интерпритацияланадиган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, агрегатлашда, айниқса, қисқа муддатли прогнозларда баҳолаш муаммоларини ва операционлик талабларини ҳисобга олиш керак.

Аниқлик ва ишонччиликда йўқотишларни минималлаштириш учун 2 та қоидадан фойдаланилади:

1. Соҳани чегаралаш қоидаси - бир-бирига у ёки бу даражада параллел равишда ўзгарадиган ўзгарувчиларни агрегатлаш мумкин.

2. Эквивалент натижалар қоидаси - натижа кўрсаткичларига таҳлил ёки прогнознинг таъсири бир хил бўлган ўзгарувчиларни агрегатлаш мумкин.

Соҳани чегаралашга мисол: жаҳон бозорида қандайдир товарга бўлган нарх ҳар доим бир хил нисбатларда ўзгаради.

Эквивалент натижаларга мисол: қурилиш ёки импорт лицензияларни бериш. Агар давлат томондан бериладиган лицензияларнинг умумий суммаси

белгиланган бўлса, уларни олишнинг йўллари кўп. Агарда лицензияланадиган кўринишнинг барча турлари бир хил макроиктисодий натижа берса, яъни уларнинг ЯММ, бандлик ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга таъсир даражаси бир хил бўлса, бир кўрсаткич - умумий сумма билан фойдаланиш мумкин.

Шу ҳолат импорт фаолиятига ҳам тегишли. Эквивалент натижалар мезони бўйича федерал бюджет ҳам таснифланади. Масалан, харажат моделлари бўйича: янги қурилиш ва ускуналарга, қарзни қайтаришга харажатлар, трансферт тўловлар ва ҳоказо.

Шундай қилиб, агар прогноздаги деталлашган ахборотдан фойдаланилса, бу агрегатлашгандан кўра кўпроқ барқарор бўлади, дегани эмас. Масалан, пишлоққа бўлган талабга нисбатан барқарорроқ бўлиши мумкин. Лекин ҳатто шу ерда ҳам агрегатлашнинг рационал даражасини аниқлаш зарур.

2.3. Макроиктисодий прогноз - таҳлилий кўрсаткичлар тизими

Макроиктисодий кўрсаткичларни комплекслашда таҳлил қилиш ва прогнозлашга имкон берувчи амалий воситалар ичида статистик (эконометрик) моделлар ажратилади. Россияда ўтган ўн йилликларда таҳлил ва моделлаштиришнинг статистик услублари соҳасида жиддий илмий тадқиқот ишлари олиб борилганига қарамай, тўлиқ режалаштирилган иқтисодиётнинг баланс услублари афзал кўрилган. Лекин бозор муносабатларига ўтиш шароитида эконометрик моделларни қўллаш долзарб бўлиб қолмоқд, чунки таҳлилда қўлланувчи восита объектига - бозор иқтисодиётига тўғри келади.

70-йилларда Канада, Япония, Буюк Британия ва бошқа бир қатор давлатларда индикаторларнинг ўз миллий тизимлари шакллантирилган. Лекин замонавий иқтисодий тизимнинг байналминаллашуви жараёни ҳар бир миллий иқтисодиётнинг прогнозини ҳисобга олиш

заруратини кучайтирди ва (70-йилларнинг бошида бошланган) иқтисодий индикаторларнинг халқаро тизимини (ИИХТ) яратиш бўйича махсус тадқиқотларни талаб қилди.

ИИХТ қўллашда 4 та асосий йўналиш ажратилади:

- чуқур характерга эга жаҳон иқтисодий инқирозларини прогноزلаш;
- айрим алоҳида давлатларда инқирозлар ўтишининг хусусиятларини тасвирлаш;
- мамлакатлар орасида товарлар оқими матричасини тузиш орқали жаҳон савдосини прогноزلаш;
- халқаро характерга эга инфляцияни прогноزلаш.

ИИХТ ишлаб чиқишда асос бўлиб иқтисодий индикаторларнинг америкача тизими хизмат қилди. ИИХТ нафақат етарли даражада барқарор ривожланувчи иқтисодий цикл, балки «ўсиш цикллари» деб аталувчи иқтисоднинг тезлашган ва секинлашган таҳлили ва прогноз учун мослашган.

Шундай қилиб, уни ҳам ишлаб чиқариш кескин тушиб кетмаган фазали мамлакатлар (масалан, айрим ривожланаётган давлатлар), ҳам ишлаб чиқаришнинг барқарор пасайишини бошдан кечираётган давлатлар учун қўллаш мумкин.

ИИХТни қўллашнинг энг муҳим йўналишларидан бири жаҳон савдосини прогноزلашдир. А мамлакатдан Б мамлакатга экспорт- Б мамлакатдаги иқтисодий конъюнктура ҳолатига боғлиқлиги учун А мамлакатдан Б мамлакатга экспорт тенденцияларини прогноз қилувчи Б мамлакат (импортёр) нинг илгарилаб кетувчи (лидер) иқтисодий ривожланиш индикаторларидан фойдаланилади. Тадқиқотлар ушбу йўналишнинг тўғрилигини аниқлади, лекин унинг чегараланганлигини ҳам кўрсатиш керак, чунки бунда экспортнинг динамикаси фақат бир омил - импорт қилувчи мамлакатнинг иқтисодий конъюнктурасига боғлиқ. Бунда валюта курсларининг ҳаракати, ички баҳолар ва икки мамлакат орасидаги савдога таъсир этувчи бошқа

омиллар ҳисобга олинмайди. 70 - йилларнинг бошидан ИИХТдан нархлар динамикасини прогнозлашда кенг фойдаланила бошланди. Нарх индексларнинг таҳлили уларнинг «ўсиш цикллари» билан узвий алоқасини кўрсатди. Одатда, ўсишнинг суръатлари жадаллашганда нархлар ўсиши тезлашади ва аксинча, ўсиш суръатларининг пасайиши нархлар ўсишини камайганини билдиради.

2.4. Миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг МОҲИЯТИ

Ривожланган мамлакатларда макроиқтисодий прогнозлаш МХТ номига олган статистик ахборотдан шаклланган миллий иқтисодиётдаги асосий ўзаро алоқалар схемасига таянади.

МХТ баланс услубига асосланган ва макродаражада иқтисодий фаолият натижаларини, иқтисодиётнинг тузилмасини, мамлакатдаги мавжуд ресурслар ва бошқалар кўрсаткичлари йиғидисидан иборат миллий ҳисобдир.

МХТ миллий иқтисодиёт унсур (поғона)лари фаолият олиб боришининг макетини яратувчи баланс жадваллар шаклида тузилган.

Хўжалик операцияси деганда бир хўжалик юритувчи субъект бошқасига моддий бойликлар ёки молиявий бойликлар ёхуд хизматларни бериши ёки сотиши, бошқаси эса уларни қабул қилиши ёки харид қилиши жараёни тушунилади.

Иқтисодий операциялар икки томонлама ёзув тамойили асосида тузилган счётларда қайд этилади, шунга асосан ҳар бир операция 2 марта - «ресурслар» ва «ишлатилиш» бўлимларида акс эттирилади. Ҳар бир счёт бўйича сальдо чиқарилади, у - ресурслар ва улардан фойдаланиш ўртасидаги фарқ. Ресурслар ортиб қолганда сальдо «Ишлатилиш» бўлимига, камомадида «Ресурслар» бўлимига ёзиб қўйилади.

Маълумотлардан таҳлил қилиш ва прогнозлаш мақсадида фойдаланиш учун счётлар фаолият тури ва миллий иқтисодиёт секторлари бўйича гуруҳларга бирлашади. Шундай қилиб, МХТ ни ҳар бир иқтисодий жараёнинг у ёки бу томонини, бирга олганда эса иқтисодий жараёнинг умумий тасвирини кўрсатувчи ўзаро боғлиқ счётлар тизими сифатида кўрсатиш мумкин.

Россиянинг МХТ ички иқтисодий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун счётларга эга. Прогнозлаш кўрсаткичлари тизими ўз ичига ҳам андозавий асосий маълумотлар, ҳам тадқиқот мақсадларига етишиш учун керак бўлган миллий ҳисоблар тизмига кирмайдиган ноандозавий кўрсаткичлар рўйхатини олади.

Барча мамлакатлар учун умумий кўрсаткич мавжудлигига қарамасдан ҳар бир мамлакатда кўрсаткичларнинг ўз тизими мавжуд. Бунда андозавий ва ноандозавий кўрсаткичлар тизимида мамлакатлар орасида фарқ бор. Кўрсаткичлар тизими ўзгариши мумкин.

Бу иқтисодий тизимда ҳар йили янги муаммолар келиб чиқиб, айрим эскилари долзарблигини йўқотиши билан боғлиқ.

Ҳозирда таҳлилчилар ва прогнозчиларнинг асосий эътибори иқтисоднинг реал сектори ва инвестицион жараёнлар ривожланишини баҳолаш, иқтисоднинг молиявий, минтақавий ва ижтимоий муаммоларини ечишга эътиборни жамлашган.

Кўрсаткичлар тизими мукамал эмас ва бу ҳақда уларни прогноз - таҳлилий ҳисобларда фойдаланишда эсда тутиш шарт.

Бунга МХТда марказий ўрин эгаллаган бир кўрсаткич - ЯММ мисолида кўрсатамиз. Ишлаб чиқариш услуги билан ҳисобланганда у маҳсулот ва хизматлар барча ишлаб чиқарувчиларнинг ялпи қўшилган қиймати сифатида ҳисобланади; даромадлар тақсимланиши услуги билан ҳисобланганда, барча турдаги иқтисодий фаолиятдаги ҳамма ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари ва амортизация ажратмалари умумий

йиғиндиси; якуний фойдаланиш услубида - неъматлар ва хизматлар, капитал қўйилмаларнинг якуний истеъмоли, моддий айланма маблағларнинг ўсиши ва ташқи иқтисодий операциялар сальдосининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

2.5 Индикаторларнинг турлари

Иқтисодий конъюнктура вақт давомида ўзгаришига қараб индикаторларнинг қуйидаги турлари фарқланади: илгарилаб кетувчи, тўғри келувчи (ёки тахминан тўғри келувчи) ва орқада қолувчи.

Илгарилаб кетувчи ёки лидерловчи индикаторлар — бу,б иқтисодий конъюнктура ўзгаришларининг вақт жиҳатидан илгарилаб кетувчи статистик кўрсаткичларидир. Демак, улар ўзгаришининг нисбатини билиб, масалан, иқтисодий инқирозларни олдиндан айтиб бериш мумкин. Бандлик даражасини илгарилаб кетувчи индикаторлар билан прогнозлаш учун қайта ишловчи саноатдаги иш ҳафтасининг ўртача давомийлиги, ишсизлик бўйича янги суғурта тўловларидан фойдаланилади. Иш фаоллиги даражаси пасайишидан олдин қуйидаги кўрсаткичлар пасаяди:

- истеъмол товарлари етказиб беришга янги буюртмалар ҳажми;
- корпорациялар акциялари баҳосининг даражаси;
- янги машиналар ва ускуналар, буюртмалар билан боғлиқ шарномалар қийматлари;
- янги уй-жойлар қурилишга берилган лицензияларнинг миқдори;
- хом ашёнинг айрим турдаги нархлари;
- мамлакатдаги пул таклифи ҳажми ва бошқалар.

Тўғри келадиган индикаторлар ўзгариши иқтисодий конъюнктура ўзгаришига вақт жиҳатидан тўғри келувчи индикаторлардир, улар иқтисоднинг аҳволини ва иш фаолияти даражасини таҳлил қилинаётган ёки прогнозлаш даврида акс этади. Ҳозирда

мавжуд бўлган таснифлашга кўра, тўғри келувчи индикаторларга қуйидагилар киради:

- ўзгармас нархлардаги ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);
- ўзгармас нархлардаги ялпи саноат маҳсулоти ҳажми;
- ўзгармас нархларда қайта ишловчи саноат ва савдонинг ялпи маҳсулоти ҳажми;
- аҳоли шахсий даромаларининг ҳажми;
- саноатда ва хизмалар соҳасидаги бандлик даражаси;
- миллий иқтисодиёт (мамлакат)даги ишсизлик даражаси.

Охирги иккитаси бандлик даражасини прогнозлаш учун тўғри келадиган индикаторлардир.

Орқада қолувчи индикаторлар деб ўзгариши вақт жиҳатидан иқтисодий тизим конъюнктурасининг ўзгаришларидан орқада қолувчи индикаторларга айтилади. Бу гуруҳ ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади:

- Агар бандлик алоҳида инвестицион товарлар (машина ва ускуналар) ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларнинг ўзгармас нархлардаги ҳажми;
- қайта ишлаш саноатидаги меҳнат унумдорлиги (соатлик иш);
- савдо ва саноатдаги ўзгармас нархлардаги қайтарилмаган қарзлар миқдори;
- тижорат қарзлари бўйича фоиз нормаси;
- ишсизлик даражаси.

Бандлик алоҳида прогнозлаштирилганда охирги кўрсаткич тўғри келувчи индикатор бўлади.

Индикаторлар тизими доимо такомиллашади. Тадқиқотни нафақат АҚШ иқтисодий тадқиқотлар Миллий Бюроси, балки алоҳида иқтисодчилар ҳам олиб боришмоқда. Ва, албатта, тадқиқот натижалари у ёки бу иқтисодчи қайси иқтисодий йўналишга тегишлилигига боғлиқ. Монетарист Р.Джилберт иқтисодий конъюнктура ўзгаришини илгарилаб кетиш имкониятига текширилган 3 та миетар кўрсаткични ажратган:

- «юқори самардорлик»га эга пуллар, яъни кредит экспансия учун асос бўлиб хизмат қилувчи

пуллар (банк тизимидан ташқаридаги пул массаси плюс банк заҳиралари);

- «тор аниқланган» пул массаси (банк тизимидан ташқаридаги пул массаси плюс жорий счётлар);

- «кенг аниқланган» пул массаси («тор аниқланган» пул массаси ва тижорат банкларининг муддатли омонатлари).

Индикаторларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши улар асосида турли таҳлилий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш бўлди. Таҳлилий маълумотларга эҳтиёж чуқурлашган иқтисодий қайта ишлаш услуги билан индикатив таҳлил камчиликларини йўқотиш мумкин эмаслигидан келиб чиқди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади - таҳлилий кўрсаткичларда индикаторларнинг прогноз хусусиятларини жамлаш эди. Бу кўрсаткичларнинг асосий турларига йиғма ва диффузион индекслар ҳамда ўзгариш меъёрлари киради.

Йиғма индекслар деб иқтисодий индексларнинг асосий гуруҳлари (илгарилаб кетувчи, тўғри келувчи ва орқада қолувчи) ўрта тортилган миқдорларига айтилади. Уларни ҳисоблашда таққослаш учун индикаторлар самарадорлигини баҳолашдан фойдаланилади.

Диффузион индекслар содир бўлаётган жараёнлар иқтисодиётнинг турли даражаларини қамраб олиш даражасини акс этади. Улар у ёки бу кўрсаткич кўпайиши содир бўлаётган компаниялар, тармоқлар ва минтақаларнинг улушидан иборат. Масалан, 30 та тармоқ бўйича диффузион индекс тегишли вақт даврларида бандлик кўпайган тармоқлар улушини фоизда кўрсатади.

Яна бир мисол. Агар 12 та илгарилаб кетувчи индекслардан 6 таси пасайса, диффузион индекс тегишли равишда 50%ни ташкил этади. Агар барча индекслар қисқарса, индекс нольга тенг бўлади.

Шундай қилиб, агар индекс 50-100% бўлса, иқтисодиётнинг ўсиши кутилади, 50%га тенг бўлса,

иншлаб чиқариш барқарорлашиши мумкин, агар 0-50% бўлса, иншлаб чиқаришнинг қисқариши кутилади.

Диффузион индексни тузишнинг бошқа услубида ўсишнинг ўрта давомийлиги ҳисобланади. Индекс таркибига кирувчи ҳар бир индекс ўсиш содир бўлган ойларни билдиради. Ўсишнинг ўртача давомийлиги бу миқдорларнинг ўртача тортилган коэффиценти сифатида аниқланади.

Масалан, агар индексга 2 та индикатор кириб, жорий даврда улардан бири 4 ой давомида ўсиб (+4), иккинчиси 1 ой пасайган бўлса (-1), ўсиш давомийлиги индекси 1,5 ни ташкил этади.

Лекин диффузион индекслар ва уларнинг ўртача ўсиш давомийлиги миқдорларини интерпретация этиш қийинлигини айтиб ўтиш керак. Айниқса, улар асосида иқтисодий конъюнктуранинг келажакдаги миқдорий баҳолашни шакллантириш қийиндир. Шунинг учун диффузион индексларни қўллашнинг асосий мақсади иқтисодий индикаторлар билан бирга иқтисодий конъюнктурани таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг қўшимча воситаси бўлиши мумкин.

Амплитуда индекси қайсидир даврда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларни уларнинг ўртача миқдорига нисбатан тезлигини ўлчашга имкон беради. Ҳар бир давр учун амплитуда индекси унинг ўрта миқдорига нисбатан кўрсаткич ўсишини кўрсатади.

Маълумотлар гуруҳи учун индекс ҳар бир кўрсаткичнинг ўрта тортилган миқдори сифатида ҳисобланади, таққослаш учун эса бу маълумотлардан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланиши олинади.

2.6. Иқтисодий кўрсаткичларнинг таснифланиши

Ахборотларни моҳият жиҳатдан эндоген ва экзогенга ажратиш мумкин. Милий иқтисодиёт ичида шаклланиб, хўжалик субъектларининг самарадор

фаолият олиб боришига боғлиқ ахборот эндоген, яъни ички келиб чиқадиган ахборотдир, миллий иқтисодиёт фаолиятига боғлиқ бўлмаган ахборот эса экзоген, яъни ташқи келиб чиқадиган ахборотдир.

Бу ҳолда миллий иқтисодиёт учун унинг ривожланиши, шу жумладан, алоҳида хўжалик юритиш субъектларининг ривожланиш кўрсаткичлари эндогендир, жаҳон бозоридаги доллар баҳоси, ОПЕКга аъзо давлатлар томонидан белгиланадиган нефть нархи - экзогендир.

Шуни эътиборга олиш керакки, «эндоген» ва «экзоген» тушунчалари нисбийдир. Масалан, миллий иқтисодиёт учун федерал солиқлар миқдори эндоген кўрсаткичлардир, минтақалар, алоҳида тармоқлар ва аҳолининг турмуш даражаси учун экзоген кўрсаткичлардир. Шуни айтиш керакки, миллий иқтисодиёт учун экзоген бўлган кўрсаткичлар унинг алоҳида қисмлари учун ҳам экзогендир. Лекин иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда ахборотнинг эндогенлиги ва экзогенлиги бир оз бошқачароқ маънода ишлатилади. Бунда «прогноزلаш моделининг аҳамиятли ўзгарувчиси» тушунчаси - объектни моделлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар киритилади. Бу таърифдан келиб чиқиб, экзоген ва эндоген ўзгарувчиларни қуйидагича бериш мумкин:

Эндоген ўзгарувчи - катталиги модел доирасида - прогноزلаш аҳамиятли ўзгарувчи.

Экзоген ўзгарувчи - катталиги модел доирасидан ташқарида- прогноزلаш аҳамиятли ўзгарувчи.

Мисол тариқасида қуйидаги тенгламалар системаси билан ифодаланган моделини берамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} x_1 = f(x_2, x_3) \\ x_2 = f(x_4, x_5) \\ x_4 = f(x_6, x_7) \end{array} \right.$$

x_2, x_3, x_4 - эндоген ўзгарувчилар (омиллар);

x_5, x_6, x_7 - экзоген ўзгарувчилар (омиллар).

2.7. Иқтисодий индикаторларнинг камчиликлари

ЯММ мамлакат ижтимоий - иқтисодий ривожланиш даражасининг энг муҳим индикаторларидир (ЯИМ, СММ, ва МД билан бир қаторда). Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми миллат соғлиғи, ҳаёт давомийлиғи (шу жумладан, унинг фаол қисмининг) ва бошқа кўрсаткичларни акс эттира олмайди.

Умуман олганда, ЯММ ҳаёт сифати индикаторлари сифатида қуйидаги камчиликларга эга:

- моддий товарлар ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ортиқча баҳолаш ва хизматлар секторига етарлича баҳо бермаслик;

- миллий ютуқлар (активлар) қийматини, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, атроф - муҳит ҳолатини, ишлаб чиқариш, бозор инфратузилмаси ҳолатини ҳисобга олмаслик;

- уй ҳўжалигидаги кўнгилли жамоатчиликнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнатни ҳисобга олмаслик;

- даромадлар оқимининг акс этиши, лекин ресурслар захирасини уларни асрашга етарлича баҳоламаслик.

Иқтисодий кўрсаткичлар ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх ўсишининг таъсирини йўқотиш ва физик ҳажм ўсишини аниқлаш учун қиёсий баҳолардаги маълумотлардан фойдаланиш керак.

Қиёсий баҳолардаги кўрсаткичларни қўллаш ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ва пропорциялар, шахсий истеъмол таҳлилида муҳим аҳамиятга эга. Умум қабул қилинган амалиётда эконометрик моделларнинг регрессион тенгламалар параметрларини ҳисоблашда ҳам қиёсий баҳолардаги маълумотлардан фойдаланилади.

Иқтисодий индикаторлар тизимини такомиллаштириш ва унинг фаолият олиб боришдаги

алоҳида муваффақиятларига қарамасдан, тизимнинг асосий камчиликлари ҳали бартараф этилмаган. Уларга биринчи навбатда қуйидагилар тегишли:

- «ёлғон сигнал» мавжудлиги, яъни бутун иқтисодиётга тегишли ўзгаришларга олиб келмайдиган иқтисодий индикаторлар ва индекслардаги ўзгаришлар. Шунинг учун ҳар доим «ҳақиқий сигналлар»ни аниқлаш каби мураккаб ва аниқ жавоб йўқ бўлган муаммо келиб чиқади;

- турли индикаторлар ва индекслар динамикасида қатъийсизлик;

- индикатор (трендлар) динамикаси вақт жиҳатидан иқтисодий конъюнктура ўзгаришига тўғри келмаслиги;

- иқтисодий индикаторлар ва индекслар тизими базасида прогнозлаш ўзгаришларини миқдорий баҳолашнинг қийинлиги.

Бундан ташқари, индикатив прогноз асосан қисқа муддатли (ойлик, чорақлик, ярим йиллик, йиллик) прогнозлашга яроқли, чунки улар ёрдамида қисқа муддатли даврда вақт жиҳатидан барқарор бўлган ҳар қандай индикатор ва иқтисодий конъюнктура ўзгариши характери орасидаги муносабатни етарли даражада ишонч билан ўрнатиш мумкин.

Яна шу нарса муаммоки, иқтисодий цикллarning босқичлари қатъий вақт давридан сўнг қайтиб келмаслиги исботланган, чунки ишлаб чиқариш циклини келтириб чиқарган фан-техника тараққиёти циклик келмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мавжуд индикаторлар асосида прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнозчиларнинг монополиясидир, у кучсиз алгоритмланган ва соф индивидуаль характерга эга. Шу сабабли индикаторларнинг реал динамикаси турли прогнозчилар томонидан ҳар хил тушунтирилади, шунинг учун бир хил маълумотлар асосида бир-биридан анча фарқ қиладиган прогнозлар қилинади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожланишининг цикл босқичлари бир хил

параметрларда қайтарилмайди. Вақт ўтиши билан мамлакат ичидаги иқтисодий, экологик, сиёсий муҳит, мамлакат иқтисодий ҳолатининг ташқи иқтисодий омиллари - савдо ва ишлаб чиқариш бўйича шериклар, жаҳон молиявий бозорининг ҳолати ўзгаради. Шунинг учун иқтисодий индикаторлар ва иқтисодий ҳолатнинг ўтмишдаги тажрибасини боғлиқлик характери ўзгаради.

Иқтисодий индикаторлар ва индекслар тизимини прогноزلаш мураккаблиги сабабли айрим тадқиқотчилар бу услубни фан эмас, балки кўпроқ санъат деб ҳисоблашади. Шунинг учун тадқиқотчининг ақли ва тажрибаси, иқтисодий ривожланиш ва иқтисоднинг бу босқичдаги хусусиятларини яхши билиш жуда муҳимдир.

Прогнозлашдаги бу йўналишнинг ютуқларига иқтисодий статистикани такомиллаштириш соҳасига, миллий ҳисоблар доирасида ишончли иқтисодий ахборот олиш тизимини ташкил этишга асосий эътибор берилди.

Қисқача хулосалар

Прогнозлар типологияси билан келажак тўғрисида ахборот манбалари ва прогноزلаш усуллари масаласи узвий боғлиқ. Прогноз ахборотни — ўрганилаётган ходисалар, мавжуд тенденцияларни экстраномум ва моделларини тузиш асосий манбаи ажратилади.

Статистик кўрсаткичларнинг сифати муаммоси биринчи навбатда статистик маълумотларни йиғиш билан боғлиқ. Статистик маълумотларни сифати нафақат бошланғич кўрсаткичларини йиғиш услубларига, балки уларни қайта ишлашга ҳам боғлиқ.

Прогнозлашда ишлатиладиган ахборотни функционал белги, яъни прогноزلаш мақсади у ёки бу кўрсаткич нима сифатида фойдаланишга қараб таснифлаш мумкин.

Мамлакат даражада прогноз—таҳлилий ҳисобларда макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзбекистонийда ланганлиги учун ахборотнинг агрегатлашиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Эконометрик моделлардан фойдаланиш учун иқтисодий индикаторларнинг ҳалқаро тизимида фойдаланиш лозим.

Ривожланган мамлакатларда макроиқтисодий прогнозлаш илмий ҳисоблар тизимидан фойдаланилади.

Иқтисодий конъюктура вақт давомида ўзгартирилишига қараб индикаторларнинг қуйидаги турлари фарқланади: илгарилаб кетувчи, тўғри келувчи ва орқада келувчи.

Ахборотларни моҳият жиҳатдан эндоген ва экзогенга ажратиш мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Прогнозлаштириш ахборотларининг қандай турлари мавжуд?
2. Бошланғич ахборотни қайта ишлаш ва натижаларни ишлатишда қандай муаммолар мавжуд?
3. Функционал белги бўйича ахборотлар қандай таснифланади?
4. Ахборотларни агрегатлашнинг мақсади нима?
5. Ахборотларни агрегатлашда қандай муаммолар пайдо бўлади?
6. Зарарларни минималлаштиришда қандай агрегат қоидаларидан фойдаланилади?
7. Қандай ёрдамчи агрегатлар гуруҳларини ажратиш мумкин?
8. Иқтисодий индикаторлар тизимига қандай асосий камчиликлар ҳос?

Асосий адабиётлар

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлатириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
2. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004. 230с.

3. Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд «АСА» 2003. 357с.
4. Тарасевич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт 2004г. 654с.
5. С.Шалкин Экономические и финансовые рынки осинка, управление, портфель шведский 3-е изд. М. изд. «Дашковик» 2004. 544с.
6. Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
7. Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
8. Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
9. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
10. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000
11. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 [Co@libri](#)
12. Методы, модели и системы прогнозирование регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

- 1 WWW. economyta - culty. uz.
- 2 [f www.informika.ru/text/exhibits/papers/2004/rc11-3doc](#)
- 3 [http: ff www. vqi.freenet. ftrudydratisviko.htm](#)
- 4 [http: ff www. Yabloko.ru/themes/belorus/belrus-25.html](#)
- 5 [http:FFwww.vqi.freenet.lezflrudyfbratisvriko.htm](#)

III боб. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ДАВЛАТ ПРОГНОЗЛАШТИРИШИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

3.1. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти, таркиби ва мақсади

Ҳар қандай объектни ўрганиш тизимли ёндашувни талаб қилади, унинг моҳияти объектни бутун, яъни кўриб чиқиладиган объектга нисбатан ўлчамли катта бўлган бошқа объектнинг бир қисми деб қарашдан иборат. Бу ёндашувнинг зарурияти ҳар қандай объект ҳолати ва ривожланишига бу объект фаолият олиб бораётган муҳит таъсир этиши билан боғлиқ. Ушбу объектдан ташқари ўрганиладиган объект билан ўзаро муносабатда бўладиган ва натижада унга таъсир қилувчи бошқа объектларни ҳам ўз ичига олувчи муҳит ёки тизим катта ёки глобал тизим деб аталади. Бу глобал тизимнинг қисмлари, яъни биз ўрганаётган объект ва у билан ўзаро муносабатда бўлган нисбатан автоном бошқа объектлар унинг унсурлари ёки тизим ости (субтизимлар) деб аталади.

Ижтимоий-иқтисодий тизим (ИИТ) «мамлакат» каби глобал тизимнинг тизим ости бўлиб намоён бўлади. «Мамлакат» тушунчасининг синоними бу атаманинг кенг маъносида «давлат» дир. Бу тушунчада давлат (мамлакат) - ҳам бутун ҳамжамиятнинг, ҳам унинг ҳар бир аъзосини таъминловчи бошқарувнинг ягона марказий органига эга инсонлар ҳамжамиятидир. Бошқарувнинг бу марказий органи ҳам адабиётда «давлат» атамаси билан аталади. Шундай қилиб, «давлат» атамаси тор маънода «давлат органлари» тушунчасида ҳам ишлатилади.

Давлат органлари бошқарув даражаларига кўра ажратилади. Федератив тузилган давлатларда бу -

федерал, ҳудудий (минтақавий) ва муниципал (маҳаллий) давлат органларидир. Унитар тузилган давлатларда — бу, бошқарувнинг марказий ва муниципал органларидир. Федерал ҳокимият ўз ичига қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини олади.

Ижтимоий-иқтисодий тизим тушунчасига бир бутун сифатида ўтишдан олдин «ижтимоий» атамасининг маъносига тўхталиб ўтамиз, чунки барча олимлар ҳам буни бир хил таърифламайди. Қуйидаги таъриф энг кенг тарқалган: ижтимоий тизим — бу, ҳаётни таъминлаш унсурларини ижтимоий қатламлар ҳамда ижтимоий қатлам ичидаги инсон гуруҳлари орасида тақсимланиш характерида келиб чиққан мамлакат фуқаролари орасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуидир.

Кўпчилик олимлар «жамоа» ва «ижтимоий» тушунчаларини бир хил деб қарашни эътиборни тортади. Шундай қилиб, ҳам «жамоат муносабатлари» ва «ижтимоий муносабатлар» сўз бирикмаси учрайди. Савол туғилади: «жамоа» сўзи «жамият» сўзининг ҳосиласи сифатида нима билдиради?

Адабиётларда «жамият» атамаси мамлакатнинг синоними сифатида ишлатилади.

«Жамият» тушунчасини алоҳида кўриб чиққанимизда, қуйидаги ҳолатни айтиб ўтиш ўринли: «мамлакат» атамаси ишлатилганда барча инсоний муносабатлар - сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларнинг тўплами тушунилади; лекин «жамият», «жамоа» атамаси ишлатилганда асосан ижтимоий томонлар назарда тутилади. Масалан, адабиётда инсон жамияти «бирга ҳаёт кечириш ва фаолият олиб боришнинг тарихий шаклланган, ижтимоий формалар билан бирлашган инсонларнинг тўпламидир» деб таърифланади. «Жамиятнинг ташкил қилувчи унсурлар — бу, инсонлар, унинг ижтимоий алоқалари, ҳаракати ва ўзаро муносабати, ижтимоий институтлар ва ташкилотлар, гуруҳлар, меъёрлар ва қадриятлардир», деб таъкидланади.

Шундай қилиб, жамият борлиқнинг ижтимоий қисмидир, у борлиқнинг қолган қисмига сингиб, у билан тенглаша олмайди.

Юқорида айтилганлардан жамият — бу, мамлакатнинг тизим остиси, яъни у ижтимоий тизим остига моддий ишлаб чиқариш соҳасига кирмайдиган тармоқларнинг мажмуи: таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат киради. Бу тармоқларнинг маълум бир қисми тижоратлашганлигини эсдан чиқармаслик керак, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат пулли ташкилотларининг улуши кўпаймоқда.

Давлатнинг ижтимоий муаммоларини жамият ривожланиши ва фаолият олиб боришининг қонуниятлари тўғрисидаги махсус фан — «Социология» ўрганади.

Энди иқтисодий тизимни кўриб чиқишга ўтайлик.

Иқтисодий тизим - жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг тизимидир. Шунинг учун «феодализм иқтисодиёти», «капитализм иқтисодиёти», «индустриал» ёки «капиталистик иқтисодиёт», «постиндустриал ёки ахборот иқтисодиёти» тушунчалари фарқланади.

Айтиш мумкинки, иқтисодий тизим тури ҳукмрон ишлаб чиқариш услуби билан белгиланади. Бу атаманинг тор маънода мамлакат иқтисодиёти хўжалик ҳаётининг тузилмасини, ташкил этишини ва ҳолатини, яъни хўжалик юритишнинг тизимини билдиради.

Агар ижтимоий тизим инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришга, миллат соғлиғини сақлашга қаратилган бўлса, иқтисодий тизим - ҳаётий неъматларни яратиш йўли билан инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шунинг учун иқтисодий тизим олдида қуйидаги фундаментал масалалар туради:

Жамиятнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун қанча товар ишлаб чиқариш ва пулли хизматлар кўрсатиш керак?

Энг юқори самарадорликка эришиш учун бу товарлар ва хизматларни қайси ресурслардан ва қандай технологияда ишлаб чиқариш керак?

Ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ким учун мўлжалланган?

Кўпчилик олимлар иқтисодий тизимни тор маънода кўриб чиқиб ва шунинг учун у ечадиган асосий муаммо деб чекланган ресурсларни инсон ва умуман жамиятнинг чекланмаган эҳтиёжларини максимал қондириш учун тақсимлаш, деб ҳисоблашади.

Лекин америкалик муаллифларнинг «Иқтисодиёт назарияси» бўйича машҳур дарсликларида (экономикс) жамиятнинг иқтисодий мақсадлари рўйхатига нафақат иқтисодий масалалар, иқтисодий ўсиш, иқтисодий самарадорлик, нархларнинг барқарор даражаси, барқарор савдо баланси ва ҳоказо, балки қуйидаги ижтимоий мақсадлар ҳам киритилган:

-тўлиқ бандлик;

иқтисодий бозор тизими таъминланганидан кўра мамлакат фуқаролари орасида даромаднинг адолатлироқ тақсимланиши;

Иқтисодий таъминланганлик ёки сурункали касалликларнинг, меҳнатга қобилиятсизларнинг, қарияларнинг ва бошқа бировлар қаровчисиз яшай олмайдиганларнинг яшаш ҳуқуқларини таъминлаш, яъни ижтимоий таъминланганлик, аниқроғи, аҳоли ижтимоий ҳимояси давлат сиёсатининг бир қисми сифатида.

Шундай қилиб, замонавий анъанавий иқтисодий назариянинг асоси бўлган «индустриализм назарияси» ҳам иқтисодий тизимнинг ўзи еча олмайдиган масалаларни худди шу тизим масалалари деб ҳисобламайди, яъни иқтисодий тизимни кенгроқ маънода, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқади.

Айнан ижтимоий мақсадлар инсонларни мамлакат (давлат) доирасида бирлаштиради, инсонларнинг иқтисодий манфаатлари ва мақсадлари хорижий субъектлар манфаатлари ва мақсадлари билан ҳам бир бўлиши мумкин (масалан, қўшма корхоналар ёки

мамлакат ҳудудидаги хорижий капитал билан тузилган корхоналар, трансмиллий корпорациялар ва бошқалар).

Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсади ҳаётнинг юқори «сифати»ни таъминлаш, ҳам бутун жамият (мамлакатнинг барча фуқаролари) учун, ҳам унинг айрим қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга объектив сабабларга кўра муҳтож фуқароларнинг ҳаёт андозаларини яхшилашдир.

Ижтимоий сиёсатнинг характери ҳокимиятдаги партия, унинг «даромадларнинг адолатли тақсимланиши», «ижтимоий кафолатлар», «ижтимоий ҳимоя» тушунчаларига муносабати билан белгиланади.

Демак, моддий ишлаб чиқаришни прогноزلаштириб, режелаштириб ва ниҳоят, бошқариб ҳам ижтимоий масалаларни ечиш керак, акс ҳолда ижтимоий танглик нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни, мамлакатни - «организми» ни бузади.

Шундай қилиб, иқтисодий тизимни алоҳида эмас, балки ижтимоий-иқтисодий тизимни, мамлакатнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини симбиоз сифатида кўриб чиқиш керак.

Агар давлат биринчи навбатда моддий мақсадларга эътибор берса, жамиятнинг ижтимоий мақсадлари иккинчи даражали бўлиб қолади ва давлат бюджети томонидан «қолдиқ» тамойили бўйича молияланади, яъни биринчи навбатда иқтисодий тизим молияланади ва қўллаб - қувватланади, қолган маблағлар эса ижтимоий соҳага тегади.

Жамиятнинг асосий мақсади деб моддий ёки иқтисодий ўсишни тан олувчи «индустриализм назарияси»га асосланиб, «экономикс» одамга «homo economics», ишлаб чиқариш омилларидан бири, деб қарайди ва унинг деградациясига олиб боради.

Шунинг учун индустриализм назарияси 60-йилларнинг иккинчи ярмидаёқ жаҳонни глобал демографик, экологик, озиқ-овқат, энергетик ва хом ашё инқирозига олиб келди.

Шу боисдан жаҳон ҳамжамиятининг ва ҳар бир мамлакатнинг алоҳида равишда ривожланиш мақсадларини қайта кўриб чиқиш лозим. Жамиятнинг мақсадлари авваламбор маънавий, маданий бўлиши керак. Саноатлашиш бу мақсадларга эришишга ёрдам бериши лозим.

Иқтисодий фан «Социология», «Сиёсатшунослик», «Фалсафа», «Психология» ва «Маданиятшунослик» билан услубий алоқаларини кучайтириш зарур.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий тизимни, ижтимоий-иқтисодий тизимида ўзгариб, натижада ҳам бутун жамият, ҳам алоҳида қатламлар, аҳоли гуруҳлари ва ҳар бир инсонни ҳаётини таъминлайдиган моддий, ижтимоий ва маънавий неъматлар пайдо бўладиган катта тизим сифатида тасаввур этиш мумкин.

Тизимли ёндашув асосида ижтимоий-иқтисодий тизимга киришда ижтимоий-иқтисодий тизим фаолият олиб бориши ва ривожланишига таъсир этувчи ҳамда прогнозлар ишлаб чиқаришда «Прогноз» фанида бўладиган бир нечта унсурларни ажратиш мумкин:

- жаҳон тизими, унинг ҳолати, ривожланиш истиқболлари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимига таъсир этувчи асосий тавсифлари;

- табиий ресурслар ва ҳайвонот дунёсининг мавжудлиги ва сифати;

- инсонларнинг маълумот даражаси ва соғлиғи (инсонни салоҳият);

- илмий-техник салоҳият (сунъий табиат);

- инсонлар яшайдиган муҳитнинг, атроф-муҳитнинг ҳолати;

- ички ва ташқи сиёсий тартибот;

- мамлакатда ҳукмрон ахлоқнинг даражаси;

- диний омил ва бошқалар.

3.2. Давлат корхоналарининг тавсифи

Ижтимоий-иқтисодий тизим давлат ва хусусий секторлардан иборат. Адабиётларда давлат секторини айрим муаллифлар федерал бюджет орқали қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг улуши, деб, бошқа муаллифлар давлат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши, деб таърифлашади.

Кейинчалик давлат секторининг биринчи таърифи ижтимоий-иқтисодий жараёнларга давлат аралашуви (тартибга солиши) даражаси, иккинчи таърифи эса, бевосита давлат секторининг ўзи сифатида қўлланилади.

Давлат тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг Европа маркази таснифига кўра, давлат корхоналарининг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

1. Бевосита муассасага, яъни бошқарув органларига бўйсунувчи корхоналар. Бундай корхоналарнинг олий раҳбарияти ҳукумат томонидан тайинланади. Корхоналар ишлаб чиқаришнинг бутун ҳажми давлат буюртмаси асосида шаклланади. Бюджет корхоналари банкрот бўла олмайди, давлат уларнинг мажбуриятларига тўлиқ жавоб беради.

2. Мулки 100% давлатники бўлган, лекин ўз-ўзини молиялаш ва ўз-ўзини бошқариш асосида ишловчи, яъни фаолияти хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинувчи корхоналар (масалан, Францияда «Рено», Италияда «Альфа-Ромео» 100% давлат капитали асосида ишлайди).

Бу корхоналар давлат корпорациялари ёки давлат акциядорлик жамиятлари (ДАЖ) деб аталади. Улар билан давлат орасидаги муносабатлар контрактлар ва келишувлар асосида олиб борилади.

1-гуруҳ корхоналардан фарқли равишда ДАЖ хусусий компаниялар билан тенгма-тенг рақобатда қатнашади.

Уларнинг асосий вазифаси фойда олишдир (тижорат функциялари). Улар солиқлар тўлайди ва умумий тартибда банкрот деб эълон этилиши мумкин,

уларга, одатда, молиявий субсидиялар ва грантлар берилмайди.

Ривожланган давлатларнинг хўжалик тажрибаси кўрсатишича, улар хусусий корхоналар билан муваффақиятли рақобатлашишади, юқори фойдага ва барқарор самарадорликка эришилади.

3. Акцияларнинг назорат пакети давлатга тегишли, мулки аралаш, давлат-хусусий бўлган корхоналар. Бундай корхоналарнинг фаолияти хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Давлат улар билан контрактлар тизими орқали муносабатда бўлади. Албатта, улар 100% давлат мулки бўлган корхоналарга нисбатан анча мустақилдир.

4. Турли мамлакатларнинг капиталини бирлаштирувчи корхоналар - қўшма корхоналар.

5. Низомини белгилаб берувчи махсус қонунлар асосида марказий ва маҳаллий органлардан ажратилган корхоналар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бу корхоналар жамоа ҳуқуқи асосида фаолият олиб боришади. Бундай корхоналар жамоа муассасалари, федерал темир йўллар, федерал почта ва бошқалар бўлиши мумкин.

3.3. Постиндустриал шароитда хусусий сектор ривожланишининг усусиятлари

Хусусий сектор корхоналари 3 та асосий ҳуқуқий шакл (якка, шерикчилик ва корпорация) бўйича фарқланади.

Постиндустриал жамият шароитида иқтисодиёт хусусий сектори ривожланишининг усусиятларини тасаввур этишдан олдин буюк америкалик иқтисодчиси Элбрейт яратган иқтисодий тизим умумий назарияси асосий шартлари билан танишиб чиқиш керак. Бу анъанавий иқтисодиёт назарияси (экономикс)ни танқид қилувчи муқобил назариялар орасида энг тизимга

солингани ва ривожлантирилгани, институцион ижтимоий йўналишнинг энг янги назариясидир.

1.«Экономикс» замонавий ижтимоий-иқтисодий тизими; унинг «юзи»ни йирик корпорациялар тизими белгилаб бериш омилини ҳисобга олмайди. Бир нечта йирик корпорациялар ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бир тармоғини эгаллаб олишса, улар олигополияларни ташкил этишади. Мамлакат ЯИМсида олигополиялар ишлаб чиқаришнинг улуши ўсгач, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг табиати ҳам ўзгаради.

2.Олигополия нобозор тузилмасидир, чунки иқтисодий қудратга эга бўлгач, у ноиқтисодий мажбурлаш қудратига ҳам эга бўлади.

3.Давлат органлари олигополияларни қўллаб-қувватлашади, чунки улар, одатда, фан талаб қиладиган, бутун ИИТ, мамлакат муҳофаази учун аҳамиятли тармоқларда пайдо бўлишади.

Буюртмачи ролида қатнашган давлат органлари (ҳарбий техника, космик саноат, давлат захиралари ва резервлари) корпорациялар билан ўзаро муддатли контракт муносабатлар билан боғланадилар. Шундай қилиб, давлат технотузилмаси (бюрократик аппарат) корпорацияларнинг технотузилмаси билан бирлашиб, уларнинг ривожланишидан бевосита манфаатдор бўлишади.

Ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятда йирик корпорацияларни, уларнинг манфаатларини нафақат иқтисодий ва юридик воситалар билан, балки қурол кучи билан ҳам қўллаб-қувватлайди. Э.Г.Кочетовнинг «Жаҳон иқтисодиёти» дарслигида бу аниқлаштирилиб, НАТО, унинг ҳарбий қудратидан трансмиллий ва кўпмиллий корпорацияларнинг ташқи иқтисодий мақсадларига эришиш учун фойдаланиши таъкидланади.

Шундай қилиб, олигополистик ташкилотлар тўплами давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб беради.

4.Олигополияларнинг товар нархлари устидан ҳокимият ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчи

кучли касаба уюшмалар фаолияти «бозор» механизмларининг ўзаро таъсирини тубдан ўзгартиради.

Шунинг учун олигополиялар ишловчи тармоқларда нархлар талабга нисбатан ноэластик, иш ҳақи эса нархларга нисбатан ноэластик.

Агар таклиф талабдан кўп бўлса, корпорациялар нархни пасайтириш шарт эмас (агар маҳсулот маънавий эскирган бўлса, бу бўлиши мумкин), балки улар ишлаб чиқаришни қисқартиришади, чунки барқарор нархларни ушлаб туриб, уларнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишига эришиш мумкин.

Очиқ инфляция бўлганда кучли касаба уюшмалари иш ҳақини оширишни талаб қилишади ва мулкдорлар эмас, балки ёлланма ишловчилар-маъмурият бошқарувчи корпорациялар иш ташлаш ва ишлаб чиқариш тўхтаб қолишидан қўрқиб, кўпинча иш ҳақини оширишади.

Шунинг учун олигополистик тузилмаларнинг ичида «нархлар-иш ҳақи-нарх иш ҳақи» инфляцион спирали шаклланади. Дефляция содир бўлганда касаба уюшмалари иш берувчиларга иш ҳақини пасайтиришга рухсат беришмайди.

Шундай қилиб, касаба уюшмалари ҳокимияти ва олигополиялар фаолияти иш ҳақининг нархларга ноэластиклигига олиб келади.

Ўз ривожланишининг барқарорлашувига интилиб, олигополиялар уни стратегик режалар ишлаб чиқариш йўли билан бир неча йилга олдин режалаштиришади. Шундай қилиб, ривожланган мамлакатларда моҳиятан нобозор бўлган «режалаштирадиган тизим» (РТ) шаклланган. РТ «нобозор»лигининг асосий белгиси - бозор механизмларининг 1-навбатда талаб ва таклиф стихияли ўзаро муносабатининг йўқлигидир. Бу кўп миқдордаги сотувчилар ва харидорларнинг стихияли ўзаро муносабати асосида автоматик равишда тўғриланадиган нарх иқтисодий тизими эмас, балки нобозор агентлар-йирик фирмалар ва касаба уюшмалари ҳокимиятига асосланган иқтисодиётдир.

Режалаштирилган тизим амал қилишида давлат каби нобозор субъект ҳам қатнашади.

Замонавий иқтисодий тизимнинг хусусий сектори режалаштирилган тизимдан фарқли равишда нархлар устида ҳокимиятга эга бўлмаган ва катта бўлмаган кўшлаб корхоналардан иборат бозор тизимини ўз ичига олади, бозор тизими тармоқларида кучсиз касаба уюшмалари фаолият олиб боради, айрим тармоқларда улар умуман йўқ.

Бозор тизими (БТ)тармоқларига енгил ва озиқ-овқат саноати, қурлиш, шу жумладан, уй-жой қурилиши, юк ва автомобиль транспорти, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, чакана савдонинг бир қисми, қишлоқ хўжалиги киради.

Бозор тизимида бозор қонунлари ва механизмлари амал қилади. Бу макроиқтисодиёт назарияси бўйича кўпгина дарсликларда тавсифланган нарх бошқарувчи тизимдир.

Бозор тизимининг фирмалари барқарорликка интилиб, стихиядан ва бозор конъюнктурасидан қутулиш учун нархлар устидан ҳокимликка ҳаракат қилишади ва ўз ўлчамларини катталаштиришади. Шунинг учун савдо, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги каби тармоқларда ишлаб чиқаришни концентрациялаш, фирмалар қўшилиш жараёнининг кучайиши кузатилмоқда ва натижада, бозор тизими субъектларининг бир қисми режалаштирилган тизимга ўтишади.

Режалаштирилган тизимнинг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш борасидаги кенг имкониятлари, молиявий қудрати, давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва бошқалар режалаштирилган тизимдаги фирма ва тармоқлар бозор тизимига нисбатан тезроқ ривожланишига олиб келади.

Бунинг натижасида режалаштирилган тизимга тегишли тармоқлар, режалаштирилган тизимнинг улуши катта бўлган минтақалар тезроқ ривожланади; РТ фирмаларининг ишловчилари каттароқ даромад олишади.

Бу ҳолат тармоқлар ва минтақаларнинг нотекис ривожланишига, даромаднинг ишловчилар орасида нотекис тақсимланишига сабаб бўлади.

Агар БТда фирмалар истеъмолчиларнинг талабларга бўйсуниса, РТда фирмаларнинг истеъмолчиларга сўзсиз бўйсунishi йўқ, чунки улар реклама ва ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида ўз маҳсулотига талабни суъбий равишда шакллантиришади.

Шунинг учун истеъмолчиларнинг танлови ва эҳтиёжи эмас, балки ишлаб чиқарувчининг ҳокимияти замонавий ИИТ фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Шу сабабли ишлаб чиқариш аҳолининг катта талаби мавжуд соҳада пайдо бўлиши шарт эмас, балки истеъмолчининг хушқи реклама ва келишувлар тизими орқали бошқариладиган соҳада пайдо бўлади. Шундай қилиб, умумий назариянинг хулосаси қатъийдир. РТнинг ҳокимияти ижтимоий манфаатларга мос равишда эмас, балки бюрократик ўсиш фойдасига ишлайди. Шундай қилиб, ИИТ давлат сектори, бозор тизими ва хусусий секторнинг режалаштирадиган тизимидан иборат.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу фарқланиш ҳар қандай таснифланиш каби шартлидир. Масалан, хусусий ҳуқуқ режимида фаолият олиб борувчи давлат мулки корхоналари хусусий секторнинг РТ корхоналаридан кам фарқ қилади.

Корхоналардан ташқари ИИТ таркибига молия ташкилотлари - тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар ва бошқалар киради.

ИИТ таснифи тўлиқ бўлиши учун нотижорат ташкилотлар тизимини ҳам ҳисобга олиш керак.

Нотижорат ташкилот истеъмолчиларнинг кооперативлари, жамоат ташкилотлари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар ҳисобланади.

Истеъмолчилар кооперативлари деб моддий ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун фуқароларнинг пай бадаллари асосидаги ихтиёрий бирлашмаларига айтилади.

Истеъмолчилар кооперативининг тадбиркорлик фаолиятидан даромадлари аъзолари орасида тақсимланади.

Жамоат ва диний ташкилотлар деб фуқароларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ихтиёрий бирлашмаларига айтилади. Улар нотижорат ташкилотлардир, лекин мақсадларига эришиш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Бу ташкилотлар ишгирокчиларининг ушбу ташкилотлар мулкига ҳукуқи йўқ.

Фонд - ижтимоий, хайрия, маданий, таълим ёки бошқа мақсадлардаги ихтиёрий бадаллар ҳисобига тузилган нотижорат ташкилотдир. Фонд ижтимоий фойдали мақсадларига эришиш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

3.4. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқ тузилмаси

Барча мамлакатлар макродаражадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тасвирлаш ва таҳлил қилишда фойдали, иқтисодий ва ижтимоий ахборотлар тизимидан иборат миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) да фаолият юритади.

ИИТни келтириш учун энг муҳим тармоқлар: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат.

Айтиш керакки, моддий ишлаб чиқаришга саноатга хизмат қилувчи транспорт ва алоқа киради, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт ва алоқа эса ижтимоий соҳага киради.

Моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқлари тармоқостиларга бўлинади. Масалан, қишлоқ хўжалиги 2 га, яъни ўсимликчилик ва чорвачиликка, саноат эса 3 га - оғир, енгил ва озиқ-овқат саноатига

бўлинади. Ўз навбатида оғир саноат бир нечта мажмуаларни ўз ичига олади (қавсларда уларнинг тизим остилари кўрсатилган):

- ёқилғи-энергетик (электроэнергетика, ёқилғи саноати);
- металлурги (қора ва рангли металлургия);
- машинасозлик (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, саноат учун транспорт);
- кимё-ўрмон (кимё ва нефтькимё, тахтани қайта ишлаш ва целлюлоза - қоғоз саноати);
- қурилиш материаллари саноати;

Енгил саноат тўқимачилик, чарм-тери ва пойабзал саноатини, озиқ-овқат саноати озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқчилик саноатини ўз ичига олади.

Таҳлил ва прогнозлаш мақсадида агросаноат мажмуи (АСМ) ажратилади. У 3та соҳани ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги учун асосий фондларни - химикатлар, ўғитлар, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги қурилиши;
- қишлоқ хўжалигининг ўзи, илмий-техник базаси билан;
- қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш.

ИИТнинг бундай тузилишига қарши замонавий назариялардан бири - «ривожланишнинг тадрижий назарияси» тарафдорлари чиқмоқда. Унинг асосий фикрларини кўриб чиқайлик. ИИТ тармоқлар, тармоқостилар ва ҳатто, алоҳида ишлаб чиқарувчилар даражасигача давом этиши мумкин.

Лекин тадрижий назария таъкидлашича, бундай тармоқ бўлиниши макроиқтисодий технологик ўзгаришларга олиб келувчи янги технологиялар, технологик тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда турли янгиликлар интеграциясини ўрганишга ҳалақит қилади. Гап шундаки, шаклланган тармоқлар «соф» эмас, чунки бир тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмида бу тармоқ маҳсулотининг улуши катта, лекин бу корхоналар бошқа «соф» тармоқларнинг

ҳам турли - туман маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, ҳар қандай тармоқнинг технологик жараёнлари ишлаб чиқарилган маҳсулот техник даражаси ва сифати бўйича фарқ қилади.

Бир тармоқ доирасида техник даражаси, ҳам ашё манбалари, етказиб берувчилари, истеъмолчилари бири-биридан фарқ қиладиган боғлиқ технологик жараёнларнинг автоном занжирлари мавжуд.

Ҳар хил тармоқларнинг боғлиқ технологик жараёнлари орасидаги алоқаларга нисбатан узвийроқ ва бошқачароқ бўлади. Юқорида айтилган тадрижий назарияда «тармоқ» тушунчасини техник-иқтисодий таҳлил, миллий иқтисодиёт ва унинг техник-иқтисодий ривожланишини (ТИР) прогнозлаш ва дастурлашда қўллаш нотўғри ва ноаниқдир.

Глазьев жонли тасвирида ТИР жараёнидаги ички ва тармоқлараро технологик алоқалар барқарорлигини йўқотади, иқтисодий тузилманинг тармоқ «кесими» ноаниқлашади ва «тиниқлик»ни йўқотади.

Шунинг учун технологик ўзгаришларда ўз бутунлигини сақлаб қолувчи ва уларни шакллантирувчи сифатида технологик боғлиқ ишлаб чиқаришлар тўплами - технологик тўплам (ТТ) ҳисобланади. Агар қандайдир ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўлган маҳсулот берилган ТТ ичида фойдаланилса, бу жараён унинг таркибий қисмидир. Ҳар бир ТТ бошқа (қўшни) ТТни ва уни якуний маҳсулотта (якуний истеъмол учун) ёки бошқа ТТлар учун ресурс бўладиган оралиқ маҳсулотта айлантиради. ТТ таркибига кирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик боғлиқлиги улар ривожланиши синхронизациясининг сабабидир. Бир ТТ ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлиши, барқарорлашуви ва инқирози у ёки бу даражада бир вақтда рўй беради. ТТ ичидаги ҳар қандай жиддий янгиликлар, янги технологик асосда унинг тубдан реконструкция бўлишига ва оқибатда, одатда, янги ТТ шаклланишига олиб келади. Одатда, ҳар бир ТТ кўпгина қўшни ТТ лар

билан боғлиқ бўлиб, шу билан бир нечта технологик занжирларни бирлаштиради.

Шу йўл билан ўзаро узвий боғлиқ ТТ гуруҳлари шаклланади. Ривожланиш жараёнида боғлиқ ТТлар бир-бирининг эҳтиёжларига мослашишади. Шундай қилиб, иқтисодий тизимдаги турли типдаги ўзаро боғлиқ ТТларни бирлаштирувчи барқарор технологик занжирлар шаклланади. Шунинг учун бир хил технологик занжирлар билан боғлиқ ва технологик укладларни (ТУ) ташкил этувчи ТТ гуруҳларини ажратиш мумкин. Ҳар бир ТУ доирасида дастлабки ресурсларни олиш, уни қайта ишлашнинг барча босқичларини ва якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олувчи ёпиқ ишлаб чиқариш цикли амалга ошади.

3.5. Технологик укладларнинг таснифи

Ҳақиқий технологик-иқтисодий ривожланишга қўшни ТТлар асосида шаклланувчи ва янги ТУга бирлашувчи янги техник занжирлар вужудга келтириб эришилади. Ҳар бир янги ТУ ўз ривожланишининг бошида эски транспорт инфратузилмасидан ва ёқилғидан фойдаланади, бу эса уларнинг қондирилишини рағбатлантиради.

ТУ ривожланиши жараёнида эски укладнинг камчиликларини йўқотувчи ҳамда янги ёқилғига ўтишни таъминловчи янги инфратузилма тури яратилади ва у кейинги ТУ шаклланиши учун асос бўлади. Аниқки, инфратузилма, ёқилғининг янги техника ва технологиялар ривожи асосида яратилади.

Вақт ўтиши билан мамлакатнинг анъанавий товарлар ва хизматларга эҳтиёжи қондирилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг чегарасига етганда мавжуд ТУ негизида янги омиллар уларнинг ривожини тезлаштиради ва мамлакат кейинги, янада илғор ТУ га ўтади.

Жаҳон иқтисодиётида охириги 300 йил давомида 5 та ТУ алмашиди. Укладларнинг иқтисодий тавсифи

С.Глазьев нинг монографиясида батафсил ёритилган. Уларнинг асосийларини келтирамиз:

1-ТУ (1770-1830): тўқимачилик саноати машинасозликнинг ривожланиши, чўян эритиш, сув двигателининг ихтироси эди.

2-ТУ (1830-1880) асоси: буғ двигателининг ихтироси, темир йўл қурилишининг, транспортнинг, машина, кemasозликнинг, кўмир, станоксозлик саноатининг, қора металлургиянинг ривожи эди.

3-ТУ (1880-1930) асоси: электротехник, оғир машинасозликнинг ривожланиши, пўлат ишлаб чиқариш ва прокати, электр узатиш линияларининг қурилиши ва ноорганик кимёнинг ривожи эди.

4-ТУ (1930-1980)асоси: автомобиль, тракторсозликнинг, рағли металлургиянинг ривожи, узоқ муддат фойдаланилган, синтетик материалларни ишлаб чиқариш, органик кимёнинг ривожланиши, нефтни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш эди.

5-ТУ (1980-2030)асоси: электротехник саноатнинг, ҳисоблаш, оптик-тола, техниканинг, дастурий таъминотнинг, телекоммуникацияларнинг ривожи, газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ахборот хизматларининг ривожи ҳисобланади.

Асосий омил-микроэлектрон компонентлар.

70 - йилларнинг охиригача ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий тузилмасида 4-ТУ ҳукмрон эди. Барча мамлакатларда уни такрор ишлаб чиқариш билан бирга ўз ҳаёт цикли якуний босқичидаги 3-ТУ ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва 50- 70 - йилларда шаклланаётган ҳамда 80 - йилларнинг ўрталарида ўсиш босқичига ўтган 5-ТУ ишлаб чиқариши тез ўсган эди.

50-90 - йилларда 3-ТУ ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий динамикасида муҳим роль ўйнамай қолганди. Деректив бошқарилган мамлакатларда эса 30 - йилларнинг бошигача 3-ТУ такрор ишлаб чиқариш давом этар эди. Унинг қисқариши бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга қараганда секинроқ кечди.

СССР да 3-ТУ қисқариш ўрнига мамлакатнинг иқтисодий ўсиш ўртача суръатига яқин суръатда кенгайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Собиқ СССРда 4-Тунинг, айрим ТТларнинг шаклланиши ривожланган капиталистик мамлакатлардагидек инқилобигача бошланган эди. Лекин унинг ўсиш босқичи 50 - йиллар охири 60 - йиллар бошида кимё саноатининг устувор ривожни тўғрисида қарор қабул қилинганча бошланганди.

Умуман олганда, собиқ СССРда 4-ТУнинг ривожланиши ривожланган мамлакатларга қараганда секинроқ эди.

60 - йилларда миллий иқтисодиётда ривожланган мамлакатлардагидек 5-ТУ пайдо бўлиши бошланди. Бошиданок бу укладни ҳаракатлантирувчи тармоқларнинг деярли бутун мажмуи шаклланди: электроника, авиакосмик техника, телекоммуникация воситалари.

5-ТУ ривожланиши суръатлари бошида ривожланган мамлакатлардаги суръатларга яқин эди. Янги ТУнинг базавий ишлаб чиқаришларида, асосан авиакосмик техникада собиқ СССР нисбий рақобат афзалликларига эга эди. Лекин 70 - йилларнинг ўрталаригача 5-ТУнинг шаклланиши бутунлай ҳарбий саноат мажмуида бўлиб ва асосан давлат хариди ва субсидиялар асосида амалга ошган.

Агар ривожланган капиталистик мамлакатларда 70 - йилларнинг ўрталаридан 4-ТУ дан 5-ТУ га ресурслар кенг миқёсда қайта тақсимланиб, 5-ТУ тез ривожланган бўлса, собиқ СССРда аксинча 5-ТУ ривожланиши эскирган ТУ ларни такрор ишлаб чиқариш натижасида келиб чиққан ресурслар дефицити ҳисобига кенгай олмасди.

5-ТУнинг илғор тармоғи-эгилювчан, автоматлашган ишлаб чиқаришларнинг (ЭАИЧ) ривожини кўзбўямачилик эди. 80 - йилларда собиқ СССР барча ривожланган мамлакатларни роботлар ишлаб чиқариш бўйича қувиб етди, лекин улардан фойдаланишдан

самара харажатларга нисбатан кам эди. Айниқса, аянчли аҳвол базис тармоқларда, авваламбор макроэлектрон саноатда вужудга келди. 70 - йилларнинг ўрталаридан бу соҳада технология таъминоти анчага орқада қола бошлади ва 80 - йилларнинг охирида 3 та авлодга етди. Жаҳон бозорида 5-ТУ совет ишлаб чиқаришларининг рақобатбардошмаслигини белгилаб берган чегарага етиб келди. Бошқа базавий ишлаб чиқаришлар - дастурий таъминот, лазер ва оптик-тола техника, телекоммуникациялар ҳам секин ривожланган.

ТИР траекториясининг мамлакатлараро миқдорий таҳлили собиқ СССРда иқтисодиётнинг техника ривожига бошқа мамлакатларники каби бўлганини кўрсатади. Лекин у анча секин эди.

Иқтисодиёт техника ривожининг нисбатан паст суръатлари собиқ СССРнинг хўжалик бошқарув объекти сифатида таркибий ҳудудий ёки бошқа хусусиялари билан изоҳланмайди. У асосан унинг такрор ишлаб чиқариши кўп укладлилиги билан изоҳланади. Собиқ СССРда 3-ТУ такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайиши рўй беради. Шунинг учун 4-ТУ ТТларнинг ресурсларини қайта тақсимланиши жуда оз эди.

Бу тегишли равишда таркибий ўзгаришлар ва умумий техник-иқтисодий ривожланишнинг суръатларига таъсир қили.

90-йилларнинг охирида бир вақтнинг ўзида совет иқтисодий тузилмасида мавжуд бўлган учинчи, тўртинчи, бешинчи ТУ ларнинг такрор ишлаб чиқариши барқарорлашди.

Умуман олганда, собиқ СССРда иқтисодиётнинг техника ривожига 3-ТУ нинг давом этаётган такрор ишлаб чиқариши билан чекланган тўртинчи ТУ нинг ўсиши бўйича белгиланган, у эса илғор мамлакатларга қараганда анча секин эди. Бунда унинг бешинчи ТУ ривожига таъсири ҳажми кичиклиги сабабли кам эди.

Иқтисодиёт алоҳида тармоқларининг ривожига тўғрисида умумий тушунчани мамлакатимиз иқтисодиёти даражасининг эталон сифатида олинган АҚШ

ривожланиш динамикаси ривожланиш траекторияси билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Таққослаш собиқ СССР иқтисодиётининг ривожланиш даражаси АҚШ даражасидан тахминан 20-25 йилга орқага қолганини кўрсатади. Бошланғич кўрсаткичларнинг кўпида собиқ СССР дан ҳам орқада эди, АСМ соҳасида эса барча Ғарбий мамлакатлар ва соцлагердан орқада эди.

Собиқ СССРда фақатгина энергетика соҳасидаги технологик ўзгаришлар бошқа ривожланган мамлакатлар билан деярли бир вақтда бўлган.

3-ТУ такрор ишлаб чиқаришнинг давом этиш, ривожланган мамлакатларга қараганда 4-ТУ нинг анча секин ривож (30 йилга орқада қолиш) 5-ТУ асосида халқ хўжалиги реконструкциясини ва унинг халқаро меҳнат тақсимотига самарали интеграциясини анча қийинлаштиради.

3.6. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимидари вожланишнинг постиндустриал босқичи

ИИТни самарали давлат бошқарувини шакллантиришда ҳисобга олиш керак бўлган омилларни аниқлашдан олдин жаҳон хўжалиги ривожланишнинг янги босқичи-постиндустриал босқичнинг асосий белгиларини кўриб чиқайлик. Айтиб ўтиш керакки, унинг кўпгина белгилари ҳозирча прогрессив тенденциялар сифатидагина намоён бўлиб, фақат ривожланган мамлакатларга хос, постиндустриал жаҳон тизимида эса, индустриал тизимнинг кўп белгилари мавжуд. Бунда айрим белгилар камайса, бошқалари кўпинча ошади.

Алоҳида мамлакатлар ИИТ ривожини постиндустриал босқичининг асосий белгиларини келтирамиз:

- ижтимоий ҳаётда барча шакллар ривожининг динамизми мураккабланиши ва ўсади. Фан, техника, иқтисодиёт, сиёсатнинг ижтимоий шартлари, мафкура, ахлоқ орасида ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик кучаяди;

- шу сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини ечишнинг эҳтимоилли вариантлари, йўллари ва воситалари хилма-хиллиги ошади;

- фан ва техника ривожини, экология, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, истеъмолчи ҳимояси, маданиятни ривожлантириш, унинг қадриятларини сақлаб қолиш ва бошқа муаммоларни ечишда турли ижтимоий ташкилотлар ва фондлар роли ошади;

- ҳар бир мамлакат ичида ишлаб чиқаришнинг интеграцияси, молия-саноат гуруҳлари (МСТ), турли ассоциациялар ва корпорацияларнинг концорциумлари, саноат ва банк капиталининг симбиози шаклланади. Бунинг натижасида давлатнинг таркибий тармоқ сиёсати ва тармоқ ривожининг бошқа масалалари, шу жумладан, тармоқлараро характердаги мураккаб масалаларни ечиш доирасида миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожининг асосий йўналишларини белгилашда корпорациялар ролининг кучайиши;

- бошқариш мезодаражасининг шаклланиши ва ривожини, яъни макродаража ва микродаража - кичик, ўрта ва кичик ўрта корхоналар орасидаги ўрта даража;

- фан-техника инқилоби, фан - ишлаб чиқариш инқилобига ўтиши, бунга иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги силжишлар, ишлаб чиқариш технологияси соҳасидаги сифатли сўнгги янгиликлар, хом ашёнинг янги турига талабни шакллантиришга интилиш сабаб бўлади;

- ҳаёт таъминотининг барча соҳаларини компьютерлаштириш, коммуникация воситалари ривожининг юқори даражаси натижасида ривожланган мамлакатларнинг ИИТси ахборот тизимига айланиши;

- алоҳида ишлаб чиқаришларнинг бир-бирига кириб бориши, тармоқ орасидаги чегаранинг йўқолиши, таркибий мобилликнинг кучайиши;

- ҳар бир мамлакат иқтисодий тизимининг янада «очиқлиги», бу эса жаҳон иқтисодий тизимининг бирлиги, бутунлиги ҳақида гапиришга имкон беради.

Масалан, ривожланган мамлакатлардаги ақлсиз ва тўхтовсиз ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш жаҳон экологик инқирозини, жаҳон ва мамлакатнинг турли минтақалари орасида ҳаёт сифати орасидаги фарқни ва натижада улар орасидаги зиддиятларни кучайтиради. Умуман олганда, жаҳоннинг етакчи мутахассислари фикрича, инсоният тобора қутбланиш дунёда яшамокда, бу ерда эса 20% аҳоли постиндустриал цивилизациянинг эндоген етилиши шароитида, 80% аҳоли постиндустриал дунёнинг «бошқа томонида» яшамокда, чунки «бой шимол» ва «камбағал жануб» орасидаги тафовут охириги ўн йилликларда қисқариш ўрнига, аксинча ўсмокда (жаҳон аҳолисининг 20 фоизи 80% жаҳон хўжалигига, 20 фоизи эса атиги 1,5% жаҳон хўжалигига эга).

Иқтисодиётнинг янада «очиқлиги» тенденциясига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз, чунки у ҳар бир мамлакат, ҳамда жаҳоннинг ИИТ қиёфасини тубдан ўзгартиради ва натижада ҳар бир мамлакат ривожланиш стратегиясининг омилларини ўзгартиради. Жаҳонда бўлаётган жараёнларни тўлиқроқ тасаввур этиш учун ривожланишнинг илмий стратегияси таркибий қисми сифатида асосий қондаларни келтирамиз.

Геоиқтисодиётга кўра, жаҳон иқтисодий тизимининг бирлиги, бутунлиги қуйидаги жараёнлар таъсирида шаклланади:

- интернационализация;
- мондализация;
- глобализация.

Интернационализация жараёни асосида жаҳон иқтисодий тизими алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг мажмуи сифатида бўлади, яъни интернационализация асосан жаҳон бозори орқали боғланган нисбатан алоҳидалашган иқтисодий тизимларни кўзлайди.

Мондализация жаҳон иқтисодий тизимларини таркибига нафақат миллий иқтисодий тизимлар, балки транс ва миллатлараро корпорациялар кирувчи яхлитлик каби шакллантиради, яъни мондализация жаҳон иқтисодий тизимига сифатли янги тузилма-интеграцион-такрор ишлаб чиқариш алоқаларига асосланган яхлитликни беради.

Глобализация замонавий инсониятни ягона, яхлит, тубдан янги жаҳон, глобал тизим сифатида шакллантиради, унинг барча таркибий унсурлари узвий ва тўхтовсиз чуқурлашиб боровчи ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликда бўлади, яъни жаҳон тизими яхлит иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий супер тизим сифатида кўрилади. Бунда бутун жаҳон ҳамжамияти биргаликда ечиши керак бўлган замонавий муаммолар пайдо бўлади. Улардан энг муҳимлари жаҳон иқтисодий тизимининг табиий биологик муҳит билан ўзаро муносабати бўлади. Бундан ташқари инсоният бирлигининг шундай даражасига эришиладики, ҳар бир мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши умуман олганда жаҳоннинг ҳолатига ва ўзгаришига тобора боғлиқ бўлиб боради.

Мондализация ва глобализация жараёнлари авваламбор алоҳида мамлакатлар ҳаёти барча томонларининг интеграционализацияси сабабли бўлади. Шунинг учун адабиётларда интернационализация сўзи ҳам тор маънода (иқтисодий тизимларнинг интернационализацияси) ва кенг маънода (ҳаётнинг барча томонлари интернационализацияси, яъни глобализацияси) ишлатилади.

XXI аср бўсағасида геоиқтисодий ривожланиш жаҳон тизимида ҳукмрон мавқега эришмоқда ва у билан, авваламбор геосиёсий в ҳарбий сиёсий (геостратегик) майдон билан мураккаб ўзаро муносабатларга киришмоқда ва улар геоиқтисодиётга бўйсуняшади.

Давлатларнинг ички ва ташқи фаолияти соҳалари, ички ва ташқи сиёсат орасида фарқ йўқ бўлган сари ҳар бир мамлакатнинг миллий ривожланиш

стратегияси ташқи муҳит билан кучлироқ боғланиши керак.

Замонавий иқтисодий дунёда миллий иқтисодиётнинг барқарор мавқеъи учта стратегик компонентнинг келишилганлиги билан белгиланади:

- ташқи соҳада шаклланаётган ҳолат;
- миллий манфаатлар ва приоритетлар тизимининг ҳолати;
- миллий иқтисодиётдаги ҳолат.

Замонавий иқтисодий тизимнинг мурасасизлиги омиллариини ҳам ҳисобга олиш керак. Юқорида айтилган компонентларнинг номуносивлиги миллий иқтисодиётни, демак, мамлакат ҳамда жаҳон ривожининг аутсайдерига айлантиради.

Ҳалқаро муносабат субъектлари - мамлакатларни хусусий субъектларга алмашинуви амалга ошмоқда, бунинг натижасида жаҳон иқтисодий тизими ягона «мегакорпорация»га айланмоқда.

Ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларнинг савдо-воситачилик моделидан ишлаб чиқариш-инвестицион ёки геоиқтисодий моделига ўтишди.

Интернационализация жараёни жаҳон иқтисодий тизими технология яхлитлигининг асосини яратди, бунда турли давлатлар миллий иқтисодиётларига тегишли қисмлар ягона монолит бўғинга бирлашадиган интернационаллашган такрор ишлаб чиқариш жараёнлари шаклланади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва товарлар муомиласи жараёнининг тобора катта қисми интернационаллашиб, ягона интернационаллашган такрор ишлаб чиқариш асосини ташкил этишади.

Бу жараёнлар жаҳон иқтисодий тизимининг «оммавий» ва «хусусий» унсурлари ва интернационаллашган такрор ишлаб чиқариш асослари орасидаги зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келади. Давлатлараро иқтисодий муносабатлар ўрнига анклавлараро (фирмалараро, корпоротивлараро)

муносабатлар келмоқда, натижада ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳам фирмалараро бўлиб қолмоқда.

Қисқача хулосалар

Давлат прогнозилаштиришнинг объекти сифатида ижтимоий–иқтисодий тизим «мамлакат» каби глобал тизимнинг тизим ости бўлиб намоён бўлади. «Мамлакат» тушунчасининг синоними – бу атама кенг маъносида «давлатдир». «Давлат» атамаси тор маънода «давлат органлари» тушунчасида ҳам ишлатилади. Жамият борлиқнинг ижтимоий қисмидир ёки жамият мамлакатни тизим остидир. Давлат корхоналари мулкчилик тури бўйича бир нечта гуруҳларга бўлинади.

Хусусий секторда корхоналар учта асосий ҳууқиқтисодий шакл бўйича ажратилади. Миллий ҳисоблар тизими бўйича ижтимоий–иқтисодий тизимда тармоқлар таснифланган. Технологик укладлар ишлаб чиқариш самарадорлиги чегарага етгандан сўнг янги прогрессив укладга ўтади.

Постиндустриал жаҳон тизими – бу зиддиятсиз жаҳон ҳамжамият бўлмай туриб унда индустриал тизимининг пул белгилари мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий–иқтисодий тизим деганда нима тушунулади?
2. Ижтимоий –иқтисодий тизимни ривожлантиришни мақсади нима?
3. Давлат корхоналари қандай классификацияланади?
4. Замоновий иқтисодий тизимнинг хусусий секторларини ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
5. Индустриаллашгандан кейинги жамият шароитида хусусий секторни риволаниш хусусиятлари нималардан иборат?

6. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тизимини тармоқ тузулмаси қандай ифодаланади?
7. Технологик укладларни таснифи ҳақида тушунчангиз?
8. Жаҳон иқтисодий тизимини бирлиги нималарга таъсир этади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.
2. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
3. Фарейчева Г.В. Система общественных потребностей и ее макрорегулирование в условиях глобализации М. МГУ. ТЕИС. 2004. 456с
4. Ершова И.В. Пред.при право М. 2003. 258с.
5. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004.
6. Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
7. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
8. Прогнозирование и планирование в условиях рўнка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000
9. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri
Электрон почта
www.informika.ru/text/exhibits/papers/2004/rc11-3doc
[http:// www. Review.uz/home/azticle.asp?](http://www.Review.uz/home/azticle.asp?Biblio.rkfrencastarhumanitarianrcicle.htm)
[Biblio.rkfrencastarhumanitarianrcicle.htm](http://www.vqi.freenet.rtrudydratisviko.htm)
<http:// www. vqi.freenet. rtrudydratisviko.htm>

IV боб ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИ

4.1. Прогнозлаш усуллари классификацияси

Прогностиканинг фан сифатида гуркираб ривожланиши охириги ўн йилликда ўз аҳамиятига кўра, тенг баҳоли бўлмаган кўплаб прогнозлаштириш усуллари, жараёнлари, йўллари, тадбирларининг вужудга келишига олиб келди. Уларнинг аниқ бир тизимга солиinganлиги кейинчалик кам баҳоланган ва қурама усуллар билан прогностика инструментарияси кенгайишига сабаб бўлди.

Ҳозирда, олимларнинг баҳолашига кўра, прогнозлашнинг 150 дан ортиқ усуллари мавжуд. Бироқ амалиётда асосийлари сифатида уларнинг 15-20 тасидан фойдаланилади.

Прогнозлаш усуллари классификациясини батафсил кўриб чиқишдан олдин, «усул» ёки «иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усуллари» тушунчасини аниқлаб олиш керак.

Прогнозлаш усули деганда ретроспектив маълумотлар, экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) алоқалар, прогнозлаш объекти, шунингдек, кўрилаётган ҳодиса ёки жараён доирасида уларнинг ўлчовларини таҳлил қилиш асосида объектнинг келгусида ривожланишини аниқ муҳокама қилиш имконини берадиган фикрлаш йўллари ва усуллари мажмуасини тушуниш лозим.

Мавжуд манбаларда прогнозлаш усуллариининг турли хил таснифлаш тамойиллари кўрсатилган. Прогнозлаш усуллариининг муҳим таснифлаш белгиларидан бири уларни тўла қамраб оладиган формалаштириш даражаси ҳисобланади.

Иккинчи таснифлаш белгиси —прогнозлаш усуллариининг таъсирини умумий тамойили дейиш мумкин, учинчиси - ишончли ахборот олиш усули ҳисобланади.

Формализация даражасига қараб иқтисодий прогнозлаштириш усуллариининг интуитив ва формализационга бўлиш мумкин.

Прогнозлашни интуитив усуллари объектни мураккаблигига кўра, кўнраб омилларни ҳисобга олиш мумкин бўлмаган ҳолларда ишлатилади. Бу ҳолда экспертлар баҳосидан фойдаланилади. Бунда индивидуал ва жамоавий эксперт баҳолари фарқланади.

Индивидуал эксперт баҳолар таркибига: «интервью» усули - бунда экспертнинг «савол-жавоб» мутахассиси билан бевосита алоқаси амалга оширилади; таҳлил қилиш усули - бунда қандайдир прогноз қилинаётган вазиятнинг логистик таҳлили амалга оширилади, таҳлилий ёзма ҳисоботлар тузилади; сценарий ёзиш усули — у турли шароитларда вақт ўтиши билан ҳодиса ёки жараёни мантиқан аниқлашга асосланади.

Жамоавий эксперт баҳолари усуллари ўз ичига «комиссия», «ғоялар жамоавий генерацияси», «дельфи», матрица усуллариини олади. Бу усуллар гуруҳи шунга асосланганки, жамоавий фикрлаш жараёнида, биринчидан, натижалар тўғрилиги юқорироқ ва иккинчидан, экспертларни индивидуал мустақил баҳоларни ишлаб чиқишда кам ҳолларда ашёвий ғоялар келиши мумкин.

Формализацион усуллар гуруҳига экстрополяция ва моделлаштириш киради.

Биринчи гуруҳга энг кичик квадратлар усули, экспоненциал текислаш усули, ўртага сирғанмалар усули киради.

Иккинчисига эса, таркибий, турли, матрицавий моделлаштириш киради.

Прогнозлаштириш усуллари классификациясида турли бошқа усуллари бирлаштирадиган

комбинациялашган усуллар ўзига хос ўринни эгаллайди. Масалан, жамоавий экспертлар баҳолашлари ва экспертларни сўроқ қилиш ва ҳоказо.

Прогнозлаш усуллари таснифлашда шуни назарда тутиш керакки, прогнозлаш усуллари мазмундор тизимга солиш, прогнозлаш объекти ривожланишининг иқтисодий жараёнлари ва уларнинг қонуниятлари билан аниқланиши керак.

4.2. Прогнозлашнинг эксперт усуллари

Прогноз - эксперт объекти перспектив тараққиётига қараганда мутахассисларнинг индивидуал фикрлашини намоён қилади ҳамда мутахассис тажрибаси мобилизация ва интуицияга асосланган. Эксперт баҳолаш усули объектлар ва муаммоларни таҳлил қилишда, уларнинг тараққиёти тўлиқ ёки қисман математик шакллантиришга тўғри келмайдиган, яъни адекват (ўхшаш, тўғриланган) модели ишлаб чиқиш қийин бўлган ҳолларда ишлатилади. Прогнозлашда қўлланиладиган эксперт баҳолаш усули индивидуал ва коллективга бўлинади.

Индивидуал эксперт усули, соҳалари бир-бирига боғланмаган эксперт мутахассис фикрларидан фойдаланишга асосланган. Кўпинча прогнозни шакллантиришда қуйидаги икки усул қўлланилади:

1. Интервью.

2. Аналитик-эксперт баҳолаш.

Интервью усули прогноз қилувчининг эксперт билан бўладиган суҳбатини тахмин қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда суҳбат давомида прогноз қилувчи олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар асосида эксперт олдида объектнинг перспектив тараққиётига нисбатан саволлар қўяди. Бундай баҳолашнинг муваффақияти муҳим даражада интервью олинаётган эксперт маҳоратига, унинг энг фундаментал саволларга тез ва турли - туман хулосалар беришига боғлиқ.

Аналитик-эксперт баҳолаш таҳлил қилишга интилиш устидан узоқ ва синчиклаб мустақил ишлашни, прогнозланаётган объектнинг тараққиёт йўли ва ҳолатини баҳолашни тахмин қилади. Бу усул экспертга прогнозланаётган объект бўйича лозим бўлган барча ахборотлардан фойдаланиш имконини беради. Эксперт ўзининг фикрларини ҳимоя қоғози кўринишида тайёрлайди.

Кўрилаётган усулларнинг асосий ютуғи экспертнинг индивидуал маҳорати ҳамда алоҳида ишчига кўрсатилган, эътиборга олинмаган психологик таъсирни максимал даражада фойдаланиш имконини беради. Лекин бу усуллар бир эксперт - мутахассис билими бир қанча фан соҳалари бўйича чекланганлиги туфайли кўпинча умумий стратегияни прогнозлашда кам қўлланади.

Кўп ҳолларда умумий стратегияни прогнозлашда прогнозланаётган объектнинг перспектив тараққиёти ҳақида, экспертларнинг жамоавий фикрларини аниқлаш принципіга асосланган жамоавий-эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиш мумкин.

Бу усуллари қўллаш асосида экспертнинг ўрганаётган муаммонинг муҳимлиги ва аҳамиятлилигини етарли даражада баҳолаш гипотезаси, маълум бир йўналишдаги перспектив тараққиёти, у ёки бу воқеанинг юзага келиши, прогноз объекти тараққиётида мақсадли маълум бир муқобил йўлни танлаш гипотезаси ётади.

Ҳозирги вақтда махсус ҳайъат аъзоларининг ишлашига асосланган эксперт усуллари кенг тарқалган бўлиб, эксперт гуруҳлари «думалоқ стол атрофида» у ёки бу муаммони ҳал қилишда бир қарорга келиш мақсадида мунозара қилиб, бир фикрга келишади.

Ҳақиқатдан ҳам эксперт жамоаси ёрдами билан прогнозлашни шакллантиришда асосий масалалар қуйидагилардир:

- малакали эксперт гуруҳларини шакллантириш;
- экспертизаларни тайёрлаш ва ўтказиш;

- олинган хужжатлар асосида статистик ҳисоблашлар ўтказиш.

Анкеталарда сақланган, кўп сояли қийматлар кўринишида берилган, эксперт баҳолаш натижасини статистик баҳолаш ва уларнинг ишончлилик чегаралари, экспертлар фикрлари келишувини статистик баҳолаш аниқланади.

Прогнозланаётган катталикларнинг ўртача аҳамияти қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$B = \sum_{i=1}^n B_i / n$$

Бу ерда: B_i — тарафидан берилган прогнозланаётган катталикларнинг аҳамияти;

n - гуруҳдаги экспертлар сони.

Бундан ташқари, дисперсияни ҳам аниқлаш мумкин:

$$D = \sum (B_i - B)^2 / (n - 1)$$

(Дисперсия, бу вариант (B_i)дан ўртача арифметик (B) айирмасининг ўртача квадрати).

Бундан сўнгра j ишончлилик интервалининг яқинлик аҳамияти ҳисобланади.

$$j = \sqrt{D / (n - 1)}$$

Бу ерда: t - параметр, яъни стьюдент жадвалидан берилган ишончлилик эҳтимоли даражаси ва озодлик даражаси сони орқали аниқланади. Сўнгра прогнозланаётган катталикларнинг аҳамиятлилиги учун ишончлилик интервали ҳисобланади.

Юқори чегараси учун $A_B = B + j$

Қуйи чегараси учун $A_H = B - j$

Бундан ташқари баҳоланаётган ҳар бир параметр муҳимлиги бўйича экспертлар фикрларининг келишувлик даражасини кўрсатувчи конкордация коэффициенти ҳисобланади.

4.3 Экстраполяция усули

Экстраполяция ёрдамида жараёнлар юзага келишида, одатда, у ёки бу кўп миқдорий объект тавсифи статистик тенденцияларини йиғишда, ўзгариш нуқтасидан бошланади. Экстраполяция усуллари энг кўп тарқалган ва барча прогнозлаш усуллари орасида нисбатан кўп ишлаб чиқилган усуллардан ҳисобланади.

Бу усуллар ёрдамида катта системаларнинг параметрлари, иқтисодий, илмий ва ишлаб чиқариш потенциалининг миқдорий тавсифлари, илмий-техник тарақиётнинг натижавийлиги тўғрисидаги маълумотлар, системалар ичидаги ва бошқа шунга ўхшаш тавсифларнинг нисбатлари экстраполяция қилинади.

Экстраполяция усулининг мақсади қуйидагича ҳисобланади:

Прогнозлаш объектини характерловчи ўтган даврга нисбати, татбиқ қилиш қонуниятлари аниқланади ва мос ҳолда бу маълумотларнинг ўсиш потенциаллари тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш, сўнгра ташқи муҳитда эмперик ёки динамик қаторда бўлган прогнозловчи катталикларнинг қийматлари аниқланади.

Экстраполяция усули вақт қаторларидаги боғланиш кўпроқ, яъни экстраполяция қилишнинг тарқалган соҳалари аниқланган ҳолларда қўлланилади.

Бирламчи таҳлил ўтказишдан сўнг тўғри экстраполяция жараёнига ўтказамиз.

Эгри чизиқли шакли ва унинг параметр қийматларини билган ҳолда, эмперик маълумотлар ташқарисида яъни, келажак даврига тўғри келувчи аргумент(вақт) қийматини аниқлаб, конкрет вақтда прогнозлаш қийматига қабул қилувчи функциянинг мос келувчи қиймати аниқланади.

Берилган прогнозлаш усули, одатда, эгри чизиқли шаклини тўғри аниқланганда, қонуниятларни тўғри акс эттирувчи эмперик маълумотларнинг ўзгариши тўғрисида жуда яхши натижалар беради.

Динамик қаторни аниқлаш учун динамик қаторда боғланиш зичлигини кўрсатувчи коэффициент ҳисобланади

$$r_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^n (X_t - \bar{X})(Y_t - \bar{Y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (X_t - \bar{X})^2 \sum_{i=1}^n (Y_t - \bar{Y})^2}}$$

r_{yx} нинг қиймати -1 дан $+1$ гача қийматни қабул қилади.

Мусбат қиймат тўғри, манфий қиймат тескари боғланишга тегишли эканини кўрсатади. $r_{yx} \geq 0,7$ бўлган қийматда тренд барқарор бўлади.

Акс ҳолда динамик қатор тенденцияси барқарор бўлмайди. r_{xy} қиймати (0) га яқин бўлган ҳолда корреляцион боғланиш йўқлиги тўғрисида фикр юритилади.

Тенденциянинг барқарорлиги аниқланган ҳолда динамик қатор икки ташкил этувчига ажратилади.

$$y = y_t + e_t \quad (t=1, 2, \dots, n)$$

Бу ерда: y_t тенденциянинг тараққиёти (тренд); e_t айрим сабабларга кўра ҳаракат натижасида юзага келувчи қолдиқ элементлар.

Динамик қатордаги элементларнинг миқдорий тавсифсини аниқлаш учун вақт давомида объект тенденция тараққиётининг энг маъқул кўринишини ифодаловчи тренд ҳисоблаб чиқилади. Сўнгра қолган элементларнинг эгилувчанлик қийматига баҳо берилади. y_1, a, b_1 чизиқли регрессия параметрлари энг кичик квадратлар усули орқали ҳисобланади.

Бу усулнинг маъноси бошланғич вақт қатори нуқтасидан айирмани минимизация қилувчи тренд усули параметрларини ахтариш, яъни қидириб топишдан иборатдир. Бундай ҳолда айирманинг квадрати суммаси олинади:

$$S = \sum_{t=1}^n (Y_t - \hat{Y}_t)^2 \rightarrow \min$$

Бу ерда: $\hat{Y}_t$ -бошланғич қаторнинг саъзбекистонланиш аҳамияти;

$\hat{Y}_t$ -бошланғич қаторнинг фактга асосланиш аҳамияти;

$T=1, n$. n -кузатувлар сони.

Минимизация талаби тенглик (0) полга тенглаштирилганда бажарилади.

Буида S минимал бўлиши ҳамда a ва b параметрлар қуйидаги нормал тенгламалар системасини қониқтириши лозим.

$$na + b \sum_{t=1}^n t = \sum_{t=1}^n y_t$$

$$a \sum_{t=1}^n t + b \sum_{t=1}^n t^2 = \sum_{t=1}^n y_t t$$

a ва b параметрлари тааллуқли бўлган системани ҳисоблаб, уларнинг аҳамиятини аниқлаймиз.

4.4. Регрессия ва корреляция таҳлили усули

Регрессион таҳлил - ўрганилаётган тасодифий ҳаракатнинг тасодифий меъёрини ва ўрганилаётган миқдорий ўзаро муносабатлар ўртасидаги боғланишни ишлаш учун қўлланилади. Яъни, тасодифий ва иқтисодий меъёрлар ўртасидаги боғланиш регрессия деб аталади. Регрессион таҳлил—ушбу боғланишнинг таҳлили усулидир.

Регрессия ўртача натижа белгиларининг омил белгилари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Прогнозлаш учун регрессион таҳлил усули қўлланилаётганда математик формула тузилади. У

формула прогнозлаштириш объекти билан бирга унга таъсир этувчи битта ёки бир нечта омилларнинг боғланишини ўзида акс эттиради. Бу усул ишлатилаётган объектнинг хусусиятини таҳлил қилишга имкон беради. Бунда намуна тузилиб, ундан сўнг намунадаги бир кўрсаткичнинг аҳамиятини бошқа кўрсаткичга боғлиқлиги ҳисобланади.

Регрессия тенгламаси вазифасига кўра бўлинади.

Масалан,

Тўғри чизиқли тенглама.

$$y = a_0 + \sum a_i x_i$$

Даражали тенглама $y = a_0 \prod x_i^{a_i}$

Кўрсаткичли тенглама. $y = a_0 \prod a_i^{x_i}$ ва

бошқалар.

Бу ерда эрксиз ўзгарувчи (y) функция, эркин ўзгарувчи (x) аргумент бўлиб келади.

Эркин вариациянинг асосий, ҳақиқий кўрсаткичи эмперик кўрсаткичдан ҳисобли кўрсаткич айирмасининг ўртача квадратига тенг.

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (y_i - \hat{y}_i)^2}{n - k}} \quad (\sigma = \sqrt{D})$$

Бу ерда: y_i ҳақиқий миқдор;

$\hat{y}_i$ - ҳисобий миқдор;

n - кузатишлар сони.

k - регрессия коэффициенти сони

Абсолют кўринишидаги вариация кўрсаткичидан ташқари бошқа эмперик аҳамиятни ҳисобли аҳамиятдан узоқлаштирувчи нисбий кўрсаткич ҳам қўлланилади. Бу қуйидагича ёзилади.

$$V = \frac{\sigma}{y} \cdot 100\% \quad \text{бу ерда } y = \sum_{i=1}^n x_i / n$$

Вариация коэффициенти бўйича ҳисобларнинг фойдалилиги ва ишончлилигини муҳокама қилиш

мумкин. Яъни вариация коэффиценти қанча паст бўлса, ҳисобли регрессиясининг чизигига шунча яқинлашади. Вариация коэффиценти ҳисобланган ҳисобнинг тажрибадаги фактга тўғри келишини кўрсатади.

Ўзгарувчиларнинг боғлиқлиги ҳақидаги гипотезани текшириш учун корреляция $R_{y/x}$ Бу формула шу қўлланманинг 13-саҳифасида кўрсатилган.

Илгари кўрсатилганидек, корреляция коэффицентининг ўзгариши оралиғи қуйидагича ёзилади:

$$-1 \leq r_{y/x} \leq 1$$

Бу ораликда у ва х ўртасида тўғри ва тескари боғлиқлик бор.

$r_{y/x} = \pm 1$ да у ва х ўртасида тўғри ва тескари функционал боғлиқлик бор.

$r_{y/x} = 0$ да у ва х ўртасида корреляция боғлиқлиги йўқ.

Жуфт корреляция коэффицентининг аҳамияти-танлашни ҳажмига боғлиқ тасодифий меъёрдир.

Назорат сони пасайган сари корреляция коэффицентининг ишонарлилиги пасаяди.

Корреляция коэффицентининг квадрати детерминация коэффиценти деб аталади ва назарий моҳияти ўзгарувчининг ҳақиқий моҳиятига мос келишини кўрсатади.

Кўплик корреляция коэффиценти (R) бўйича аргумент ва функция омиллари ўртасидаги боғлиқлик муҳокама қилинади.

$$R_{y_2} = \sqrt{\frac{r_{yx_1}^2 + r_{yx_2}^2 - r_{x_1x_2}^2}{1 - r_{x_1x_2}^2}} \quad 0 \leq R \leq 1$$

R_{y_2} - тўғри функционал боғлиқлик.

Кейин эса регрессия тенгламасининг натижасини ривожланаётган объектга тўғри келишини текшириш керак. Бу F- Фишер формуласи билан амалга оширилади.

$$F = \frac{R^2(n-k-1)}{(1-R^2)K}$$

Бу ерда:

n- назорат сони;

k-регрессия тенламаси омиллари сони.

Ҳисобланган сон жадвалдан текширилади ва агар ҳисобланган сон жадвалдагидан катта бўлса, $(F_{\text{хис}} > F_{\text{жад}})$ ўнгда боғлиқлик ҳақиқий прогрессга тўғри келади.

Регрессия тенгламаси параметри (a_i) ва кўпчилик корреляцияси коэффицентининг тўғрилигини текшириш учун t- Стьюдент формуласидан фойдаланилади:

$$t = \frac{\sqrt{n-tr_{\frac{1}{2}}}}{1-r_{\frac{1}{2}}^2}$$

$t_{\text{натижа}} > t$ жадвал бўлганлиги, регрессия тенгламаси параметри ва кўпчилик корреляция коэффиценти тўғрилигини кўрсатади.

Ўрганилаётган объект модели тузилиб, унинг тўғрилиги текширилгандан сўнг ва боғлиқлик усули топилган, ўрганилаётган объект ҳақида прогноз қилинади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, регрессия усули корреляция ва регрессия тахлили аппаратини қўллашга асосланган.

4.5. Математик моделлаштириш усуллари

У ёки бу ҳодисани таърифловчи моделлаштириш энг кўп тарқалган усул ҳисобланади. Келажакдаги

ҳодисани прогнозаштиришда яхши натижа берадиган усул моделлаштиришдир.

Биринчи маротаба прогноза мақсадида модел тузиш иқтисодиётда қўлланилган. Иқтисодий изланишда қўлланиладиган математик аппарат иқтисодий математик моделлаштириш, деб аталади. Модел изланиш субъекти томонидан шундай тузилиши керакки, бунда операциялар изланилаётган объект ҳақидаги маълумотни акс эттирадиган бўлади (маълумотлар: ўзаро боғлиқлик, тузилмавий ва вазифасига кўра параметлари). Шунинг учун моделини тасвирлаш ва моделининг объектга мослиги масаласи айрим аниқ мақсадларда ечилади.

Моделини тузиш объектини олдиндан ўрганиш асосида олиб борилади. Унга мос тавсиф бериш, тажрибавий ва назарий моделини тузатиш моделлаштириш усулининг таркиби ҳисобланади.

Прогнозаштиришга мувофиқ равишда изланилаётган объектни моделлаштириш усулида жиддий қийинчиликлар учрайди ва у ўзига катта аҳамият беришни талаб этади.

Моделлаштиришни қўлланишидаги қийинчиликлар прогноза объект тузилмасини қийинлаштиради. Шунинг учун кўпчилик ҳолларда битта модел эмас, балки моделар ва усуллар тизимини қўллаш керак.

Бунда ҳар бир иш аниқлик ва кетма — кетлик билан амалга оширилади.

Прогнозаштириш моделлари тизими деганда усуллар ва моделлар йиғиндиси тушунилиши керак. Булар объектининг келажақтаги ҳолати ва ривож, прогнознинг келажақтаги ва ҳозирги тенденцияси ва қонуниятларни ўрганиш асосида келишилган ва зиддиятсизлик имкониятини беради. Бунда, тизимда прогноз йиғиндиси модел кетма-кетлиги асосида тузилади.

Прогнозаштириш моделини тузишнинг 3та босқичи бор.

Биринчи босқичда бир-бири билан боғлиқ бўлган алоҳида модел ва моделнинг кичик тизимлари тузилади ва прогнозлаштириш мақсадида ўзаро характерини таъминловчи ягона тузилмалар ҳолига келтирилади.

Иккинчи босқичда ўзаро боғлиқликдаги прогнозлаштириш модели тизими тузилади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги текширилади.

Учинчи босқичда прогнозлаштириш модели тизимини тузишдаги ўзига хос алоҳида тизимлар аниқланади ва ривожлантирилади. Прогнозлар йиғиндисини тузиш мақсадида уларни қўллаш усули изланади.

Қисқача хулосалар

Прогностикани гуркираб ривожланиши усул ва услубларни беҳисоб қўланиб кетишига олиб келди. Усуллардан самарали фойдаланиш учун уларни аниқ тизимларга ажратиш лозим. Усулларни таснифлаш белгиларидан бир бўлиб уларни формаллаштириш даражаси ҳисобланади. Эксперт баҳолаш усули математик формаллаштириш мумкин бўлмаганда объект ва муаммоларни таҳлил қилишда фойдаланилади. Экстраполяция усули моҳияти статистик маълумотларни таҳлили асосида объектни ривожланиш тенденцияси аниқланади.

Регрессион таҳлил ўрганилаётган тасодифий ҳаракатнинг тасодфий меъёрини ва ўрганилаётган миқдорий ўзаро муносабатлар ўртасидаги боғланишни излаш учун қўлланилади.

Математик аппаратни иқтисодий излашувда фойдаланиш иқтисодий–математик моделлаштириш дейилади ва бунда иқтисодий жараёнлар ва ходисаларни математик тенгламалар орқали ифодаланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Прогнозлаш усуллариининг классификацияси.

2. Эксперт баҳолаш усулининг моҳияти.
3. Экстрополяция усулининг моҳияти.
4. Тренд нима?
5. Корреляция коэффициентни қандай ҳисобланади?
6. Фишер коэффициентини ҳисоблашнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Математик моделлаштириш усуллари ҳақида тушунчангиз?
8. Прогнозлаш моделлари тизимини қандай тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
2. Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд « АСА» 2003. 357с.
3. Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
4. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
5. Тарассвич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юраёт 2004г. 654с.
6. А.С.Шапкин Экономические и финансовые рынки осинка, управление, портфель шевеций 3-е изд. М. изд. «Дашковик» 2004. 544с.
7. Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория Учебное пособие изд: «Экономика» 2004. 382с.
Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и фактор развития современной России М. ТЕИС 2004.

8. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001
Co@libri
9. Методы, модели и системы прогнозирование регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

- a. WWW. ecomomyta - culty. uz.
- b. Новости Узбекистана —
www.uzreport.com
- c. Информация, инновации, инвестиции —
2004 — <http://www.informika.ru/text/exhibit/papers/2004fc11-3doc>

V бoб. ПРОГНОЗЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

5.1.Прогнозлаштириш усулини танлаш муаммолари

Прогнозлаш усулини танлаш ёрдамчи, лекин ҳал қилувчи ҳисобланади. У, биринчидан, прогнознинг аниқлик ва ишончлилиқ, функционал тўлиқлигини таъминлаш, иккинчидан, прогнозлаш учун вақт ва воситалар саЎзбекистонини камайтириши керак. Прогнозлаш турини ёки бевосита усули танлашнинг формал, шу жумладан, мантиқий жараёnlари зарурийлиги 3 гуруҳ сабаблар таъсирида ортиб боради.

Биринчи сабаб прогнозлаш усуллари сонининг ўсиши. прогнозлаш вазифаларининг хилма-хиллигидан иборат. Ҳозирги вақтда тахминан 200та прогнозлаш усули мажуд. Прогнозлаш шароитлари ва вазифаларининг мураккаблaшуви туфайли усуллар сонн ўсаверади. Прогнозлашнинг маълум усуллари моҳияти билан оддий танлаш ёрдамида танишиб чиқиш кўп вақт ва куч талаб қилади.

Иккинчи сабаб шундаки, ҳал қилинадиган вазифалар мураккаблиги ошиши билан бирга прогнозлаш объектларининг ҳам мураккаблиги ортиб бораверади.

Учинчи сабаб бозор муҳити динамиклиги (ҳаракатчанлиги)нинг ортиши, товарлар, хизматлар ва асосий ишлаб чиқариш тизими маънавий эскириши суръатларининг тезлашиши билан боғлиқ.

Прогнозчи прогнозолди тадқиқотлари натижасида объект ҳақида ахборотни структуралaши, таҳлил этиши ва усуллардан қайси бири прогнозлаш ёки режа шартларига кўпроқ мос келиши ҳақида муайян қарор қабул қилиши керак. Прогнозлаш усулини танлаш ҳақида ечимга келиш босқичида бундай усулларнинг

нафақт қўлланиши мумкин бўлган, балки мумкин бўлмаганларини ҳам ажратиш муҳимдир. Мумкин бўлмаганлари кўрилаётган муқобиллар қаторидан олиб ташланади.

Прогнозлаш усулини танлаш пронозчи ёки бир гуруҳ прогнозчиларнинг субъектив қарашлари асосида амалга оширилиши мумкин эмас, балки ўз ичига қуйидагиларни олувчи объектив мезонлар асосида белгиланиши керак:

- прогнозлаш объекти ёки ҳал қилинадиган вазифанинг характери;
- прогнозлар ишлаб чиқиладиган прогнозлаш даражаси ёки бошқарув даражаси (федерал, тармоқ, регионал, муниципал);
- оралиқ муддати (ўта узоқ, узоқ, ўрта, қисқа муддатли);
- прогнознинг мақсади.

5.2. Прогнозлаш масалаларини таснифлаш муаммолари

Қуйидаги муаммолар орасидаги боғланишларнинг ривожланганлик ва яққоллик даражаси бўйича фарқланади:

- ўрганилаётган масалалар ва уларнинг оқибатлари;
- кўрсатилган омиллар ва натижа кўрсаткичлари.

Прогнознинг вазифаларини ҳал қилишда келиб чиқдиган 4 муаммо кўрсатилади:

Стандарт муаммолар. Омил ва натижа орасидаги боғланишлар қатъий детерминациялашган ва оддий ҳисоб - китобларда функционал тенгламаларда ифодаланиши мумкин (масалан, меҳнат самарадорлиги ўзгармас нархларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчилар сонига нисбатига тенг).

Тузилмаланганган муаммолар. Боғланиш эҳтимоли (стохастик) коррелятив характерга эга, лекин юқори зичлик даражаси билан фарқланади. Омиларнинг ўзгаришида натижа бирор ораликдаги каби бир вақтда ҳам ўрнатилиши мумкин (масалан, меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръатларини унинг фонд билан таъминланганлик суръатига боғлаб топиш).

Заиф структураланган муаммолар. Оми ва натижа орасидаги боғланишнинг юқори бўлмаган зичлик даражаси билан фарқланади. Натижа кўрсаткичи бунда жуда катта ораликда ўзгаради (масалан, об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини аниқлаш).

Структураланмаган муаммолар. Натижа кўрсаткичининг ўзгариш функциясини олдиндан айтиш қийин (масалан, техника ва технологиянинг молиялаш ҳажмига қараб ривожланиши ва бошқалар).

Муаммолар синфи прогнозлаш объектига боғлиқлигини кўзда тутиш муҳимдир. Фан ва техника тараққиётини прогнозлаш ишлаб чиқариш ривожланишини прогнозлашдан фарқли равишда заиф структураланган муаммоларга киради (моҳиятига кўра). Бироқ бу умумий ҳолда. Шу билан бирга прогнозлаш даври у ёки бу муаммо синфини ўзгартириши мумкин. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажмининг инвестициялар ҳажмига қараб ўзгаришини қисқа муддатта (1 йил) прогнозлаш структураланган муаммоларга киради (1-синф). Ўша вазифа узоқ муддатда (15 йил) бўлса заиф структураланган муаммоларга (3-синф) ўтади.

Техника ва технологияга қилинган инвестициялар орасидаги боғлиқликни аниқлаш вазифаси «заиф структураланган муаммолар» синфидан «структураланмаган муаммолар» синфига ўтиши мумкин, агарда прогнозлаш даври узоқ бўлса. Бунда вазифанинг биринчи ва иккинчи қисми тармоқ даражасида ҳал қилинади.

Агар муаммо қисқа даврга корхона (фирма) даражасида ҳал қилинса, у стандарт муаммоларга ёки даврининг узайишига ва прогнозлаш даражасининг кўтарилишига қараб заиф структураланган ва ҳатто структураланмаган муаммоларга киритилиши мумкин.

Демак, бошқаришнинг юқорироқ даражасига чиқишда ва оралиқ муддат чўзилганда муаммонинг структураланиш даражаси пасаяди.

Муаммоларни прогнозлаш учун ИММ тенгликлари қўлланилади. Структураланган муаммолар учун эконометрик, ИММ моделлар қўлланилади.

Заиф структураланган муаммолар учун эксперт баҳолаш, сценарий усулларида фойдаланилади, эконометрик моделдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Структураланмаган муаммолар учун асосан мантиқий усуллар ва эксперт баҳолаш усуллари қўлланилади.

5.3. Прогноз сифатини ошириш йўллари

Усулни тўғри танлаш прогнознинг юқори сифатини белгилайди. Универсал усул йўқ. Ҳар бир прогнозлаш даражасига специфик усуллар характерлидир. Бу вазифаларнинг турли ўлчамлилиги ва прогноз ишлаб чиқишда вужудга келадиган турли вариантлар сони билан боғланади.

Оператив ва жорий прогнозлаш даражасида ҳал қилинадиган вазифалар катта ўлчамлилиги билан характерланади, яъни бир томондан, прогнозга тегишли кўрсаткичлар сони (миқдори) катта, бошқа томондан, амал қилиш вариантлари сони анча кам.

Узоқ муддатли прогнозлаш даражасида вазифанинг ҳажми камаяди, амал қилиш вариантлари миқдори эса кўпаяди.

Демак, прогнозлаш усулини танлаш субъектив қарашлар предмети бўла олмайди, балки у прогноз объекти характерини, мавжуд ахборотларни оралиқ

муддатни, прогноз мақсадини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

Прогнозлаш объекти ва прогнозлаш усуллари синфлари орасидаги мувофиқлик 5.1-жадвалда ифодаланган.

5.1-жадвал.

Прогнозлаш усуллари ва уларнинг прогноз вазифаларини ечиш бўйича имкониятлари ўртасидаги мувофиқлик

Усуллар синфи	Прогнозлаш объектлари синфи				
	Мураккаблик	Оралиқ	детерминантлик	вақт мобайнидаги характери	Ахборот таъминоти
Стандарт функцияларни танлаб экстраполяция қилиш	1,2	1	1,2	2,3	1,2
Айланиб ўтиш эгри чизиғи бўйича экстраполяция	1,2	1	1-3	1,2	1,2
Авторегрессион моделлар	1	1	2,3	2,3	1
Жуфт регрессиялар	2	1	2,3	2	1,2
Кўп омилли регрессиялар	3,4	2-5	2	2,3	1,2
Кўп омилли моделлар	3-4	3-5	2,3	2,3	1
Тарихий ўхшатишлар	2,3	1,2	1	1-3	1,2

Шахсий эксперт сўровлар	1-4	1,2	1-3	1-3	2-4
Жамоавий сўров	2-4	1-3	1-3	1-3	2-4
Сценарий усули	4,3	1-2	2,3	1-3	1-3
Прогноз графи	3,4	1,2	2,3	1-3	1-3
Дельфи усули	1-4	1-3	2,3	1-3	2-4

Эслатма: прогнозлар объектлари рақамларда кўрсатилган. 1-ҳарбий техникавий; 2-техникавий-иқтисодий; 3-ижтимоий-иқтисодий; 4-жонли-табiiй; 5-ҳарбий-сиёсий.

5.4. Иқтисодий прогнозлашда усулдан фойдаланиш имкониятлари

Базис прогнозларни ишлаб чиқиш учун прогнозлаш усуллариининг қўллашга лойиқлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий жараёнларни прогнозлашда нафақат экспертлар сўрови, балки аҳоли сўрови ҳам самарали натижалар беради. Аҳолининг эҳтиёжлари, талаби ва истеъмол харажатларини ўрганиш учун аҳоли билан бир марталик оммавий сўровлар амалга оширилади. Ижтимоий прогнозлашда моделлаш усуллари ҳам ўз ўрнини топади, қидирув ва норматив прогнозларни ишлаб чиқишда қўл келади.

Қидирув ёндашуви турли товар ва хизматлар талаби ва истеъмоли учун тренд тенгламаларини тузиш ва таҳлил қилишда, шунингдек, эконометрик моделларни тузишда қўлланилади.

Норматив прогнозларни ишлаб чиқишда товар ва хизматлар истеъмолининг миллий нормалари ҳақида маълумотларга эга бўлиш керак. Ноозик-овқат товарлари ва турли хизматлар истеъмоли нормаларини шакллантириш қийинроқ, унинг устига улар вақт ўтиши

билан сезиларли ўзгаради. Маънавий эҳтиёжларни нормалаш янада қийинроқ. Кўпинча бу йўналишдаги моделлаш четлаб ўтилади, фақат эксперт баҳолари қолади. Умуман, асосли ижтимоий прогнозлаш қидирув ва норматив усул ва моделларнинг ўзаро боғланишини талаб қилади, қидирув стратегик ёндашув келгуси истеъмољ структураси яна узоқ вақт мавжуд тенденциялар, анъаналар ва одатлар билан белгиланишини ҳисобга олади.

Илмий-техник прогнозлашда кўриб чиқилган барча усуллар қўлланилади. Моддийлашган ва автоном технологик жараённинг иқтисодий ўсишга умумий таъсири динамик ишлаб чиқариш функциялари ёрдамида баҳоланади. Прогнозлаш босқичларига қараб усуллар ўзгаради.

Функционал тадқиқотлар прогнози асосан эксперт баҳолаш, хусусан, Дельфи усули ёрдамида ишлаб чиқилади. Амалий тадқиқотлар бўйича соф эксперт баҳоларига прогнозлашнинг комплекс усуллари қўшилади. Навбатдаги босқичларда тадқиқотларга хос ноаниқлик камаяди, демак, моделлаш усулларини қўллаш имкониятлари кенгайди.

Тажриба-конструкторлик ишларида прогнозлашда эксперт баҳолаш, патентли ахборот таҳлили, экстраполяция, динамик ТАБ, тармоқ моделидан фойдаланилади. Худди шу усуллар эконетрик, имитацион моделлаш билан бирга ишлаб чиқаришнинг ўтишини, истеъмољчилар томонидан эксплуатация қилиниши прогнозлаш босқичида қўлланилади.

Янги маҳсулотга эҳтиёжни комплекс ёндашув орқали, яъни эксперт баҳолаш ва формаллашган усуллар ва моделларнинг уйғунлигида прогнозлаш мақсадга мувофиқдир.

Демак, иқтисодий прогнозлашда таъкидланган барча усуллар деярли қўлланилади. Бошида тадқиқотлар асосида, эксперт сўровлар, аналогиялар ёрдамида олиб борилади. Сифатли таҳлил экстраполяция, бошқа математик - статистик ёндашувлар, муҳими, қидирув

харақтеридаги ёндашувлар асосидаги ҳисоб - китоблар билан тўлдирилади. Навбатдаги ва яқуний иқтисодий прогнозлаш босқичларида мураккаброқ, шу жумладан, норматив-мақсадли моделлардан: эконометрик, баланс, оптималлаштирувчи моделлардан фойдаланилади.

Қисқача хулосалар

Прогноз усулини танлаш ҳал қилувчи ҳисобланиб, бир тарафдаги прогнознинг аниқлик, ишончлик ва функционал тўлаллигини таъминлайди, иккинчи тарафдан эса прогнозлаштириш вақтини, саъйбекистонини камайтиради. Прогноз усулини танлаш объектив мезонлар асосида белгиланиш керак.

Прогноз масалалар таснифланиш муаммоси алоқаларни аниқлиги ва ривожланиш даражаси билан ажратилади.

Муаммони даражаси прогнозлаштириш объектига боълик.

Прогноз сифатини ошириш учун биринчи навбатда тўғри усулни танлаш ва танланган усулни объектга мослигини таъминлаш керак.

Иқтисодий прогнозлаштиришда барча усуллар деярли қўлланилди. Муҳими уларни босқичма-босқич ўз навбатида аниқлаб фойдаланиш муҳим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Прогнозлаш усулини танлашда қандай сабаблар таъсир этади?
2. Прогнозлаш усулини танлашда қандай критериялар таъсир этади?
3. Прогнозлаштириш масалаларини қандай классификация қилиш мумкин?
4. Муаммонинг бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтишига нима асос бўлади?
5. Прогноз сифатини қандай ошириш мумкин?

6. Иқтисодий прогнозлаштиришда усуллардан фойдаланиш мумкинлигини қандай аниқлаш мумкин?
7. Функционал тадқиқотлар прогнози қандай хисобланади?
8. Иқтисодий прогнозларни қандай усулларини биласиз?

Асосий адабиётлар

- 1 Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.
- 2 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 3 Фарейчева Г.В. Система общественных потребностей и ее макрорегулирование в условиях глобализации М. МГУ. ТЕИС. 2004. 456с
- 4 Ершова И.В. Пред.при право М. 2003. 258с.
- 5 Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004. 230с.
- 6 Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд «АСА» 2003. 357с.
- 7 Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
- 8 Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
- 9 Тарасевич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт 2004г. 654с.

8. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование национальной экономики М., 2002
www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html
9. Гончарова Е.В. Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html

Электрон почта

- a. <http://www.Yabloko.ru/themes/belorus/belfrus-25.html>
- b. <http://www.vqi.freenet.leztrudybratisvriko.htm>
- c. <http://www.aduiser.kg/scripts/foxweb.exerbase/erlist-trem?nbk18sl>

VI бoб. ИҚТИСОДИЙ ПРОГНОЗЛАШ МОДЕЛЛАРИ

6.1. Иқтисодий прогнозлаш моделларининг турлари

Ижтимоий ва иқтисодий прогнозлашда турли моделлардан кенг фойдаланилади. «Модель» сўзи лотинча бўлиб, намуна деган маънони англатади. Фанда модель ўрганилаётган объектнинг бирор турдаги шартли образи (шакли), «прогнозлаш» эса иқтисодий ёки ижтимоий жараёнларни англатади.

Модель иқтисодий прогнозлашни, ўрганилаётган жараённи илмий англашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Моделлаштириш жараёни, объектни ёки жараённи бошланғич ўрниш, унинг амалга ошадиган хусусиятлари ва белгиларини ажратиш, моделнинг назарий ва тажрибавий (экспериментал) таҳлили, моделлаштириш натижаларини объект ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар билан солиштириш, моделини коррективкалаш ҳамда ойдинлаштириш кабилар асосида модель қуришни ташкил этади.

Ижтимоий ва иқтисодий моделлар оптималлаштириш мезонлари ёки кутилаётган энг яхши натижага қараб таснифланиши мумкин.

Вақт омили ҳисобга олинганда моделлар статистик (яъни, модель чегараси маълум бир вақт бўлаги деб ўрнатилади ва харажатлар минималлаштирилади) ёки динамик (бунда модел чегараси бир неча вақт кесмалари учун ўрнатилиб, харажатлар минималлаштирилади ёки якуний натижа максималлаштирилади) бўлиши мумкин.

Иқтисодий моделларни қуйидагича турларга ажратиш қабул қилинган: омилли (омилли), таркибий (структуравий) ва аралаш, халқ ҳўжалиги ривожланиш кўрсаткичларини йиғиш даражасига қараб

макроиқтисодий, тармоқлараро, районлараро, тармоқли, регионал моделлар бўлиши мумкин. Халқ хўжалигининг ривожланиш жиҳатларига қараб моделлар асосий фондлар, меҳнат ресурслари, молия тизими ҳамда нарх шаклланиши каби турларга бўлиниши мумкин.

Омилли моделлар у ёки бу иқтисодий кўрсаткичли даражаси ва динамикасининг унга таъсир этувчи кўрсаткичлар - сабаблар даражаси ва динамикасига боғлиқлигини тавсифлайди.

Ўзгарувчан иқтисодий моделлар экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) каби турларга ажратилади. Масалан, омил бўлса меҳнат ресурсларининг борлиги эндоген омилдир.

Омилли моделлар турли ўзгарувчиларни ва уларга мос келадиган параметрларни ўз таркибига олади. Омилли моделларнинг энг оддий кўриниши — бу, бир омилли модел бўлиб, унда исталган вақтинчалик параметр омил ҳисобланади. Мазкур ҳолда бирор кўрсаткич таҳлили ва прогноз вақти хронологик қаторга боғлиқ равишда амалга оширилади ва шу йўл билан трендлар (қайси бир динамик қатор ўзгаришининг умумий тенденциясини характерловчи боғлиқлик) аниқланади.

Чизиқли ва кечизиқли (келинейное) типдаги кўп омилли моделлар прогнозлаштириладиган кўрсаткич динамикасини ва даражасига таъсир этувчи бир неча омилларни бир вақтнинг ўзида ҳисобга олиш имконини беради. Бунда моделларга макроиқтисодий ишлаб чиқариш функцияларини тавсифловчи моделлар, аҳоли даромади ва нархга боғлиқ равишда айрим истеъмол товарларига талабни таҳлил этиш моделлари мисол бўла олади.

Таркибий моделлар иикита - бутун ёки агрегатни таҳлил этувчи алоҳида элементлар орасидаги алоқа ва боғлиқликни тавсифлайди. Бундай моделлар таркибий баланс типдаги моделлар бўлиб, бунда бирор қаторда унинг элементлари орасидаги боғлиқлик кўриб чиқилади.

Маҳсулот ҳам ашё номенклатурасига қараб моделлар бир натижали ва қўп натижали каби турларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга тармоқда ишлаб чиқариладиган ёки шу тармоқда истеъмол қилинадиган бошқа ресурс ёки ҳам ашё миқдорига битта чегара қўйилган моделлар киради.

Иккинчи гуруҳга ҳам ашё ёки бошқа ресурс истеъломи учун бутун тармоқ бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот талабига икки ёки ундан қўп чекланишлар қўйилган моделлар киради.

Транспорт омилининг таъсир этиш даражасига кўра, тармоқли, оптимал режалаштириш моделлари икки турга бўлинади: ишлаб чиқариш — транспорт модели (транспорт омили эътиборга олинмайди) ва ишлаб чиқариш — транспорт модели (транспорт омили эътиборга олинади).

6.2. Тармоқлараро баланс модели

Тармоқлараро баланс (ТАБ)- иқтисодиётдаги асосий модел бўлиб, унда халқ хўжалигидаги турли натурал ва қиймат алоқадорлиги кўрсатилади. У саноат, капитал қўйилмалар, меҳнат ресурслари ва тармоқлар бўйича маҳсулот ҳажмининг ўзаро боғланганлигини ҳисобга олган ҳолда режа даври қатор йиллари учун халқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиш ва тақсимланиш кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради. Яқин-яқингача ТАБ икки кўринишда - қиймат ва натурал шаклда шакллантириларди. Мамлакат бўйича қиймат кўринишидаги ТАБ номенклатураси 120 та тармоқ номенклатурасини ўз ичига олади ва у барча моддий ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олади. Натурал кўринишдаги ТАБ шу билан бирга маҳсулотларни 80 %ни ташкил этувчи асосий маҳсулотларни қамраб олади. Ушбу балансда 600 га яқин зарурий маҳсулот турлари акс этирилади.

Натурал - қиймат баланси модели халқ хўжалигининг комплекс тавсифини акс эттиради. Моддий қиймат ТАБ модели баланслаштирилган режа учун бошланғич маълумотлар: МД ҳажми, таркиби кўрсаткичлари, экспорт, импорт ва капитал таъмирлаш ҳажми маълумотларидир.

ТАБ модели бўйича икки типдаги ҳисоб - китоблар амалга оширилади:

Бунда берилган якуний истеъмол даражаси бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимланишининг баланслаштирилган режаси ҳисоблаб топилади.

Аралаш ҳисоб — китобларни ўз ичига олади. Бунда баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидага маълумотлар ва бошқа тармоқларга якуний истеъмолга берилган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси тузилади.

6.3 Макроиқтисодий прогнозлаш моделлари

Макроиқтисодий даражада иқтисодий прогнозларни тузишда иқтисодий — математик моделлар кенг қўлланилади. Буларга бир ва кўп омилли иқтисодий ўсиш моделлари, МД ни тақсимлаш моделлари, таркибий тармоқ ва асосий фондларни қайта тиклаш моделлари, инвестицион оқим харажати модели, турмиш даражаси ва истеъмол таркиби моделлари, кенгайиб бораётган эко сиёсат модели, иш ҳақи ва даромадларни тақсимлаш моделлари киради.

Халқ хўжалиги балансини прогнозлашдаштиришни мукаммалаштиришнинг муҳим йўналиши иқтисодий ўсишнинг асосий параметрларини прогнозлаштиришни верификацион- статистик ёндашиш динамик вақт қатори маълумотларидан максимал фойдаланишга асосланган ҳолда уларнинг ҳақиқий иқтисодий жараёнлар билан мослигини ва баҳоланаётган шароитлар маъносини теширишни кўзда тутади. Иқтисодий прогнозлаштириш мако иқтисодий моделлар тизимида бу усулдан фойдаланиш халқ хўжалигининг

баланслаштирилганлиги, таркибий ва омилли жиҳатларини ўрганиш ва уларнинг оптималлик принципи асосида синтезлаш билан боғлиқ.

Халқ хўжалиги баланслиштирилган омилли жиҳатидан маҳсулотни чиқарувчи объект ҳамда ишлаб чиқариш омиллари харажатлари (асосий фондлар ва меҳнат ресурслари) орасидаги боғлиқликка асосланади. У ишлаб чиқариш омиллари орасида маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаб турувчи пропорцияни аниқлашга бориб тақалади.

Баланслаштирилганлик (вақт оралиғи) жиҳати ишлаб чиқариш омиллари саъўбекистонларини вақт бўйича тақсимлаш ва улар ўзаро боғлиқлигида эришиладиган самарага асосланади. Асосий вақт оралиғи хусусиятлари асосий фондларни қайта тиклаш билан боғлиқ. Вақт оралиғида баланслашишга эришиш услуби харажатлар ва улар келтирадиган самаранинг кечкиб келишини ҳисобга оладиган тенгламалардан фойдаланишга асосланган ҳамда асосий фондларни, такрор ишлаб чиқариш жараёнини аниқловчи вақт оралиғига боғлиқ кўрсаткичларнинг ўсиш суратини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Ушбу усул асосий фондларнинг қайта ишлаб чиқариш жараёнини, вақт оралиғи хусусиятларини ифодаловчи, нарх индексларини, капитал қўйилмалар ва асосий фондларнинг тулиш ва чиқиб кетиш манбалари ва миқдорини ҳисоблаш ва кечикиш усулари билан фарқланувчи моделлар гуруҳини тузиш имконини беради.

Баланслаштирилганликнинг таркибий жиҳатидан ижтимоий қайта ишлаб чиқаришни биринчи ва иккинчи бўлимлари орасидаги пропорциялар ҳамда тармоқлараро таркибий моделлар ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш қўйилмалари ҳамда меҳнат ресурсларининг тармоқ структурасини прогнозлаш тизмида кенг фойдаланилади.

Қисқача хулосалар

Модель иқтисодий прогноллашни ўрганилаётган жараёни илмий англашни муҳим воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий ва иқтисодий прогноллаштириш моделлари айрим турлари оптималлаш критерияси ёки кутилган юқори натижаси билан таснифланади.

Тармоқлараро баланс– иқтисодиётдаги асосий модел бўлиб, унда халқ хўжалигидаги турли натурал ва қиймат алоқадорлиги кўрсатилади.

Натура қиймат балансини модели халқ хўжалигини комплекс тавсифини аке эттиради.

Иқтисодий математик моделлар макроиқтисодий даражада иқтисодий прогнозларни тузишда кенг қўлланилади.

Тармоқлараро балансда саноат, капитал қўйилмалар, меҳнат ресурслари ва бошқа ресурс етказиб берадиган тармоқлар орасидаги ўзаро боғлиқликлар ҳисобга олинган ҳолдаража даври қатор йиллар учун халқ хўжалиғи маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши кўрсаткичларининг ҳисоблаш имконини беради. Халқ хўжалиғи баланси прогноллаштиришни мукамаллаштиришнинг муҳим йўналиши-иқтисодий ўсишнинг асосий параметрларини прогноллаштиришни вертификацион-статистик ёндашиш динамика қатори маълумотларидан максимал фойдаланишга асосланган ҳолда уларнинг ҳақиқий иқтисодий жараёнлар билан мосланган ва баҳоланаётган шароитлар маъносини текширишни кўзда тутди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Моделлаштириш усуллари.
2. Прогнозлаш моделларининг турлари.
3. Маҳсулот номенклатурасига қараб моделарни қандай турларга бўлиш мумкин?

- 4.Тармоқлараро баланс моделларини ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
5. Кўп омиллик моделларни хусусияти нимадан иборат?
6. Эко сиёсат моделлар тўғрисида нималарни биласиз.
7. Прогнозлаш моделларининг роли.
8. Макроиктисодий моделларнинг моҳияти.

Асосий адабиётлар

- 1.Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
2. Тарасевич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юраёт 2004г. 654с.
3. Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
4. Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и фактор развития современной России М. ТЕИС 2004. 726с.
5. Б.М.Накрязекий Мировая экономика М. «Международные отношения» 2004. 424с.
6. Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
7. Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
8. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
9. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri
10. Методы, модели и системы прогнозирование регионального развития учебное пособие М. 2003
Электрон почта

а.WWW. economyta - culty. uz.

- б.Новости Узбекистана – www.uzreport.com
- с.Информация, инновации, инвестиции – 2004 – <http://www.informika.ru/text/exhibits/papers/2004/rc11-3.doc>

VII боб. ПРОГНОЗЛАШТИРИШДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

7.1. Иқтисодий ўсишнинг эконометрик модели

Иқтисодий ўсишни прогнозлаш (ИЎП) турмуш даражаси, эконометрик (нормативлар, чекланишлар), ташқи иқтисодий ва ҳарбий стратегик прогноз талабларини ҳисобга олади.

У ёки бу даражадаги барқарор иқтисодий тизимга эга кўпчилик давлатларда иқтисодий ўсишни прогнозлашда қуйидаги турдаги кўп омили эконометрик моделлар кенг тарқалган:

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_n)$$

Бир омили моделлар ҳам кенг қўлланилади. Масалан, иқтисодий ўсишнинг вақтга боғлиқлигини ифодаловчи моделлар ёки ўтган даврга нисбатан ишлаб чиқариш фондлари ёки капитал (K) ўзгариши кам бўлган қисқа муддатли даврда таҳлил ва прогнозлаштиришда иқтисодий ўсиш ва меҳнат ресурслари (L) орасидаги боғлиқлик модели.

Ишлаб чиқариш функцияси шаклидаги модел энг кенг тарқалган:

$$Y = A_0 K^\alpha L^\beta$$

α ва β ни миқдорига қараб иқтисодий ўсишнинг 3 тури мавжуд:

Агар $(\alpha + \beta) = 1$ бўлганда миллий маҳсулот (даромад) ишлаб чиқариш омиллари (капитал ва меҳнат) саЎзбекистонига мутаносиб равишда ошади, умумий иқтисодий самарадорлик ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш фақат экстенсив кенгайиб, капиталнинг

наст самарадорлиги меҳнат ресурслари ошиши ҳисобига қопланади.

Агар $(\alpha + \beta) > 1$ бўлса, ишлаб чиқариш омиллари n марта ошганда, ишлаб чиқариш n мартадан кўпроқ ошади, яъни ишлаб чиқаришнинг ўсиши омиллар умумий харажатини акс эттиради. Лекин бу ФТТ ютуқларини, яъни янги техника ва технологияларни киритиб, ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги ошади ёки фондларнинг ўзгармас самарадорлигида МУ ошади. Биринчи ҳолатда $\alpha > \beta$ ва ўсиш фондларни тежайди, иккинчисида $\alpha < \beta$ ва ўсиш меҳнатни тежайди.

Агар $(\alpha + \beta) < 1$ бўлса, ишлаб чиқариш ўсиши ишлаб чиқариш омиллари ўсишига нисбатан секинроқдир. Бунда умумий самарадорлик пасаяди, ўсиш деинтенсификацияси рўй беради.

Ишлаб чиқариш функцияси $(\alpha = \beta) = 1$ бўлган ҳолатни тасвирлаш Кобба-Дутлас функцияси деб аталади ва уш «Макроиктисодиёт» курсида кўриб чиқиш керак.

Иккинчи ҳолда, ФТТнинг тасвири остида ИГФда $(\alpha + \beta) > 1$ да бу тасвири акс эттирувчи миқдори топиш керак. Агар ФТТ потекис бўлса, ИЧФ қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Y = AK^{\alpha} L^{\beta} e^{\lambda}.$$

Умумий самарадорлик ўзгаришида ишлаб чиқариш фондлари ва жонли меҳнатнинг самарадорлик ўзгаришини алоҳида кўриб чиқиш мумкин:

$$\lambda = \lambda_K + \lambda_L.$$

ИЧФнинг юқорида кўрилган туридан ташқари ишлаб чиқариш натижаси (Y) бевосита ишлаб чиқариш омиллари миқдори орқали эмас, балки омиллар миқдориға ҳамда самарадорликка таъсир этувчи омиллар орқали бевосита боғлиқлигини кўриб чиқиш мумкин.

Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, ФТТ) бирламчи омиллар сифатида, уларга таъсир этувчи

омиллар эса иккиламчи омишлар сифатида намоён бўлади.

Иккиламчи омишларни 2 томонлама қараб чиқиш мумкин.

Бир томондан улар глобал омишларнинг миқдорига, иккинчи томондан уларнинг самарадорлигига таъсир этишади. Омишларни таснифлашда қуйидаги мисолни келтирамиз:

Ишлаб чиқариш соҳасида жонли меҳнат:

1. L миқдорга таъсир этувчи омишлар:

- а) иш куни, ҳафтаси, йилининг давоми;
- б) ишчи кучининг ёш таркиби;
- в) ишчи кучининг жинс бўйича таркиби.

2. МУга таъсир этувчи омишлар:

- а) умумий таълим даражаси;
- б) касбий таълим даражаси
- в) кўникма даражаси (касб бўйича ишлаган вақт);

г) меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва тизими.

Ишлаб чиқариш фондлари (моддийлашган меҳнат):

1. К миқдорига таъсир этувчи омишлар:

- а) фондларнинг қанча вақт ишлатилиши ва потенциал қувватлардан фойдаланиш даражаси;
- б) фондларнинг айланма тезлиги.

2. Ишлаб чиқариш фондлари баҳоланишига таъсир этувчи омишлар:

- а) фондлар технологик даражаси ва маънавий эскириш даражаси;
- б) фондларнинг тармоқлараро тақсимланиши;
- в) фондларнинг ҳудудий тақсимланиши;
- г) ишлаб чиқариш кўлами.

Омишлар ёндашувнинг ривожини ишлаб чиқариш функцияси усули такомиллашуvidан кўра, иқтисодий ва статистик ишлар чуқурлашувини кўзда тутлади.

Омиш таҳлил ва прогнозлашда тармоқлараро нуқтаи назарларга ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, тармоқларнинг омишлар ва хусусиятлари

роли кучаяди, оралиқ харажатлар (хом ашё, ёқилғи, электрэнергия, яримфабрикатлар) муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан жонли меҳнат ва ишлаб чиқариш фондларини дифференциялаш имкони пайдо бўлади (масалан, иш кучини касблар ва малака даражасига қараб гуруҳлаш). Учинчидан бир тармоқ ўсиши бошқа тармоқ ўсишига асос бўлгани учун, омил таҳлил таркибий таҳлил билан бирикиб кетади.

7.2. Умумий талабни прогнозлаш

Ялпи талаб — бу, барча хўжалик субъектлари (ҳукумат, уй хўжаликлари, фирмалар), товар ва хизматлар истеъмолчилари сифатида турли нарх даражаларида бу субъектлар қанча товар ва хизматлар сотиб олишларини кўрсатувчи моделдир.

«Макроиктисодиёт» курсида Ялпи талабнинг нарх ва нархдан бошқа омиллари мавжудлиги маълум. ЯММни харажат бўйича аниқловчи ва Ялпи талаб- AD ни ҳисобга оловчи баҳодан ташқари омиллар кўрсаткичлари ўхшашлигига эътиборни тортади:

$$ЯИМ = C + J_g + G + X_n,$$

Бу ерда: C -шахсий истеъмол харажатлари;

J_g -ялпи ички хусусий инвестициялар;

G - ҳукуматни товар ва хизматлар хариди;

X_n -соф экспорт.

Ялпи талаб истеъмол, инвестицион, давлат харажатлари ва соф экспорт йиғиндисидан иборат. Агар бу нархсиз омилларни қўшса, нархлардаги (ўртача тортилган нарх) товар ва хизматларга ЯТни топамиз. ЯММ ва AD орасида фарқ нима? Гап шундаки, истеъмол харажатлари (C)- ЯММ элементи сифатида қаралганда, сотилган, яъни талаб қилинган товар ва хизматлар тушунилади. Бу ҳолда таҳлил ва прогнозланганда шахсий истеъмол харажатлари ва истеъмол харажатлари каби

тушунчалардан фойдаланиш мумкин. ЯММнинг истеъмолчисини топмаган қисми ЯММ ҳисобида ялпи ички хусусий инвестицияларга товар ва хизматлар захиралари ўзгариши инвестицияси сифатида киради. Захира олиши ишлаб чиқариш (таклиф) сотувдан (талаб) ошганини билдиради ва бу фарқ ЯММ ҳисоб - китобида ҳисобга олиниши керак.

Агар захиралар камайса, бу йил ишлаб чиқариш сотув ҳажмидан камлигини, яъни ўтган йил захиралари сотилганини билдиради. Бунда ЯММни захиралар камайиши миқдорига камайтириш лозим. Бундан ташқари узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харажатларига фақат уларнинг амортизацияси киритилади. Бу ҳам шу йилда, ҳам ўтган даврларда сотиб олинган товарларга тегишли. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларнинг сотилмаган қисми захираларга инвестиция сифатида киритилади.

7.3. Истеъмол талабини пронозлаш

Макродаражада қисқа ва ўрта муддатли пронозлашда истеъмол талаби (ИТ)ни моделлаштириш устивор ўрин эгаллайди. Чунки, ИТ ЯИМнинг катта қисмини белгилайди, ишлаб чиқариш структурасига, нархларнинг умумий даражаси (инфляция)га, иқтисодиётнинг турли секторларидаги нархларнинг динамикасига таъсир кўрсатади. ИТнинг макроиқтисодий функцияси аҳоли талаб қилувчи товар ва хизматлар ҳажмининг талабини белгиловчи асосий омилларга (аҳолининг соф-ихтиёридаги даромади, нархлар даражаси, жисмоний шахсларга солиқнинг даражаси, кредит ставкаларининг ўзгариши) боғлиқлигини кўрсатади.

ИТнинг функцияси умумий ҳолда қуйидагича бўлади:

$$C_n = (\Delta C, D_0, D_{-1}, D_{+1}, KP, I, \Delta PR),$$

Бу ерда:

ΔC - бойлик (ёки реал касса қолдиқлари), импорт хариди, % ставкаси самараси орқали талабга таъсир этувчи нархлар даражасининг ўзгариши;

D_0 -жорий шахсий ихтиёридаги даромад (иш ҳақи, рента, % дивиденд, транспорт тўловлари ва бошқалар), %;

D_{-1} -ўтган йилги даромад (шахсий бойлик ҳажми, ликвидли қолдиқлар ҳажми, яшаш жойлари билан таъминланганлик);

D_{+1} -келгусида кутилаётган даромадлар (кутилаётган инфляция ёки дефляцияни ҳисобга олган ҳолда реал даромадлар);

KP- истеъмолчиларнинг кредит қарзлари;

I-жисмоний шахсларга солиқнинг даражаси;

ΔPR -кредит % ставкаларининг ўзгариши.

Узоқ муддатли моделларга аҳоли сонининг, жинсий ёки структурасининг ўзгариши омилини қўшиш мумкин.

Қисқа муддатли прогнозга Кейнсча вариантдан фойдаланиш мумкин:

$$C_n = f(D_0),$$

Яъни ўзгармас нархларда қисқа муддатли даврда ИТ фақат жорий йилдаги шахсий ихтиёридаги даромадга боғлиқ бўлади.

Турли давлатларда миллий иқтисодиёт кўринишига ва бошқарувда қўлланиладиган назарий тамойилларга қараб бир-биридан омилларнинг тўплами билан фарқланувчи шахсий истеъмол харажатлари (шахсий истеъмол) модели ёки ИТ модели ишлаб чиқилади.

Мисол сифатида АҚШда ишлаб чиқилган макроеқтисодий чизиқли моделни кўриш мумкин:

$$C = 0,47 + 0,999C_{-1} + 0,17Y_{-1} - 7,134 \Delta PC,$$

Бу ерда: C-шахсий истеъмол, млрд. доллар (ўзгармас нархларда);

C_{1j} -ўтган (базис) йилдаги шахсий истеъмол;

Y_{1j} -базис йилдаги МД;

ΔPC -шахсий истеъмол товарларининг нархлар индекси.

АҚШнинг деярли барқарор юқори ривожланган тизимида МДнинг ўсиши оддий экстраполяция усули орқали МД трендидан фойдаланиши билан аниқланади ва у етарлича мавжуд омил бўлиб чиқади.

7.4. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасини прогнозлаш

Ресурсларни тақсимлашнинг структуравий хусусиятлари эҳтиёжларнинг тузилмавий хусусиятлари каби кўп тармоқли тузилмалар орқали макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришида ифодаланади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси прогнознинг роли алоҳида натижаларни олиш каби умумиқтисодий ва тармоқ прогнозлари орасидаги, шунингдек, ресурслар ва эҳтиёжлар прогнознинг тармоқдаги бўлаги билан миллий иқтисодиёт ривожланиши умумий прогнози ўртасидаги ўзаро алоқаларни очиқ беришидан иборат.

Тузилмавий прогнозлашда турли усулларида фойдаланилади: комбинациялашган прогнозлаш, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлар, сценарий усули, ИММ, шу жумладан, ТАБни ишлаб чиқиш усули.

«Макроиқтисодиёт» курсидан маълумки, ТАБ асосида В.В.Леонтьев ишлаб чиққан «Харажатлар-ишлаб чиқариш» усули ётади.

«Харажатлар -ишлаб чиқариш» усули истиқболлига прогнозни мамлакат СЭС умумий мувозанати тенгламалар системаси сонли ечимининг натижаси кўринишида ифодаланишидан келиб чиқади.

Бу тенгламалар системаси ҳар бир тармоқнинг ишлаб чиқарилган оралиқ маҳсулоти ва белгиланган

ҳажмдаги якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун кетган харажатларни аниқлаш имконини беради.

Тенгламалар қуйидаги кўринишга эга:

$$x_i = a_{i1}x_1 + a_{i2}x_2 + \dots + a_{in}x_n + Y_i$$

Ёки умумий кўринишда:

$$x_i = \sum_{j=1}^n a_{ij}x_j + Y_i,$$

Бу ерда: x_i - берилган тармоқнинг (i -) ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;

a_{ij} - i -тармоқ харажатлар коэффициентлари, яъни (j) тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун (i) тармоқ оралиқ маҳсулотларининг харажат меъёлари;

Y_i - берилган (i -) тармоқ маҳсулотининг якуний ишлаб чиқариш истеъмоли (талаб).

Агар барча тармоқларнинг маҳсулотларига талаб аниқланган (прогноزلанган) бўлса, ретроспектив таҳлил асосида олинган бевосита харажатлар коэффициентлари (технологик коэффициентлар)дан фойдаланиб, тармоқларнинг оралиқ маҳсулоти ва мос равишда ялпи маҳсулоти ҳажмини ҳисоблаш мумкин. Лекин, технологияларнинг ривожланиши (ФТТ) ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ёқилғи-энергетика ва материал ресурслар харажатини пасайтириши ва прогрессив хом ашё ва материалларга, жамловчиларга схема ва узелларга ўтишга имкон беришини кўзда тутиб, прогноз ҳисоб - китобларда турли вариантлардаги ФТТ прогнози натижаларини ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, ТАБ натурал ва қиймат кўринишида ишлаб чиқилади. Қиймат кўринишидаги ТАБ ва қиймат кўринишидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни белгилашда, яъни тармоқларнинг ишлаб чиқариш ҳажми маълумотлари билан қуйидаги кўрсаткичлар ўртасида объектив қийинчиликлар мавжуд:

- тармоқлар даромад ва харажатларининг прогноз баланси;

- аҳоли даромадлари ва харажатларининг прогноз баланси;
- иқтисодий тизимда нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун зарур пул массаси ҳажми;
- давлат бюджети.

Асосий қийинчиликлар шундаки, прогнозни шакллантиришнинг асоси бўлган молиявий ҳисобот маълумотлари ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик тармоқлари бўйича тузилади, ТАБ эса «соф» тармоқ принцигига кўра, яъни матрица устунининг ҳар бир қаторида бир турдаги маҳсулот бўйича тузилган. «Соф» тармоқ бўйича боғлиқликларни аниқлаш жуда муҳим, чунки у ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий таъминланганлигини ва аниқ турдаги ресурсларнинг такрор ишлаб чиқарилишини баҳолаш, бюджет ва аҳоли учун ресурсни ишлаб чиқаришдан даромадни баҳолаш имконини беради.

7.5. Инфляция жараёнининг суръатини прогнозлаш

Инфляция - бу, миллий валюта қадрсизланиши. Бунинг натижасида товар ва хизматлар нархининг ёппасига ўсиши рўй беради (очиқ инфляция). Аммо давлат нархларини «музлатиб» қўйса ва шу билан бирга инфляцион омиллар амал қилса, инфляция потенциали ўсади (сиқилган инфляция) ва агар нархлар «қўйиб юборилса», нархларнинг кўчкисимон ўсиши рўй беради. Инфляцияга нархларнинг ўсиши олиб келади, лекин ҳар қандай нархнинг ўсиши инфляция билан боғланмаган.

Нархлар ўсишининг инфляцион сабаларини кўриб чиқамиз.

Аввало-бу, давлат бюджет дефицитида аксини толувчи давлат харажатлари ва даромадларининг номутаносиблиги, балаяслашмаганлигидир. Агар бу дефицит мамлакат марказий эмиссион банкида заёмлар

ҳисобига, бошқача айтганда «босма ускунасидан» фаол фойдаланиш ҳисобига молиялаштирилса, муомаладаги пул массасининг ошишига олиб келади, ўз навбатида нархлар даражасининг ўсиши рўй беради.

Агар аналогик усуллар билан инвестицияларни молиялаштириш амалга оширилса, нархларнинг инфляцион ўсиши рўй бериши мумкин. Айниқса, иқтисодиётни милитаризациялаш билан боғлиқ инвестициялар инфляцион хавфли ҳисобланади. МДни ҳарбий мақсадларга ноишлаб чиқариш истеъмоли нафақат миллий бойликни йўқотишини англатади, бир вақтнинг ўзида ҳарбий ассигнация қўшимча тўловга қобил талабни шакллантиради, бу эса пул массасининг товар таъминотисиз осилишига олиб келади. Ҳарбий харажатларнинг ўсиши давлат бюджети сурункали дефицитининг ва давлатнинг бошқа давлатлардаги қарзлари кўпайишининг сабабларидан бири ва у давлатни пул массасини кўпайтиришга мажбур қилади.

Нархлар даражасининг умумий кўтарилиши замонавий иқтисодиёт назариясининг турли мактаблари ва XX аср ўртаси ва охирида бозор структурасининг ўзгариши билан боғлиқ. Бозорда кўплаб ишлаб чиқарувчилар фаолият кўрсатса ва капитал қуйилиши осон бўлганда бу структура рақобат шартлари ҳақида тобора камроқ эслатади. Замонавий бозор — бу, маълум даражада олигополистик бозордир. Олигополия эса баҳо (нарх) устидан маълум ҳокимиятга эга. Барқарор нархларни сақлаб қолишга интилиб, олигополиялар уларнинг маҳсулотига талабнинг пасайганида, одатда, нархларни пасайтирмайдилар, балки дефицитни вужудга келтириб, ишлаб чиқаришни қисқартирадилар. Бундан ташқари олигополия асосида кучли касабга уюшмаларнинг фаолияти туфайли «нархлар-иш ҳақи-нархлар» инфляцион спирали шаклланади.

У ёки бу давлат иқтисодиётни «очиқлиги»нинг ўсиши билан, унинг жаҳон хўжалик алоқаларига кириб бориши билан импорт инфляцияси хавфи ортиб боради. Шундай ҳолда, 1973 йилда энерготашувчилар нархининг

ўсиши («энергетик кризис») импорт қилинувчи нефть нархининг ўсишига ва технологик занжир бўйича бошқа товарларнинг нархининг ўсишига олиб келди. Ўзгармас валюта курси шароитида мамлакат ҳар гал импорт товарлари нархлари кўтарилишига «ташқи» таъсирни бошдан кечиради.

Инфляцион кутишлар натижасида инфляция ўзини - ўзи қувватловчи характер касб этади. Ғарб мамлакатлари ва мамлакатимиздаги олимларнинг кўпчилиги бу омилга алоҳида қарайдилар. Улар ишлаб чиқарувчилар ва аҳолининг инфляцион кутишларини енгиб ўтиш - антиинфляцион сиёсатнинг энг муҳим (агарда бош бўлмаса) вазифаси дея урғу берадилар.

Инфляцион кутишларнинг иқтисодиётга таъсир механизм қандай? Гап шундаки, аҳоли узок вақт давомида нархларнинг ўсишини кўриб ва уларнинг пасайишига умидни йўқотиб, ўзининг жорий эҳтиёжларидан ортиқ товарлар сотиб ола бошлайди. Бир вақтнинг ўзида одамлар номинал иш ҳақини оширишни талаб қиладилар ва шу билан жорий истеъмол талабининг кўпайишига туртки берадилар. Ишлаб чиқарувчи яқин орада хом ашё, материал ва жамловчи маҳсулотлар қимматлашишини кутиб, маҳсулотига юқориноқ нарх қўя бошлайди. Пулдан қочиш бошланади.

Инфляция ва унинг омиллари орасидаги вақтли боғланишни белгилаш муҳим, бу инфляцион жараёнларни прогнозлаш ва бошқаришга имкон беради. Инфляциянинг янги куртаги чиқиши — бу, омилларнинг вақт орасидаги динамикаси билан боғлиқ. Пул массасининг ўсиши ва унинг товар билан таъминланиши ўртасидаги нисбатни топиш учун ишлаб чиқариш ва нархлар даражаси динамикасини таҳлил қилиш зарур. Айнав индексе инфляциядан дарак беради. Нархлар индексини ҳисоблаш учун маълум вақтдаги «бозор савати» товар ва хизматларнинг жами нархлари ўртасидаги муносабат олинади. Одатда, «бозор савати» товарлари таркибига барча аҳоли харид қиладиган

кўпроқ товарлар киритилади. Индекс, одатда, %да ифодаланади:

$$Z = S / C \cdot 100\%$$

Бу ерда: Z-берилган даврдаги нархлар индекси, %;4

S-берилган даврдаги «бозор савати» нархи;

C-базис даврдаги «бозор савати» нархи.

Бироқ, бу индекс қуйидаги қатор сабабларга кўра, инфляциянинг реал даражасидан паст бўлиб чиқади:

1. Аввало, одатда, «сават» таркибига кирмайдиган, янги турдаги маҳсулотларнинг нархи оширилади. Шунинг учун «сават» бўйича ҳисобланган нархларнинг ўсиш индекси савдодаги барча товарлар гуруҳи бўйича ҳисобланган индексдан анча паст чиқади.

2. Халқ истеъмоли товарларининг чакана нархи тушиши ўрнига уларнинг сифати пасайиши мумкин. Алоҳида тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 1987-1989 йилларда совет корхоналари ишлаб чиқарган халқ истеъмоли товарларининг сифати ҳар йили ўртача 2%га, чакана нархларни сақлаган ҳолда, пасайиши кузатилган. Сифатнинг пасайиши бу товарнинг истеъмол хусусияти, фойдалилиги пасайишига олиб келади, шу билан боғлиқ ҳолда у фойдалилик хусусияти бирлигидан анча юқори нархда сотилади. Шундай қилиб, сифат пасайишини нархлар индексининг адекват ўсиши сифатида кўришга барча асос мавжуд.

3. Кўрсатилган 2 омил қаторида учинчи, етарлича қудратли, иқтисодиёт дефицитида намоён бўлувчи омил ҳам таъсир қилади. Халқ истеъмоли товарларининг дефицити инфляцияларнинг манбаи ҳисобланади. Дефицит билан боғлиқ инфляциянинг намоён бўлиши шундай нархларнинг ўсишида кузатиладики, агар товарни очик бозордан харид қилиш имкони бўлмаса, истеъмолчи уни шу нархларда норасмий, «қора бозор»дан сотиб олишга мажбур бўлади.

4. Истеъмол нархларининг ўсиши ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши (улгуржи

нархларнинг ўсиши) билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Қазиб олувчи тармоқларда, айниқса, ёқилғи-энергетика мажмуаларида нархларнинг ўсиши маълум вақтдан кейин халқ хўжалигининг барча секторларидаги харажатлар даражасида «домино» принципи бўйича аксини топади.

Истеъмол товар ва хизматларининг қимматлашуви ва оқибатда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг кўпайиши рўй беради.

Демак, нархлар индексининг ўзгариши ва унинг катталигини прогнозлаш турли хил омилларга боғлиқ: «бозор савати»нинг таркиби, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш харажатлари ва халқ истеъмоли товарлари дефицитининг катталиги. Шунинг учун бу индексни қўллаш инфляция суръатларини прогнозлаш учун етарли эмас.

Истеъмол нархлари ўсиши кўрсаткичини ЯИМ дефляторининг ўсиш кўрсаткичларига ўзгартириш керак, деган фикр бор.

$$D = \frac{N_n}{N_p},$$

Бу ерда: D-ЯИМ дефлятори;

N_n -номинал ЯИМ;

N_p -реал ЯИМ.

Маълумки, бу кўрсаткичларнинг устунлик ва камчиликлари бор. Нархлар индекси (ва мос равишда ўсиш суръатлари) нисбатан соддалиги ва ҳисоб - китобларнинг оперативлиги билан ЯИМ дефлятори индекси олдида устунликка эга. Катта харажатларсиз нархлар индексини нафақат йиллик, балки ойлик, ҳатто ҳафталик оралиқлар учун аниқлаш мумкин. Айнан шунинг учун ундан турли мақсадларда кенг фойдаланилади - аҳоли даромадлари индексациясини назарий таҳлилидан то амалий ҳисоб - китобларигача.

ЯИМ дефляцияси ҳисоб-китобларининг кенг қўлланилиги туфайли у чоракда бир марта, одатда бир йилда бир марта номинал ва реал ЯИМнинг йиллик ҳажми аниқланиши билан бир вақтда ўтказилади. ЯИМ

таркибини ҳисоб - китобларидаги доимий тўғрилашлар туфайли унинг ҳажми, ўз навбатида ЯИМ дефляторининг ҳажми бир неча марта қайта кўриб чиқилади (баъзида йиллар ўтиб). Бу ҳолат нафақат ўтиш давридаги мамлакатларга, балки нисбатан мукамалроқ статистикага эга ривожланган давлатлар учун ҳам характерлидир. Шунинг учун ЯИМ дефляторидан амалий мақсадларда кам фойдаланилади. Шунга қарамай, дефляторнинг истеъмол нархлари индекси олдида бир муҳим устунлиги бор, чунки дефлятор ЯИМнинг барча компонентлари учун ҳисобланади (хусусий ва давлат истеъмоли, инвестициялар, ташқи савдо), шунинг учун унда инвестицион жараёнлар, камида назарий, унда тўлиқроқ ҳисобга олинishi керак.

Корреляция коэффиценти ёрдамида истеъмол нархлари индекси ва ЯИМ дефлятори моҳиятига кўра, бир хил ҳодисани характерлаши исботланган. Улар орасида фарқ катта эмас. Шунинг учун омили таҳлилда бир ўзгарувчини бошқасига алмаштириши унинг натижаларига статистик аҳамиятли таъсир этмайди. Ўз навбатида, истеъмол нархлари индекси кўрсаткичини ЯИМ дефлятори индекси кўрсаткичи билан алмаштириш ва аксинча, инфляция суръатларини бошқа макроиқтисодий кўрсаткич билан боғлаб турувчи ҳолларда сифатли ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин эмас.

Бироқ кўпчилик иқтисодчилар инфляция суръатларини таҳлил қилиш ва прогнозлашда 1 та кўрсаткични ўрганиши етарли эмаслигини, турли кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили кераклигини таъкидлайдилар.

Инфляция динамикасини прогнозлаш учун иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ва мос равишдаги вақт оралигини белгилаш керак.

Одатда эса, масалани ўрганиш пул массаси динамикаси ва истеъмол нархлари индекси таҳлили билан чекланилади. Турли давлатларда миллий

иқтисодиётнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи инфляция даражасини прогнозлашнинг турли моделлари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, АҚШда ишлаб чиқилган инфляция даражасини ҳисоблашнинг MODJS модели. Бу эконометрик моделда қуйидаги омиллар - аргументлар қўлланилган:

- ҳукумат кўзда тутаётган эгри солиқларнинг ўзгариши (наرخ ичидаги солиқларнинг);
- давлат субсидиялари (субвенция ва дотациялари)нинг тахминий ўзгариши;
- давлат назоратидаги баъзи товар ва хизматлар гуруҳи нархининг тахминий ўзгариши;
- ҳукумат ва фермер уюшмалари ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бўйича меҳнат битимлари ва келишувларининг маълум ҳолати;
- трансферт тўловлари.

Юқорида келтирилган барча омиллар бошқарувчи (инструментал), чунки ҳукумат қарорларига боғлиқ ва шу маънода улар эндоген ҳисобланади.

Моделда омиллар сифатида баъзи экзоген ўзгарувчилар ҳам қўлланилган:

- импорт маҳсулотга прогноз нархлар;
- бандлик даражаси прогнози ва бошқалар.

7.6. Имитацион модель тушунчаси

Имитацион модел аналитик моделдан фарқли ўлароқ, ўрганилаётган объектнинг хатти-ҳаракати ва ички структурасигача кўрсатувчи ёйилган схемани билдиради. Моделда ифодаланувчи ҳодисаларни, уларнинг мантиқий структурасини сақлаган ҳолда, вақт бўйича кетма-кетлигини, ўрганилаётган тизимнинг ўзгарувчилари ва параметрлари ўртасидаги алоқаларни сақалаган ҳолда қайта ишлаш имитацион модел учун характерлидир.

Имитацион моделлар моделлаштирилаётган тизим ҳақида ахборот олиш ва кейин, қарорларни шакллантириш учун яроқли баҳони ишлаб чиқиш учун мўлжалланган. Мисол ўрнида кўп


тармоқли иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва истеъмолни мувофиқлаштиришнинг имитацион моделини кўриб чиқамиз (5-тасвир).

Система 2та формаллашган блокка эга: моддий ишлаб чиқариш имитацияси ва истеъмол муҳити имитацияси. Системада бир қанча бошқариш параметрларидан фойдаланувчи экспериментатор кўзда тутилган: тармоқлар ўртасида капитал қуйилмаларининг тақсимланиши, жамғариш суръатлари, иш ҳақи — маҳсулот бирлигининг иш ҳақи сифими, улгуржи ва чакана нархлар.

Экспериментатор ЭХМ билан фаол мулоқотни амалга оширади. Маҳсулот турига ҳисобланган талабнинг тўғриланувчи кўрсаткичлари ва унинг тармоқда якуний ишлаб чиқарилиши ҳақида ахборотдан фойдаланилади. Агар кўрсаткич бирликдан юқори бўлса, талаб таклифдан юқори, агар бирликдан кам бўлса, аксинча бўлади. Тўғриланувчи кўрсаткичлар ва ялпи маҳсулотнинг тармоқлар бўйича ўсиш суръати экспериментатор томондан йўл қўйиш мумкин бўлган даража позициясидан таҳлил қилинади. Агар улр ўзгариши керак бўлса, экспериментатор у ёки бу бошқарув параметрини ўзгартириши мумкин. Масалан, капитал қуйилмаларнинг тақсимланиши ёки аҳолининг ялпи даромади ёхуд нархлар масштаби ўзгартирилади. Блоклар янги тўғриланувчи кўрсаткичларни аниқлайдилар. Экспериментатор ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг қониқарли мутаносибликка келгани ҳақида хулоса чиқариши биланоқ системани келгуси йилнинг ҳисоб-китобларига ўтказди.

Шундай қилиб, инсон-машина имитацион системаси аҳоли пул даромадлари ва таклиф қилинаётган товар ва хизматлар орасидаги энг яхши нисбатни таъминловчи прогноз вариантларини топишга имкон беради. Бошқарув параметрларини ажратиш, оралиқ қарорларни баҳолаш ва якуний қарорларни танлаш экспериментаторга юкланади, мумкин бўлган кўпчилик ечим вариантлари ЭХМда ечилади.

5-таъвир. Имитацион моделнинг структуравий схемаси



Имитацион бизнес ўйини имитацион системани янада ривожлантиришни кўзда тутди ва ўз ичига асосий элементлар билан бирга (имитацион модел ва имитация натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш воситлари) махсус инструкторив ва моделлаштирилаётган тизимнинг келгусид фаолиятида энг катта натижаларга эришишидан манфаатдор ҳамда қарор қабул қилувчи эксперт экспериментаторнинг таъсирини чегараловчи бошқа воситаларни ўз ичига олади.

Ўйинчиларга ҳал қилувчи дақиқаларда ахборот олиш имконияти берилиши керак. Имитацион ўйин моделини яратишда, аввало, ўйинчиларнинг мотивация тизими ва ўйин сценарийсини ишлаб чиқиш лозим. Бундай моделларнинг бир қисми компьютердан фойдаланишга, бошқа қисми - машинасиз имитацияга мослашган. Имитацион ўйин моделлари исталган даражадаги объектлар учун қурилиши мумкин: цех бўлимидан тортиб, умуман, халқ хўжалигигача. Яхши моделини яратиш катта вақт саъйибекисонини талаб қилади (бир неча йилгача) ва арзон тушмайди, унинг ёрдамида прогнозлаш, яъни ўйин ўтказиш, шунингдек, жиддий уринишларни талаб қилади, чунки ўйин қатнашчилари сони бир неча юзга етиши мумкин. Бироқ, бу харажатлар ўзини оқлаган, зеро бундай моделлар бошқа моделлар ишламайдиган жойда прогноз олиш имконини беради.

Имитацион моделлар бир қатор устунликларга эга:

- адекват моделларни реал объектлар қўллаш ва турли йўл қўйишларда модел билан чегараланмаган тажрибалар ўтказиш имконияти;
- моделга ноаниқлик омилларини, ўзгарувчиларнинг тасодифий характерини нисбатан осонроқ киритиш;
- жараёнлар, вақт параметрлари, муддатлар, кечикишлар динамикасининг нисбатан осонроқ ифодаланиши.

Иқтисодий моделлар прогнозланаётган тизимнинг тавсифини ҳам, формаллашмаган алоқаларини ҳам ҳисобга олгани учун улар унинг ривожланишини адекват ифодалашга қодир. Лекин айнан шундай формаллашмаган тавсифларни таърифлаш иқтисодий моделларни тузишнинг асосий қийинчилиги ҳисобланади.

Динамик иқтисодий моделлар бошланғич шартларга боғлиқ бўлмаган тизимнинг асосий ривожланиш қирралари ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Бу хулосалар, албатта, прогнозлашнинг бошқа усуллари ёрдамида кейин деталлаштирилади.

Бир вақтнинг ўзида иқтисодий моделларни ЭҲМ учун ишлаб чиқиш ва дастурлаш, одатда, кўп меҳнат ва вақт саъй-усули билан боғлиқ. Чунки уларнинг ҳар бири ўзича ажойибдир. Иқтисодий моделлар асосида прогнозлаш ўз ичига бир қанча асосий босқичларни олади:

- тадқиқот вазифасини белгилаш, прогнозланаётган тизимни ўрганиш, эмпирик ахборотларни тўплаш, моделлашнинг асосий муаммоларини ажратиш;
- иқтисодий моделларни шакллантириш; модел ва унинг остки моделларини ифодалашнинг структураси ва принципларини танилаш, шунингдек йўл қўйиладиган соддалаштиришни танилаш, ўлчанадиган параметрлар ва модел чифати мезонларини танилаш;
- киритилган маълумотлар билан иқтисодий моделнинг адекватлигини ва моделлаштирувчи алгоритмнинг назорат тажрибалари натижалари мувофиқлиги ва чегаравийлиги даражасига кўра, аниқлик ва яроқлилигини баҳолаш;
- кўп вариантли тажрибаларни режалаштириш, тадқиқот учун прогнозланаётган тизимнинг функционал тавсифини танилаш, тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларини белгилаш;
- модел билан ишлаш, ҳисоб - китоблар ва имитацион тажрибалар ўтказиш; натижалар таҳлили, моделлаш маълумотлари бўйича хулосаларни шакллантириш, якуний прогноз ишлаб чиқиш.

Айтиш керакки, имитацион системадан фойдаланиш режимини имитацион бизнес ўйини шаклига ўтказиш мумкин. Бунинг учун, биринчидан, имитацион тажрибада эксперт-экспериментаторлар гуруҳи иштирок этиши, иккинчидан эса иштирокчиларнинг фаолияти алоҳида ўйин қоидалари кўринишида акс этган ва чегараланган бўлиши зарур. Имитацион тажрибада ҳар бир иштирокчининг асосий вазифаси мавжуд

вариантлардан унинг фикрича яхши натижаларга эришишни таъминловчи қандайдир стратегияни шакллантириши лозим.

7.7. Комплекс усуллар моделлари

Иқтисодий тизимнинг мураккаблашуви, тасодифий катталиклар ва ноаниқлик омиллариини ҳисобга олиш зарурияти, жорий натижалар ва келгуси ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги динамиқлиги, ўрганилаётган кўпчилик ҳодисалар ўртасида комплекс боғлиқлик туфайли бундай мураккаб тизимга адекват бўлган анъанавий ИММни тузиш мураккаброқдир.

Одатда, мураккаб тизимларни моделлаш вазифанинг йирик ўлчамлилигига, ички ўзаро боғланишлар сонига, турли хил эҳтимолли тавсифларга дуч келади.

Аралаш ахборот асосидаги усуллар комбинациялашганлиги давлат «СЭС»и каби мураккаб тизимларни прогностлашда қўлланиладиган қуйидаги усулларни киритиш мумкин:

- тарихий ўхшатиш усули;
- сценарий тузиш усули;
- эконометрик моделлар;
- имитацион моделлар.

Қисқача хулосалар

Ялпи талаб бу, барча хўжалик субъектлари, тотвар ва хизматлар истеъмолчилари сифатида турли нарх даражаларида бу субъектлар қанча товар ва хизматлар сотиб олишларини кўрсатувчи моделдир.

Истеъмол талабининг макроиқтисодий функцияси аҳоли талаб қилувчи товар ва хизматлар хажмининг талабини белгиловчи асосий омилларга боғлиқлигини кўрсатади.

Ресурсларни тақсимланишининг тузилмавий хусусиятлари эҳтиёжларининг тузилмавий хусусиятлари каби кўп тармоқли тузилмалар орқали макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришида ифодаланади.

Инфляция ўзгаришларини прогнозлашда муҳим бўлиб инфляция билан унинг омиллари вақт алоқаларини ўрнатишдан иборат. Бу эса инфляцион жараёнларни прогнозлаштириш ва бошқариш имкониятини беради.

Имитацион моделлар моделлаштирилаётган тизим ҳақида ахборот олиш ва кейин қарорларни шакллантириш учун яроқли баҳони ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш эконометрик моделини қандай тузиш мумкин?

2. Ҳамаи талаб қандай прогнозлаштирилади?

3. Истеъмол талаби прогнозлари қандай тузилади?

4. Миллий иқтисодиётни тармоқ тузилмаси қандай прогнолаштирилади?

5. Инфляция суръати жараёни қандай прогнозлаштирилади?

6. Комплекс усуллар гуруҳига қандай моделлар киради?

7. Миллий иқтисодиётни тармоқ тузилмаси қандай прогнозлаштирилади?

8. Нархлар индекси қандай ҳисобланади?

9. Имитацион моделлардан фойдаланиш никулайлиги нимадан иборат?

Асосий адабиётлар

- 1 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 2 Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
- 3 Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
- 4 Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
- 5 Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. М.2004. 179с.
- 6 Бабина Ю.В, Москвин В.В. Экономическая география Россия. М.2003. 368с.
- 7 Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность. М.2004. 383с.
- 8 Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной экономики М., Вўсшая школа,2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
- 9 Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri

Электрон почта

- a.[http: ff www. Review.uz home/ azticle.asp?
mq62Rio\)q177](http://www.Review.uz/home/azticle.asp?mq62Rio)q177)
- b.[http: ff www. Biblio.rkrencazarhumanitarianfcicle.htm](http://www.Biblio.rkrencazarhumanitarianfcicle.htm)

VIII боб. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИ – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ПРОГНОЗЛАШНИНГ БАЗАСИ

8.1. Иқтисодий потенциал тушунчаси ва унинг таркиби

«Потенциал» атамаси латинча сўз бўлиб «куч» маъносини билдиради. Ҳозирги вазиятда у бирон мақсадга эришиш учун қўлланиладиган манбалар, қулайликлар, вазиятлар, захиралар маъносини ифодалайди. Бу ерда давлатнинг мақсадлари орқали халқнинг юқори моддий ва маданий турмуш даражасига эришиш масалалари кўзда тутилган.

Иқтисодий потенциал деганда халқ хўжалигидаги саноат тармоғининг жами ишлаб чиқариш имконияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, капитал қурилишларини амалга ошириш, юк ташиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва бошқалар тушунилади.

Иқтисодий потенциални белгиловчи асосий омиллар бўлиб мавжуд меҳнат ресурслари, саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг, қурилишнинг ишлаб чиқариш кучи, мамлакат транспорт тизимининг ривож, ижтимоий инфратузилма, илмий-техникавий тараққиёт ютуқлари ҳисобланади. Иқтисодий билимларда иқтисодий потенциални баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: меҳнат ресурслари ҳажми, асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, яъни ижтимоий фондлар, яъни ижтимоий маҳсулот, миллий даромад, ишлаб чиқариш кучлари ҳажми, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажми, қишлоқ маҳсулотлари ҳажми, ижтимоий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мутлақ ўсиши, энергетика, сув ҳажми яна бир қатор кўрсаткичлар.

Мамлакатнинг иқтисодий потенциали ўзаро боғлиқ потенциаллар билан характерланади: илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар, булардан ҳар бири халқ хўжалигида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган соҳалар йиғиндиси билан белгиланади.

Иқтисодий потенциал иқтисодий тармоқларнинг мутлақ ишлаб чиқариш қобилиятига ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва капитал бойлиги кўп бўлган катта давлатлар юқори даражали иқтисодий потенциалга эга.

8.2. Илмий-техникавий ва саноат — ишлаб чиқариш потенциали

Илмий-техникавий потенциал деганда фан ва фан соҳаларига хизмат қиладиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар йиғиндиси, умумий, табиий ,техникавий фанларда тўпланган билимлар ҳамда мамлакат эга бўлган ва илмий- техникавий ютуқларни амалиётга жорий қилиш ва фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш тажрибаси тушунилади.

Илмий-техникавий потенциалда фаолият соҳасини белгилайдиган ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ, халқ хўжалигининг фаолият кўрсатишига зарур бўлган ахборот потенциали муҳим роль ўйнайди.

Илмий-техникавий потенциалнинг асосий қисми жамият эга бўлган илмий — техникавий билимлар йиғиндиси саналади, чунки уларга асосланган ҳолда халқ хўжалиг структурасида муҳим, сифатли силжишларга, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини тезлаштиришга эришиш мумкин. Илмий-техникавий потенциални характерлантирувчи кучлар сифатида қуйдагиларни санаб ўтиш мумкин: илмий қидирув , илмий- техникавий ва ишлаб чиқариш қарорлари.

Булар билимни яратадилар ва чуқурлаштирадилар, ишлаб чиқариш тажрибасини системаси ҳолга келтирадилар ва ривожлантирадилар, янги турдаги меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва истеъмол предметлари кўринишида ишлаб чиқариш соҳасига замонавий илмий-техникавий инқилоб ютуларини моддийлаштирадилар ҳамда мавжуд билим ва тажрибаларни қўллайдилар.

Саноат ишлаб чиқариш потенциали моддий ишлаб чиқариш соҳалари, қурилиш саноати, транспорт ва алоқа, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш қувватининг йиғиндисини ифодалайди.

Саноат ишлаб чиқариш потенциалининг асосига асосий фондлар ва меҳнат ресурслари киради. Саноат ишлаб чиқариш потенциалини озиқ-овқат мажмуи ва ижтимоий инфратузилма потенциаллари билан яхлит алоқада бўлишини кўрсатиш зарур.

Саноат ишлаб чиқариш потенциали замонавий босқичида ривожланишнинг асосий омилларидан бири саноат ишлаб чиқаришнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариш потенциалининг қувватини белгиловчи асосий мезон — бу, корхоналар сони ҳисобланади.

8.3. Агросаноат мажмуаси потенциали

Агросаноат мажмуаси потенциали, тушунчаси агросаноат мажмуаси таркибига киручи тармоқлар тўпламининг қуввати, яъни, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, маҳсулотларни аҳолига ва истеъмолчи тармоқларга илмий асосланган ҳажмларда етказиб бериш ва сотишни ифодалайди.

Агросаноат мажмуаси тармоқлари таркибига қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, гўшт, сут, микробиология, ун ва ем-хашак саноатлари, тракторчилик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, чорвачилик ва ем-хашак машинасозлиги, саноатнинг

озик-овқат соҳаси, минерал — ўғитлар ва ўсимликларни муҳофаза қилувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда савдо ташкилотлари ва корхоналари, тайёрлов ва истеъмол ширкатлари киради.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, яъни, ер, сув ва ўрмон ресурсларидан самарали фойдаланиш, малакали кадрлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини саноатлаштириш мамалкат иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Агросаноат мажмуасининг мавжуд потенциалидан самарали фойдаланиш учун бошқарувнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳамда халқ хўжалигининг ички соҳалари бўлган истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган, қайта тайёрлайдиган ва етказиб берадиган соҳалари режалаштириш зарур.

Агросаноат мажмуаси ривожланишини муҳим даражада жадаллаштириш ер, сув ва ўрмон ресурслари потенциалидан самарали равишда фойдаланишга боғлиқ. Лекин бу жараёнда иқтисодий томондан жуда муҳим бўлган масала ётади, яъни ўраб турган табиатни сақлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, улар инфлосланиши ва тугашининг олдини олиш зарур.

8.4. Ижтимоий ривожланиш потенциали

Ижтимоий ривожланиш потенциали ўз ичига олишлаб чиқариш тармоқларига мансуб ҳар хил турдаги ижтимоий фаолият, бино ва қуролланиш, ишчиларнинг ва у ёки бу маъмурий-иқтисодий объект аҳолиси ҳаёт фаолиятини таъминловчи корхона ва муассасалар йиғиндисини қамраб олади.

Ижтимоий ривожланиш потенциали ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ишчиларнинг, оила ва маиший, маданий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт

соҳаларида банд бўлганларнинг самарали турмуш фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Ижтимоий ривожланиш потенциалининг таркибига шунуқа тармоқлар потенциали кирадики, булар соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт, туризм, умумий ва касбий таълим, кадрлар тайёрлаш, хизматлар соҳаси ва бошқалар. Ижтимоий инфратузилманинг характерли белгиларидан бири унинг моддий маҳсулот ва мамлакат миллий даромади, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари иши самарасига аҳамиятли таъсир кўрсатиши ҳисобланади.

Ижтимоий ривожланиш потенциали меҳнат ва моддий ресурслар ҳажми, кадрларнинг, муҳандис, техник ва хизматчиларнинг касбий тайёргарлик сифати ҳамда халқнинг фаровонлик даражаси билан белгиланади.

Қисқача хулосалар

Итисодий потенциал деганда халқ хўжалигидаги саноат тармоғининг жами ишлаб чиқариш имконияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, капитал қурилмаларини амалаг ошириш, юк ташиши, аҳолига хизмат кўрсатиш ва бошқалар тушунилади.

Илмий техникавий потенциал деганда фан ва фан соҳаларига хизмат қиладиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар йиғиндиси, умумий, табиий, техникавий фанларда тўпланган билимлар ҳамда мамлакат эга бўлган ва илмий техникавий ютуқларни амалиётга жорий қилиш тушунилади.

Агросаноат мажмуаси потенциали тушунчаси агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи тармоқлар тўпламининг қуввати тушунилади.

Агросаноат потенциалидан самарали фойдаланишучу тармоқни тартибга солишни замонавий бозор иқтисоди усулларида фойдаланиш

лозим.Бунинг учунишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиётни ичкисохалари бўлганистемол махсулотларини ишлаб чиқарадиган, қайта тайёрлайдиган ва етказиб берадиган сохаларни комплекс дастурларини ишлаб чиқариш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий потенциал деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодий потенциални таркиби қандий?
3. Илмий - техник потенциалнинг моҳияти ва роли нималардан иборат?
4. Агросаноат потенциалининг таркибичи?
5. Ишлаб чиқариш потенциали тушунчасига изоҳ беринг.
6. Ижтимоий ривожланиш потенциалига қайси тармоқлар киради?
7. Ижтимоий ривожланиш потенциалини таркиби нимадан ташкил топган?
8. Иқтисодий ижтимоий потенциални прогностлаш мақсади нимадан иборат?

Асосий адабиётлар

- 1 Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.
- 2 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогностлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 3 Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и фактор развития современной России М. ТЕИС 2004. 726с.
- 4 И.А.Родинова Мировая экономика индустриальный сектор. Питер Сан Петербург 2004. 496с.

- 5 А.В.Холопов Валютный курс и макроэкономическая политика М. Монография – М. Научно-техническое общество имени академика С.И.Вовикова 2003. 160с.
- 6 Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
- 7 Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
- 8 Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
9. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование национальной экономики М., 2002
www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html
9. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html

Электрон почта

- a. <http://www.Yabloko.ru/themes/belorus/belfrus-25.html>
- b. <http://www.vqi.freenet.lez/trudy/bratisvriko.htm>
- c. <http://www.aduiser.Kgiscrptsrfoxweb.exerbase/list-trem?nbk18sl>

IX- бoб ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ.

9.1. ИТТнинг моҳияти, даврийлиги ва уни прогнозлаштириш концепцияси.

Илмий-техникавий тараққиёт – бу хўжалик ҳаётидаги янги билим ва эришилган ютуқларни очиш ва улардан фойдаланишнинг узилмас ва оғир жараёнидир. ИТТ натижасида қуйидаги ишлаб чиқариш кучларининг элементининг ривожланиши ва мукаммаллаши рўй беради: меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш.

ИТТнинг бевосита натижаси бўлиб инновация ёки янгиликлар ҳисобланади. Бу илмий билимлар қўлланиладиган техника ва технологияларнинг ўзгариши. Ўз ривожланиш жараёнида ИТТ бир нечта босқич этапларидан ўтган.

Биринчи босқич – XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги биринчи саноат инқилоби. Илмий асосда машинали ишлаб чиқаришга ўтиш.

Иккинчи босқич – XIX аср охири XX аср бошларидаги иккинчи саноат инқилоби. Машина асосидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг энергетик асосининг ўзгариши, техник база асосида илмнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражасига ўтиш, янги тармоқларни барпо этиш.

Учинчи босқич – XX асрдаги учинчи саноат инқилоби, у ўз навбатида илмий-техник инқилобга айланиб борди.

ИТИ – бу илмнинг ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлган бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши асосида ишлаб чиқариш кучларининг тубдан сифатли ўзгаришидир.

XX асрнинг охири 10 йилликларида саноат инқилобининг янги тўртинчи босқичининг белгилари шакллана бошлади.

Унинг асосий белгилари:

- электроника асосида ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши;
- биологик жараён ва тизимларни ўсиб боровчи масштаблар асосида тартибга солиш;
- ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш;
- энергетиканинг янги турлари;
- янги материалларни тайёрлаш технологияси ва бошқалар.

Ривожланишнинг барча босқичларида ИТТ қийидаги шаклларда амалга оширилади: эволюцион, революцион (инқилобий) ва аралаш.

ИТТнинг ишлаб чиқариш жараёнига бўлган таъсирининг умумий кўриниши бу экстенсив ва интенсив ўсиш ўртасидаги нисбатнинг иккинчисининг ҳисобига ўзгаришидир.

ИТТнинг асосий натижаси бу – ишлаб чиқаришда шаклланадиган ва моддийлашадиган иқтисодий самаранинг ошиши.

Илм ва техника ривожланишини тартибга солиш ва прогнозлаш қуйидаги прогноз хужжатларининг тизими воситасида амалга оширилади:

- муддати 15 йилгача бўлган илмий-техникавий ривожланишининг умумдавлат прогнози.
- 5-10 йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва тармоқ даражасида бўлган хусусий илмий-техник прогнозлар.
- 10-15 йилга мўлжалланган давлатнинг мақсадли илмий-техник дастурлари.

Кўрсатилган хужжатларни давлатнинг илмий-техникавий сиёсати бирлаштиради.

Илмий-техникавий ривожланишнинг умумдават прогнозида қуйидагилар мавжуд:

- Маҳаллий ва жаҳон илм ва техникасида эришилган муҳим ютуқларнинг техник-иқтисодий баҳоланиши.

- Илмий техник ютуқларини халқ хўжалигида ишлатилиши ҳақидаги ҳулосалар.

- ИТТ бош йўналишларини ва бирламчи тармоқлараро илмий-техник масалаларни аниқлаш.

- Бу масалаларни ечиш бевосита ва йўлларининг вариантлари.

- ИТТнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш.

Прогнозда кўрсатилган йўналишлар мамлакат илмий-техник ривожланишининг узоқ муддатли стратегияси доирасида глобал характерга эга.

Хусусий илмий-техник прогнозларни ишлаб чиқариш жараёнида, прогнозлаштириш объекти сифатида ИТТнинг турли йўналишлари ҳамда инновацион циклнинг асосий босқичлари қатнашиши мумкин. Перспектив (5-10 йил) ва йиллик хусусий илмий-техник прогнозлар ИТТни давлат томонидан тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

Улар бошқаришнинг барча даражаларида ишлаб чиқарилиши мумкин (мамлакатнинг халқ хўжалиги, республика, вилоят, тармоқлараро комплекс, тармоқ, ташкилот). Давлатнинг мақсадли илмий-техник дастурлари умумдават ва тармоқлараро характерга эга бўлган энг перспектив илмий-техник йўналишларнинг муҳим муаммолари бўйича ишлаб чиқарилади. Бу дастурлар техниканинг янги авлодларини ва базавий технологияларни яратишга йўналтирилган бўлиб, янгиликларнинг бутун инновацион циклини ўз ичига олувчи 10-15 йил муддатига ишлаб чиқарилади. Федерал, тармоқ, регион ва давлатлараро илмий-техник дастурлари мавжуд.

Давлатнинг илмий техникавий сиёсати шу давлатнинг илмий ва илмий-техник фаолиятига бўлган муносабатни ифодалайди ҳамда илм, техника ва илмий техник ютуқларини амалга ошириш соҳасида ЎЗБЕКИСТОН давлат ҳукумат органлар фаолиятининг шакли, йўналиши ва мақсадларини аниқлаб беради.

Унинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- 1) Илмий-техник потенциални ривожлантириш, рационал жойлаштириш ва самарали фойдаланиш.
- 2) Моддий ишлаб чиқариш соҳасида прогрессив тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш, унинг самарадорлигини ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш.
- 3) Давлат иқтисодиётини ривожлантиришда илм ва фан техниканинг ҳиссасини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларни амалга ошириш.
- 4) Мамлакат мудофаа кучларини мустаҳкамлаш.
- 5) Экологик муҳитни яхшилаш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитларида асосий масалалардан бири илмий-техник фаолиятни молиялаштириш принцип ва омилларидир.

Ўзбекистонда илмий ва илмий-техник фаолиятни молиялаштириш қонунчилик асосида унинг мақсадли мўлжалига ва молиялаштирувчи омилларнинг кўпчилигига асосланади.

Фундаментал илмий изланишлар асосан федерал бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Федерал илмий-техник дастурлар, асосий изланишлар ва эксперементал янгиликлар федерал бюджет маблағлари, илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш фонди маблағлари ҳамда қатнашиш улушига қараб ташкилотлар, уюшмалар, банклар ва бошқа хўжалик субъектлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Регионал аҳамиятга эга бўлган ишлар Ўзбекистон субъектларининг бюджети, маҳаллий бюджет, регионал фондлар ва қатнашиш ҳиссасига қараб ташкилотлар,

уюшмалар, банклар ва бошқа хўжалик субъектлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда давлат, нодавлат ва халқаро илмий ва илмий техник фаолиятни қўллаб-қувватлайдиган фондлар фаолият кўрсатади. Илмий ва илмий-техник фаолият грантлар ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин.

9.2. ИТТни ривожланишининг турли босқичларида прогнозлашнинг масала ва усуллари.

Илмий-техник таракқиёт инновацион цикл доирасида оқиб ўтади, яни янгиликларни яратиш, ўзгартириш, фойдаланиш ва эскириш жараёнида.

Инновацион цикл қатор босқичлардан иборат: фундаментал ва қидирув изланишлар, амалий изланишлар, техник-иқтисодий кашфиётлар, тажрибий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш, серияли ишлаб чиқариш, янгиликларнинг эксплуатацияси ва эскириш.

Ҳар бир босқич масалаларининг махсус ҳажми, уларнинг ечилишини нг махсус усуллари, қатнашувчиларнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси ва таркиби, меҳнат предмети ва воситаларнинг йиғиндис, моддий ва молиявий ресурслар, ижро этувчи уюшмаларнинг турли хил шакли ва уларнинг фаолиятини бошқариши билан характерланади.

Бошқичларнинг махсуслиги мақсадларнинг характер ва тузилмасини ҳамда прогнозлаштириш масалаларини ва уларни ечиш усулларини белгилаб беради.

Фундаментал ва қидирув изланишлар – олдин номаълум бўлган табиат қонунларини кашф этишга, жамият ва инсон онгини билишга йўналтирилган бўлади ва табиий илмий ҳамда жамоа жараёнларнинг ривожланиш қонунларини системалаштириш, ўрганиш ва аниқлашни кўзда тутди.

Амалий изланишлар – ўз ичига конкрет соҳадаги қидирув изланишлар натижаларидан амалий фойдаланиш йўллари ва ижтимоий-иқтисодий самарасини, техник имкониятларини ўрганишни олади.

Техник-иқтисодий кашфиётлар – янги ва мукаммаллашган буюмларни, иншоотларни, меҳнат унумдорлигини ўсишига, материаллар ҳаракатини қисқаришига, табиий ресурсларни рационал ишлатишга сезиларли таъсир килувчи бошқарувнинг тизим ва жараёнларини таъминлашга имкон берувчи перспектив конструкторлик, технологик, проект ва иқтисодий кашфиётларни танлашни кўзда тутади.

Тажрибий ишлаб чиқариш – буюмларни биринчи нусхасини ва унинг оригинал кўринишини, уларнинг техник вазифасига мос келишини ва сифатини синовдан ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарилиши.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилишини ва объектларнинг реконструкциясининг энг муҳимларини танлаш ва асослашнинг, меҳнат ва материал ресурсларнинг тақсимлашни, инвестицияларни таъминлашни, амалдаги корхоналарни реконструкцияларини ва янгиларни тезроқ қуришни ўз ичига олади.

Серияли ишлаб чиқариш – меҳнат унумдорлигини сезиларли оширувчи янги техника, технологи, материалларни киритиш, материаллар, энергия тежаш, меҳнатни яхшироқ ташкил этиш, асосий фондларни ишлатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини ишоришни кўзда тутади.

Эксплуатация босқичида – янги техника ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмолга ўтади. Маънавий ва жисмоний эскирган буюмлар серияли ишлаб чиқариш эксплуатациядан олинади шу билан янгиликнинг ҳаёт цикли тугатилади. ИТТ нинг замонавий шароитлари “изланиш-кашфиёт” циклининг вақтини қисқартиради

ҳамда янгиликларнинг бутун ҳаёт циклини ҳам. Шу билан бирга материал, молия, хом-ашё ресурсларни чеклаш, яратилган ишлаб чиқариш воситаларнинг эксплуатация муддатини ошириш масаласини олдинга суради.

Инновацион цикл босқичида ечиладиган масалаларнинг таҳлили уларнинг кўп хиллигини аниқлаб берди. Улар нафақат мақсадлари билан балки фаолият натижаларининг кўрсаткичлари характерлари билан фаркланади. Таҳлилдан аниқласа бўладики, мавжуд жараёнларнинг шаклланиши, тузилиши ва уларнинг математик моделлаштириш имконияти биринчи босқичдан охирги босқич томонга ўсиб боради. Худди шу йўналишда кашф қилинаётган янгиликларни қўллаш бўйича қабул қилинган қарорни аниқланиши ошади. Шу билан бирга шуни ҳисобга олиш керакки, прогнозларни усулларини танлаш пайтида прогнознинг чуқурлиги катта аҳамиятга эга бўлади. агар прогнослаштирилаётган жараён эволюцион деб фараз қилсак, унда статистик ва шаклланган усулларни ишлатилиши тўғри бўлади. Агар прогнослаштириш жараёнида нотекисликлар мавжуд бўлса, унда шу сакрашларни аниқлаш ва уни амалга ошириш вақтини баҳолаш учун эксперт усулларини қўллаш зарур.

Фундаментал ва амалий изланишларни прогнослаш — тизимли таҳлил ва синтезни қўллаш, эксперт баҳолар усули, сценарий ёзиш, “мақсад дараҳти”ни тузиш йўли билан ишлаб чиқарилади. Бу муаммолар тузилмасини ўтказиш, мақсадли кетма-кетликни топиш, миқдор баҳолашнинг вариантларини олишга, изланишларнинг энг яхши йўналишини танлашга имкон беради.

Техник-иқтисодий кашфиётлар босқичида прогнослаштириш пайтида — тармоқлараро баланс усуллари қўлланилади, “харажат - чиқариш” ва бошқалар.

Янги маҳсулотнинг иқтисодий ва техник кўрсаткичларининг прогнози — экстраполяция

усулларининг комбинацияси, патент хужжатлаштиришнинг таҳлили, илмий-техник ахборот, эксперт баҳолаш усули асосида амалга оширилади.

Тажрибий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш, серияли ишлаб чиқариш ва эксплуатация босқичларида эксперт баҳолаш, омилли таҳлил, имитацион усуллар қўлланилади. Прогнозларда муҳим ролни йириклашган баланс ҳисобларнинг тизими ўйнайди.

9.3. ИТТ ривожланишининг прогноз баҳоланиши ва бош йўналишлари.

Илм ва техника ривожланишининг бош йўналишлари деганда, илмий-технологик ривожланишга ва мамлакат ривожланишининг узок муддатли ва жорий ижтимоий-иқтисодий мақсадларига ўз ҳиссасини қўшувчи изланиш ва кашфиётларнинг соҳаси тушунилади.

Ўзбекистон ҳукумати билан илм ва техника ривожланишининг қуйидаги бош йўналишлари тасдиқланган:

- 1) Фундаментал изланишлар;
- 2) Ахборот технологиялар ва электроника;
- 3) Ишлаб чиқариш технологиялар;
- 4) Янги материаллар ва кимёвий маҳсулотлар;
- 5) Тирик тизим технологиялари;
- 6) Транспорт;
- 7) Ёқилғи ва энергетика;
- 8) Экология ва табиатдан фойдаланиш

Ундан ташқари ҳар бир йўналиш технологиялар даражасида конкретлаштирилган. Натижада бир неча юз технологиялардан 70 та Россия иқтисодиёти учун энг муҳим бўлган технологиялар танлаб олинган.

Айнан шу бош йўналишлар, жаҳон тажрибаси кўрсатишича, XXI аср бошида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар асоси бўлган янги технологик базани шакллантиришда магистрал ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, 70 та критик технологиялардан 17 таси Россия илмида жаҳондаги даражасидан устун туради:

- авиацион ва космик техника;
- атом энергетикаси;
- оксил препарат ва компонентлари;
- биомослашган препаратлар;
- биомухандислик асосидаги биотехнология;
- катализаторлар;
- керамик материаллар ва нокерамика;
- мембраналар;
- рекомбинант вакциналар;
- энг қаттиқ материаллар;
- экстремал шароитларда инсонни ҳимоялаш ва ҳаётни таъминлаш тизимлари;
- сунний интелект ва виртуал реаллик тизимлари;
- нутқ, текст ва кўринишларни аниқлаш системалари;
- иммунокоррекция технологиялари;
- табиий-техноген муҳитнинг мониторинг технологияси;
- экосистемалар иқлимнинг ривожланиши ва гидрогеологик ҳамда ресурс ўзгаришларни ривожланишни прогнозлаштиришнинг технологиялари;

Илм ривожланишининг бу йўналишлари Ўзбекистон ҳукумати қарорларига биноан биринчи навбатда молиялаштирилади ва ривожлантирилади. Шундай қилиб қуйидаги бош йўналишларни амалга оширишнинг муҳим шарти бўлиб, у илмий муҳитни етарли даражада молиялаштириш шартидир.

Молия ресурсларининг вужудга келишини иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва қатъий иқтисодий ўсишни таъминотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ундан ташқари илмий-техник потенциални ошириш ва сақлашни, асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида янгиланишини, технологик тизимлар ва асбоб-ускуналарнинг сифатини белгилаб берувчи машинасозликнинг материал-техник

базасини ривожлантиришни таъминлаш зарур. Фақатгина кўрсатилган шартларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ИТТ ривожланишининг прогноз баҳолари ижобий бўлиши мумкин.

Қисқача хулосалар.

Илмий техникавий тарақиёт – бу хўжалик ҳаётидаги янги билим ва эришилган ютуқларни очиш ва лардан фойдаланишнинг узилмас ва оғир жараёнидир.

Илмий техника инқилоби - бу илмнинг ишлаб чиқаришининг асосий омили бўлган бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши асосида ишлаб чиқариш кучларининг тубдан сифатли ўзгаришидир.

ИТТнинг ишлаб чиқариш жараёнига бўлган таъсирининг умумий кыриниши бу экстенсив ва интенсив ысиш ыртасидаги нисбатнинг иккинчисининг хисобига ызгаришидир.

ИТТнинг асосий натижаси бу – ишлаб чиқаришда шакилланадиган ва моддийлашадиган иқтисодий самаранинг ошишидир.

Давлатнинг илмий техникавий сиёсатини шу давлатнинг илмий ва илмий - техник фаолиятига бўлган муносабатни ифодалайди ҳамда илм, техника ва илмий техник ютуқларини амалга ошириш соҳасида мамлакатни ҳукумат органларининг фаолиятини шакли, йыналиши, ва мақсадларини аниқлаб беради.

Илмий техника тарақиёти иновацион босқичларни босиб ўтади. Иновацион цикл босқичида ечиладиган масалаларнинг тахлили уларнинг кўп хиллигини Аниқлаб беради. Улар нафақат мақсадлари билан балки фаолият натижаларининг кўрсаткичлари билан ҳам характерланади. Тахлил натижалари кўрсатадики, мавжуд жараёнларнинг шакилланиши, тузилиши, уларни математик моделлаштириш имконияти биринчи босқичдан охириги босқич томонга ўсиб боради.

Янги маҳсулотни иқтисодий ва техник кырсаткичларнинг прогнози-экстрополяция усулларининг комбинацияси, илмий-техник ахборот, эксперт баҳолаш усули асосида амалга оширилади.

Молия ресурсларининг вужудга келишини иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва қатъий иқтисодий ўсишни таъминотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга илмий-техник потенциални ошириш ва сақлашни, асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида янгиланишини, технологик тизимлар ва асбоб-ускуналарнинг сифатини белгилаб берувчи машинасозликни материал-техник базасини ривожлантиришни таъминлаш зарур. Юқорида келтирилган шартларни бажарилишигина мамлакатда ИТТ ривожланишининг прогноз баҳоларини ижобий былишини таъминлайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Илмий техника тарақиёти тушунчасини изохланг.
2. Инновация сўзини маъносини изохланг.
3. Илмий техник тарақиёти ыз ривожда нега босқични ытаган?
4. Сиз илмий техника инқилобини қандай тушинасиз?
5. Охирги 10 йилликларда саноат инқилобини қандай белгилари шакилланди?
6. Экстенсив ва интенсив ысишни илмий техника тарақиётига таъсирини шакилланди?
7. Техник иқтисодий кашфиётларни тушунтиринг.
8. Серияли ишлаб чиқаришни қандай тушинасиз?
9. Фундаментал ва Амалий изланишлар ҳақида фикрингиз.
10. ИТТ ривожланишининг бош йўналишлари нимадан иборат.

Асосий адабиётлар

1. Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва қонунчилик

палатасининг кўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.

2. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув кўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
3. Лившиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
4. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика — 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
5. Тарассвич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт 2004г. 654с.
6. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
7. Парсаданов Г.А., Прогнозирование национальной экономики М., Высшая школа, 2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
8. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html
9. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000 Co@libri
10. Методы, модели и системы прогнозирования регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

1. WWW. economyta - culty. uz.
2. <http://www.Biblio.rkfcencaztafhumanitarianfcicle.htm>
3. <http://www.vqi.freenet.lezfrudyfbratisvriko.htm>
4. <http://www.aduiser.Kgiscrptsffoxweb.exerbaserlist-trem?nbk18sl>

Х-боб. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ.

10.1. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси, асосий элементлари ва шакллантирувчи омиллари.

Мамлакат иқтисодиёти бир-бири билан ўзаро зич боғланган кўпгина макроиқтисодий элементлардан таркиб топган мураккаб тизимни ифодалайди. Бу элементлар орасидаги ўзаро нисбат иқтисодий структура (тузилма) бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий тузилма тушунчаси ёки барча халқ хўжалиги пропорцияларининг ифодаси сифатида ёки унинг ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларини қамраб олувчи қисми ифодаси сифатида қўлланилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг таркиби қуйидаги пропорция гуруҳлари билан ифодаланиши мумкин:

- ишлаб чиқариш пропорциялари (нисбатлари);
- тармоқлараро пропорциялар;
- тармоқ ичидаги пропорциялар;
- ҳудудий пропорциялар;
- ташқи иқтисодий пропорциялар;
- материал-моддий пропорциялар;
- қийматли пропорциялар;

Ишлаб чиқариш пропорциялари иқтисодиётнинг ўсиши ва унинг самарадорлигини кўтарилиш имкониятларини ифодалайди. Уларга ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ўртасидаги нисбатлар, ишлаб чиқариш ва истеъмол, истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатлар кирази.

Тармоқлараро пропорциялар тармоқлар ва тармоқ гуруҳлари ўртасидаги; саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги; ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари; саноат ва қурилиш ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Тармоқлар ичидаги нисбатлар тармоқ ости ва ишлаб чиқариш соҳалари орасидаги нисбатларни ифодалайди, масалан, чўян ва пўлат, ёғоч ва қирринди материаллари ишлаб чиқариш.

Худудий прапорциялар мамлакат ишлаб чиқариш кучларини жойлашуви, иқтисодий районлар ва минтақалар ўртасидаги меҳнат тақсимотини ифодалайди.

Ташқи иқтисодий пропорциялар ташқи иқтисодий алоқаларнинг турли томонларини қамраб олади, шу жумладан илмий-техник ҳамкорлик, маҳсулот экспорти ва импорти ва шу кабилар.

Моддий-материал пропорциялар маҳсулот алоҳида турларини натурал кўринишида ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасидаги фарқини ифодалайди.

Қиймат пропорциялари ЯИМ қийматининг алоҳида элементларини тақсимоти ва айланишини тавсифлайди.

Кўрсатилган асосий нисбатлар хусусий нисбатлар билан аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг шаклланиши ва ривожланишига турли хил омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Деярли барча нисбатларга жамият эҳтиёжларининг ўсиши ва ИТТ ривожланиши таъсир этади.

Тармоқ тузилмасининг яхшилаш омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобалнади: саноатнинг қазиб чиқарувчи ва ишлов берувчи тармоқлари ривожланиш пропорцияларининг яхшиланиш, тармоқларнинг тезкор ривожланиши, ёнилғи-энергетика комплекси тармоқлари тузилмасини оптималлаштириш ва шу кабилар.

Худудий структурага ёнилғи, хом ашё янги конларининг очилиши ва ўзлаштирилиши ҳамда улар

асосида қазиб олиш ва ишлов берилишининг янги саноат марказлари яратилиши таъсир этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар ишлаб чиқариш тузилмасига ташқи савдо, илмий-техник ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва коорпорациялаш орқали таъсир этади.

10.2. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини прогнозлаш. Тузилмавий сиёсат.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ривожланишини прогнозлаш асосида аниқ методологик тамойилар ётади:

- прогноз жараёнини итеративлиги (қайтарувчанлиги);
- унинг узвийсизлиги;
- ягона структуравий сиёсатни амалга ошириш.

Структуравий сиёсат – бу ижтимоий ишлаб чиқариш ёки унинг алоҳида звенолари ривожланиш йўналишлари, улар ўртасидаги асослаш, танлаш ва амалга оширишдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ривожланишини прогнозлаш ва структуравий сиёсат ўртасида яқин боғланиш мавжуд. Умуман олганда, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг ривожланиш тенденцияси ва мукаммаллашиб боришини прогнозлаш структуравий сиёсатни ишлаб чиқишнинг асосини ташкил этади.

Ўз навбатида структуравий сиёсат проноз натижаларини ишлаб чиқар экан, қуйидагиларни таъминлаши зарур:

- динамикадаги якуний маҳсулот ва жамият эҳтиёжлари тузилмасининг ўзаро мослиги;
- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишини унинг тузилмаси, техник даражаси ва маҳсулот

номинклатурасини мақсадга мувофиқ ўзгартириш орқали таъминлаш;

- илмий-техник сиёсатни амалга ошириш;
- тармоқ комплекслари ва уларнинг икки тузилмасини ривожлантирилишида прогрессив пропорцияларни сақлаш;
- мукаммалроқ меҳнат таксимоти, ихтисослашув ва кооперациялашув;
- рационал ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳудудий пропорцияларни шакллантириш ва бошқалар.

Тузилмавий сиёсат илмий-техник ва инвестицион сиёсат билан узвий боғлиқ. Бундай боғлиқликнинг мавжудлиги техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишди ривожланишни таъминлашга имкон яратади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасидаги нисбат ва силжишларни прогнозлаш прогнозларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқишга асосланади. Улардан асосийлари бўлиб ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатлар, ишлаб чиқариш ва жамғариш ўртасидаги нисбатлар, қазиб олувчи ва ишлов берувчи тармоқлар ўртасидаги нисбат прогнозлари ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш пропорциялари ривожланишини прогноз қилганда ривожланган саноатлашган мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятлар ва уларнинг ўзгаришини инобатга олиш зарур:

- ишлаб чиқариш техник даражасининг ўсиши. Бу ишлаб чиқариш фондлари ҳажмининг ишловчилар сонига нисбатан кўпайишида намаён бўлади (ишлаб чиқаришнинг механизацияси ва автоматлашуви);
- ишлаб чиқаришнинг илмталаб, юқори технологик тармоқларининг илғарилаб ривожланиши;
- ноишлаб чиқариш соҳасининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларига нисбатан улушининг кўпайиши;

- ишлов берувчи саноат тармоқларининг қазиб олувчи саноат тармоқларига нисбатан тезроқ ривожланиши;
- халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишнинг кенгайиши, ташқи иқтисодий оборотнинг мамлакатдаги ишлаб чиқаришга нисбатан ошиши.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишидаги умумий тенденцияларни аниқлаш билан бирга прогнозларни ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ривожланишда мавжуд бўлган диспропорциялар ва уларнинг олдини олиш йўллари аниқланади. Масалан, ИТТнинг тезкор ривожланиши унга мувофиқ янги тармоқлар, ишлаб чиқариш ва технологиялар ривожланишини кўзда тутди.

Худудий пропорцияларни прогнозлаш жараёнида саноат, қурилиш, транспорт ва ишлаб чиқаришларининг мамлакат ҳудуди бўйича рационал жойлаштирилишини башоратлаш муҳим бўлиб, бунда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, минтақалар хўжалигининг ихтисослашуви ва комплекс ривожланиши, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши инобатга олинishi зарур.

10.3. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини прогнозлашнинг босқичлари, кўрсаткичлари ва усуллари.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини прогнозлаш жараёни ўз ичига бир нечта босқичларни олади.

Биринчи босқич прогнозлаштирилаётган давргача шакланган структура таҳлили, структуравий деформациялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, иқтисодиётга бундай деформацияларнинг таъсирини, структура динамикасида ижобий тенденцияларни аниқлашни кўзда тутди.

Иккинчи босқичда структуравий ўзгаришлар йўналишлари, структуравий деформацияларни йўқотиш имкониятлари аниқланади.

Учинчи босқичда ҳар бир пропорцияга таъсир этувчи омиллар йиғиндиси аниқланади, уларнинг ҳар бири алоҳида ва ҳаммасининг умумий ҳолда пропорция характериға таъсир этиши ҳисобланади. Шу асосда прогнозлаштирилаётган даврдаги ҳар бир структура ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Тўртинчи босқичда структуравий прогноз кўрсаткичларининг зарур бўлган коррективкаси амалга оширилади.

Прогнозлаш жараёнида кўрсаткичларнинг мувофиқлашган тизимидан фойдаланилади: **хусусий, комплексли ва нисбий.**

Хусусий кўрсаткичлар алоҳида пропорциялар ва ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси силжишларининг ривожланишини акс эттиради. Бу кўрсаткичлар хусусий прогнозлар тузишнинг натижаси ҳисобланади.

Комплексли кўрсаткичлар ишлаб чиқариш тузилмаси таркиби ривожланишининг ўртача характеристикасини аниқлаш имконини беради (масалан, алоҳида тармоқлар, ишлаб чиқаришлар, ҳудудларнинг ривожланиш кўрсаткичлари).

Нисбий кўрсаткичлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳолдаги темплари, силжишлари, структуравий ривожланиш самарадорлигини характерлайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ривожланишини прогнозлаш жараёнида прогнозларнинг кўп вариантли ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Прогнозлаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарали тузилмаси, пропорциялари ва динамикаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ижтимоий ишлаб чиқариш динамикаси ва тузилмаси ишлаб чиқариш ресурсларини мақсадга мувофиқ ташкиллаш орқали шакллантирилади, шу

жумладан инвестициялар, асосий ишлаб чиқариш фондлари, моддий ва меҳнат ресурслари.

Структуравий прогнозларни ишлаб чиқиш турли усуллардан фойдаланишни кўзда тутди: моделлаштириш, иқтисодий-математик, экстрополяция, эксперт баҳолаш, баланс.

Бундай усулларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ривожланишининг элементлари ва омилларини ҳисобга олишдан ташкил топади.

Қисқа муддатли ва ўрта муддатли структуравий прогнозлар иқтисодий-математик, экстрополяция ва моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади. Узоқ муддатли структуравий прогнозлар учун эксперт баҳолаш самаралироқ ҳисобланади.

10.4. Ўзбекистонда ижтимоий ишлабчиқариш тузилмасининг ҳолати ва мукамаллашувининг прогноз баҳолари.

Охирги икки ўн йилликда ва айниқса 90-йиллар бошидан Россия иқтисодиёти чуқур структуравий инкироз ҳолатида турибди. Барча структуравий инкирозлар бир қатор умумий хусусиятларга эга: улар нодаврий ва узоқ муддатли характерга эга; иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларини қамраб олади; ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтирувчи етарлича ишлаб чиқармаслик ёки ортиқча ишлаб чиқариш билан кузатилади.

Россия иқтисодиёти учун структуравий инкирознинг қуйидаги кўринишлари хос:

- Ишлаб чиқаришнинг иккиамчи улуши;
- I бўлим улушининг ўта юқорилиги ва унга мувофиқ II бўлимнинг ўта паст улуши;

- I бўлим таркибида шу бўлим маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот улушининг ўта юқорилиги ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш улушининг пастлиги;
- Қазиб олувчи тармоқ маҳсулотлари улушинг ишлов берувчи тармоқ маҳсулотлари улушига нисбатан ўта юқорилиги (саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида);
- Фонд истеъмолининг фонд жамғаришига нисбатан улушининг пастлиги;
- Фонд қайтими улушининг миллий даромадга нисбатна ўта юқорилиги;
- Ҳарбий саноат мажмуининг керагидан ортиқ ривожланиши;
- Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги ва моддий ресурслардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши.

Ҳозирги шароитда иқтисодий таркибни структуравий қайта қуришнинг асосий стратегик йўналиши – унинг ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда структуравий ўзгартиришлар узок муддатли истиқболда моддий ишлаб чиқариш бирламчи секторлари улушининг қисқаришини таъминлаш, яқиний маҳсулот, ноишлабчиқариш соҳаси тармоқлари, ижтимоий соҳа тармоқларига хизмат қилувчи тармоқлар ролин оширишни таъминлаши зарур.

Ўрта муддатли ва қисқа муддатли истиқболдаги структуравий қайта ўзгартиришлар мамлакат иқтисодиётидаги номутаносибликларнинг олдини олишга йўналтирилади ва кўп жиҳатдан тармоқ ичидаги нисбатларга тегишли бўлади. Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича иқтисодий таркибни ривожлантиришда устивор йўналишлар қўйидагилардан иборат бўлади:

- Таъминловчи тармоқларнинг ривожланиши;
- Мамлакатнинг маҳсулот мустақиллигини таъминлаш;
- Иқтисодиётда технологик ядрони тиклаш;
- Саноат истеъмоли секторини шакллантириш;

- Технологик ресурслар манбаи сифатида конверсияни амалга ошириш ва шу кабилар.

Қисқача хулосалар.

Мамлакат иқтисодиёти бир-бири билан ўзаро зич боғланган кўпгина макроиқтисодий элементлардан таркиб топган мураккаб тизимни ифодалайди. Бу элементлар орасида ўзаро нисбат иқтисодий тузилмани ташкил этади.

Иқтисодий тузилма тушинчаси ёки иқтисодиётни барча тармоқлари нисбатан ифодаси сифатида қўлланилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини таркиби куйидаги нисбатлар орқали ифодаланиши мумкин:

Ишлаб чиқаришдаги нисбатлар; тармоқлараро нисбат; тармоқ ичидаги нисбат; ҳудудий нисбатлар; ташқи иқтисодий нисбатлар; қийматли нисбатлар ва х.к.

Ишлаб чиқариш нисбатлари иқтисодиётнинг ўсиши ва унинг самарадорлигини ўсиш имкониятларини ифодалайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини шаклланиши ва ривожланишига турли хил омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Деярли барча нисбатларга жамият эҳтиёжларининг ўсиши ва ИТТ ривожланиши таъсир этади.

Тармоқ тузилмасини яхшилаш омиллари куйидагилардир: саноат қазиб чиқарувчи ва ишлов берувчи тармоқлари ривожланиш нисбатларининг яхшиланиши, тармоқларнинг тезкор ривожланиши ва бошқалардир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасидаги нисбат ва силжишларни прогнозлаш прогнозларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқишга асосланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш нисбатлари ривожланишининг прогноз қилганда ривожланган саноатлашган мамлакатларга хос бўлган умумий

қонуниятлар ва уларнинг ўзгаришини инобатга олиш зарур.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишидаги умумий тенденцияларни Аниқлаш билан бирга прогнозларни ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ривожланишда мавжуд бўлган диспропорциялар ва улар олдини олиш йўллари аниқланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси ривожланишини прогнозлаш жараёнида прогнозларнинг кўп вариантли ишлаб чиқилиши амалга оширалади.

Прогнозлаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарали тузилмаси, пропорциялари ва динамикаларини шакиллантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Иқтисодиётни структуравий қайта кўришнинг асосий стратегик йўналиши – унинг ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда структуравий ўзгартиришлар узок муддатли истикболда моддий ишлаб чиқариш бирламчи секторлари улушининг қисқаришини таъминлаш, якуний маҳсулот, ноишлабчиқариш соҳаси тармоқлари, ижтимоий соҳа тармоқларига хизмат қилувчи тармоқлар ролини оширишни таъминлаш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Иқтисодий тузилма деганда нималарни тушинасиз?
2. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини таркиби нималардан иборат?
3. Тармоқлараро пропорциялар ҳақида тушинчангиз?
4. Ташқи иқтисодий нисбатлар ҳақида фикрингиз .
5. Структуравий сиёсат прогноз натижаларига қандай таъсир этади?
6. Ижтимоий ишлаб чиқариш нисбатлари прогноз қилиш қандай қонуниятларга асосланади?

7. Хусусий кўрсаткичлар ҳақида фикрингиз.
8. Структуравий прогнозларни ишлаб чиқишда қандай усуллардан фойдаланилади.
9. Структуравий инқирозларни қандай тушинасиз?
10. Иқтисодиётни ривожлантиришдаги устувор йўналишлар шақида фикрингиз.

Асосий адабиётлар

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув кўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
2. Журавлева Г.П. Экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
3. Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
4. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
5. Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. М.2004. 179с.
6. Бабина Ю.В, Москвин В.В. Экономическая география Россия. М.2003. 368с.
7. Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность. М.2004. 383с.
8. Парсаданов Г.А., Прогнозирование национальной экономики М., Высшая школа, 2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
9. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri

Электрон почта

- c. [http://www.Review.uz/home/azticle.asp?mr62Rio\)k177](http://www.Review.uz/home/azticle.asp?mr62Rio)k177)
- d. <http://www.Biblio.rkfcencazarhumanitarianfcicle.htm>

XI боб. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

11.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси, унинг турлари, моделлари ва уларнинг прогнозлаштиришда ишлатилиши

Иқтисодий ўсиш деганда, ишлаб чиқариш масштабининг ҳал қилиниши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва миллий даромаднинг ўсиши тушунилади. Иқтисодий ўсиш - бу, ижтимоий умумий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва функциялаштириш қонуниятидир. Шу билан бирга ижтимоий жамият ҳар қандай иқтисодий ўсишга қизиқибгина қолмай, балки ўз эҳтиёжларини энг кўп қондира оладиган юқори даражадаги иқтисодий кучлар ривожланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ўсишга қизиқади. Иқтисодий ўсиш назарияси иқтисодиёт фанларининг бир қисми сифатида кенгайтирилган назария ва марксча назария омилларига асосланган. Марксча назария омилларига марксча иқтисодий ўсиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган меҳнат ва моддий ресурслар ҳамда ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий ресурслар киритилган.

Иқтисодий ўсиш ҳам назарий, ҳам амалий муносабатда 2 жиҳатдан таҳлил қилиниши ва прогнозлаштирилиши мумкин:

1. хом ашё омилли ва қийматли;
2. миллий даромадни амалий ишлатиш ва захираlash ҳолати томонидан бўлиниши.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини халқ хўжалиги даражасидаги иқтисодий ўсишнинг интеграл натижаси сифатида миллий даромад шаклида кўриб чиқиш қулай. Бу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, бир хил маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши, ҳар хил илмчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари кўрсатилган омилларда

муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Баъзи омилларнинг ўсишида нафақат иқтисодий ўсиш, балки умуман, минимал ишлаб чиқариш амалга ошмайди.

Бу муносабатнинг даражаси ва охириги умумий маҳсулотнинг ўсиш даражаси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш кўринишлари билан белгиланади.

Ресурсларнинг интенсив ишлатилиши собиқ совет иқтисодиётининг ўсиши турларида асосий белги ҳисобланади. Ресурсларнинг ўсиши ва иқтисодий ўсиш боғлиқлиги қуйдагича фарқланади.

- фонд интенсивлиги ёки меҳнат интенсивлиги;
- фонд сифими ёки меҳнат сифими, шу билан бирга нейтрал.

Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда, макроиқтисоднинг узоқ мудатли ривожланиш моделларини ўз ичига олган турли хил моделлар қўлланилади. Амалиётда маҳсулот кўпайтириш ёки уни мутлақ ишлаб чиқаришда бир ёки бир нечта омилларга таянадиган моделлар иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда кенг қўлланилади.

Иқтисодий ўсиш моделларининг мақсади ишлаб чиқариш динамикаси ва ҳажми ўртасидаги алоқаларни ўрнатишдан иборат (айланма маҳсулот, охириги умумий маҳсулот, миллий даромад). Битта омил кўриб чиқиладиганда бир омилли моделлар қўлланилади. Масалан, ишлаб чиқариш омиллари ва омилли моделларда ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ўсишида кўпгини омилларнинг юзага чиқиши ҳисобга олинади.

Маълумки, бу ерда аргументлар омиллари ва функциялари ўртасидаги алоқа кўринишларини ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, прогнозлашида кўпроқ қуйдаги моделлар ишлатилади:

$$y = a_0 + \sum_{i=1}^n$$

$$y = a_0 + x_1^{a_1} x_2^{a_2} \dots x_n^{a_n} = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i x_i \quad - \text{ тўғри чизиқли}$$

$$y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2} \dots = a_0 \prod_{i=1}^n x_i^{a_i} \quad - \text{ даражали}$$

$$y = a_0 a_1^{x_1} a_2^{x_2} \dots = a_0 \prod_{i=1}^n a_i^{x_i} \quad - \text{ кўрсаткичли}$$

$$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 \quad - \text{ параболлик}$$

$$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2^2 + a_3 x_3^3 \quad - \text{ кўп ўзгарувчили}$$

— даражали ва бошқалар.

Тенглама танлашнинг мезони ўрта квадратли ҳолатларнинг минимуми ёки кўпликдаги корреляция коэффиценти ҳисобланади.

Амалиёт кўрсатадики, иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда кенг танилган даражали функция модели кўпроқ ишлатилади.

11.2 Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда ишлаб чиқариш функцияси иқтисодий - математик модел сифатида

Ишлаб чиқариш функцияси — бу, иқтисодий-математик тенглама бўлиб, ишлаб чиқариш ўсиши билан харажат ўсишининг ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Математик ишлаб чиқариш функцияси турли хил шакилларда бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш натижалари чизиқли боғланишга ўхшаган 1 тадан 8 тагача мураккаб ишлаб чиқариш функциялар бир неча омилларга боғланган даражали функциялардир.

Биргина иқтисодий ўсишнинг омиллари моделлари ишлаб чиқариш объектини прогнозлашнинг системасига, унинг ҳажмита боғлиқ бўлган динамикасига ва бошқа бирор омилнинг динамикасига асосланган. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда асосан даражали

кўринишдаги кўп омилли ч функциялар кенг қўлланилади.

Кўп омилли ишлаб чиқариш функцияларидан икки омилли ишлаб чиқариш функциясини кўриб чиқамиз.

$$y = A_t X_{it}^\alpha X_{2t}^\beta$$

Бу ерда: X_{it}^α - t йилдаги ишлаб чиқариш фондлари;

X_{2t}^β - t йилдаги моддий ишлаб чиқаришга кетган меҳнат харажатлари;

α ва β параметрлари y маҳсулотнинг динамикаси ва ҳажми ўртасидаги боғлиқликни характерлайди ва X_1 ва X_2 ўсишда содир бўладиган y маҳсулотни кўрсатади.

Бунда: $\alpha > 0, \beta > 0$.

A_t параметри ишлаб чиқариш шартларининг ўзгариши ва кутилмаган модел омилларини ҳосил бўлишини ифодалайди.

α ва β катталигига боғлиқлик. Эта ҳолатга эга бўлиши мумкин. Бу ҳолатларнинг ҳар бири иқтисодий ўсишда ўз ўрнига эга:

- 1) $\alpha + \beta > 1$ ишлаб чиқариш омиллари n мартта ўсганда кўрсатади.
- 2) $\alpha + \beta > 1$ ифодаси маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши ишлаб чиқариш омиллари ўсишидан секинроқ бўлади, бунда суммареал кўрсатади. Эффекитивлик пасайиб, деинтенсификация содир бўлишини билдиради.
- 3) $\alpha + \beta > 1$ ифодаси маҳсулот ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш омилларига кетган харажатларга мутаносиб равишда ўсишини билдиради (паст фонд қайтими X_{it} билан қопланади). Мультипликатив ишлаб чиқариш функциясининг афзалликлари қуйдагилардан иборат:

Агар омиллардан биронтаси 0 га тенг бўлса, натижа 0 га интилади. Бу математик ифода бўлиб, кўпгина ишлаб чиқаришда анализ қилинган ҳамма бошланғич ресурслар қатнашади ва бу ресурсларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Иқтисодий ўсишни прогноزلаштиришнинг эконометрик модели қуйдаги кўринишларда бўлиши мумкин:

$$y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2} x_3^{a_3} \quad x_2 = c_0 + c_1 S_1 + c_2 S_2$$

$$x_1 = b_1 + b_2 z_1 + b_3 z_2 \quad x_3 = d_0 + d_1 v_1 + d_2 v_2$$

11.3 Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ўсиш омилларини макроекономик прогнозлаш

Кўриб чиқилган моделлар келажак иқтисодиётидаги функционал алоқаларни етарлича чуқур тушуштиришни талаб қилади. Лекин бошқа кўрсаткичлар билан алоқада бўлмаган алоҳида кўрсаткичларни модел таркибига кириш ёки кирмаслигидан қатъи назар прогноزلаштириш талаб қилинади.

Кўрсаткичлар динамикаси қаторининг ўзгариш тенденциясини излаш турли хил вақтинчалик функциялар ёрдамида ўтказилади. Масалан, бунга охирги умумий маҳсулотни, фондлар қийматини ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Келажакда иқтисодий ривожланиш шароитларини сақлаб қолиш учун вақтинчалик функциялар билан ишлаб чиқариш динамикасини прогноزلаштиришда топилган баҳолар ёки алоҳида омиллар экстраполяция қилиниши мумкин.

Охирги маҳсулот динамикасининг кўрсаткичлари
Йиллар Вақтинчалик функция тенгламалари.

$$t_1 \quad 65,7 \text{ чизиқли } y = 40,2 + 10,8t \quad R = 0,56$$

$$t_1 \quad 72,2 \text{ даражали } y = 33,8 * t^{0,67} \quad R = 0,49$$

$$t_1 78,0 \text{ кўрсаткичли } y = 68,616071'$$

$$t_1 288,5 \text{ паробола } y = 61,9 + 5,04t + 0,30t^2$$

$$R = 0,761$$

кўп ўзгарувчанли 3-даражали

$$y = 54,5 + 8,68t + 0,15t^2 + 0,01t^3 \quad R = 0,763$$

Маълум бўлдики, экстраполяция моделларнинг 5 йилдан 7 йилгача қўлланилиши кўпроқ фойдали ва яхши натижалар беради. Такрор ишлаб чиқариш шароитлари ўзгариш билан бу усуллар узоқ муддатта қўлланилганда аниқлик даражаси камаяди. Стратегик нуқтаи назаридан бу прогнозлаштиришнинг реал жараёнларини орқага суриш чора - тадбирлари каби дисперсиянинг ўсишини аниқлатади. Бундай усулларнинг бири МГУА ва корреляцион анализ усуллари бўлиб, бу усулларда уларнинг шарт - шароитлари кузатилиши шарт.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий ўсиш деганда ишлаб чиқариш қўламининг хал қилиниши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва миллий даромаднинг ўсиши тушунилади.

Иқтисодий ўсишнинг омиллик моделларининг моҳияти маҳсулот ишлаб чиқариш суръати билан хажми орасидаги миқдорий алоқани аниқлашдан иборат.

Иқтисодий ўсишнинг омиллик моделлари ишлаб чиқариш объектини прогнозлаш тизимини, унинг хажмига боғлиқ бўлган динамикасини аниқлаб беради.

Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда кўп омиллик ишлаб чиқариш функциялари кенг қўламда фойдаланилади. Кўрсаткичлар динамикаси қаторининг ўзгариши тенденциясини излаш турли хил вақт функциялар орасида ўтказилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий ўсишнинг омилли назарияси.
2. Иқтисодий ўсиш турлари.
3. Иқтисодий ўсиш моделлари.
4. Ишлаб чиқариш функцияси ва ундан иқтисодий ўсишни прогнозлашда фойдаланиш.
5. Иқтисодий ўсишнинг иқтисодий модели
6. Макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаш.
7. Ўсиш омилларини прогнозлаш.
8. Қандай кўп омиллик иқтисодий ўсиш моделлари билан?

Асосий адабиётлар

- 1 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 2 Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
- 3 Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
- 4 Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
- 5 Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. М.2004. 179с.
- 6 Бабина Ю.В, Москвин В.В. Экономическая география Россия. М.2003. 368с.
- 7 Олейников Е.А. Экономическая и национальная безопасность. М.2004. 383с.
- 8 19. Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной экономики М., Высшая школа,2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
8. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri

9. Методы, модели и системы прогнозирования
регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

- a. <http://www.Biblio.rkrencazarhumanitarianfcicle.htm>
- b. <http://www.vqi.freenet.rtrudydratisviko.htm>
- c. <http://www.Yabloko.rurthemesfbelorusfbelfrus-25.html>

XII боб. ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ КЎТАРИЛИШИ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШ

12.1. Турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш тизимлари

Халқ фаровонлигини аниқловчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омил — бу, турмуш даражаси бўлиб, у кишиларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий талаблари даражасини характерлайди. Эҳтиёжлар ҳаракатини баҳолаш масаласи ижтимоий-иқтисодий жамият тараққиётини прогнозлашда салмоқли ўрин тутди.

Турмуш даражасини аниқловчи ривожланиш талабларини таҳлил қилиш, талаблар таркибида уларнинг тараққиётига таъсир этувчи сезиларли омилларни аниқлаш, сабаб-оқибат ва эҳтиёжлар ҳаракати орасидаги боғланишларни ҳамда акс этган омилларни ўрнатиш, ўтмишдаги талаб-эҳтиёжлар ўзгаришини таҳлил қилиш, ижтимоий тараққиёт ва турмуш даражаси билан ўзаро боғланган прогнозланадиган кўрсаткичларни аниқлаш асосида олиб борилади..

Бу соҳада прогнозлашнинг асосий масаласи энг аввало аҳолининг келажакдаги талаб-эҳтиёжларини ва уларни қондириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Масалан, юқори сифатли ва турли - туман озиқ-овқат маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш, уй-жой ва бошқалар.

Ижтимоий турмуш тарзини ҳар томонлама ва тубдан прогнозлаш муаммоларини қамраб олиш, умумдават турмуши даражасини кўтариш ва ижтимоий ривожланиш прогнозлари тизимини ишлаб чиқиш системанинг ижтимоий турмуш даражасини барча режалаштирилган жабҳаларда кўтарувчи комплекс режалаштиришни ишлаб чиқиш базасидир.

Ижтимоий ривожлантиришни прогнозлаш ва турмуш даражасини кўтариш тизими, умумий боғланишни ва ақлий кетма-кетлик бўйича прогнозлар ишлаб чиқишни таъминловчи комплекс кўрсаткичларга асосланади. Уларнинг энг долзарблари қуйидагича:

- жамиятнинг ижтимоий тузилиши ва аҳоли таркибини ҳамда сонининг динамикасини ифодоловчи (характерловчи) ижтимоий-демографик кўрсаткичлар;
- умумлаштирувчи кўрсаткичлар, турмуш даражасининг кўтарилишини қиймат нуқтаи назаридан аниқлашга имкон берувчи иқтисодий шароит, ҳар бир жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, аҳоли даромадининг структураси ва динамикаси, ресурсларнинг истеъмоли ва уларнинг миллий даромаддаги ҳажми;
- асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг кўрсаткичлари; ноозиқ-овқат товарлари (моллари), аҳоли жон бишига сотиладиган товарлар ҳажми, маданий-маиший жиҳозлар билан оиланинг таъминланганлиги
- уй-жой ва коммунал қулайликлар билан таъминланганлик, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш, болалар, ўқув-профилактик, санатория-дам олиш масканлари, туристик муассасалар кўрсаткичлари.

12.2. Аҳоли эҳтиёжини ва чакана товар айирбошлашни прогнозлаш

Эҳтиёжни ва чакана товар айирбошлаш прогнозлари турмуш даражасининг кўтарилиши ва истеъмол билан чамбарчас боғлиқ. Халқ истеъмоли молларининг прогнозларини ишлаб чиқиш жараёнида олинган натижалар, алоҳида шахсий эҳтиёжларни аниқлашдаги сўнгги босқич ишлаб чиқариш бўлиб, бу ўз

навбатида ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва пропорциясини бошқариш имкониятига; иқтисодий соҳалар ривожланишининг оптимал дастурларини ва унинг гуруҳларини ишлаб чиқишга; чакана товар айрибошлашнинг шаклланишига имкон беради. Талаб деганда бозорнинг товарларга бўлган эҳтиёжи, таклиф деганда эса бозордаги ёки бозорга олиб келиши мумкин бўлган маҳсулот тушунилади.

Халқнинг моддий фаровонлиги оғишмай ўсиши, жамият ва шахсий эҳтиёжларнинг ўсишига олиб келади ва уларни қониқтиришда чакана товар айрибошлаш салмоқли ўрин эгаллайди. Товар айрибошлаш деганда халқ эҳтиёжлари молларини сотиш орқали шахсий пул маблағларига алмашилиши тушунилади.

Талаб ва чакана товар айрибошлашни прогнозлашда, прогнозлаш йўналиши ва унинг характериға кўра, турли усуллар қўлланилади (меъёрий, экстрополяция, эксперт баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил ва бошқалар).

Меъёрий усул озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик таварларнинг истеъмолдаги рационал меъёрини қўллаш асосида, шунингдек, узоқ давр қўланиладиган таварларнинг меъёрий таъминланганлиги асосида ётади.

Маделлаштириш усули чакана тавар айрибошлашни ва эҳтимолий талаб таркибининг миқдорий тавсифсини аниқлашда қўлланиладиган усуллардир.

Регрессион таҳлил усулида озиқ-овқат таварларининг чакана тавар айрибошлашдаги прогноз учун қўлланилишини кўриб чиқамиз. Бошланғич пропорцияси сифатида — аҳолининг реал даромадини оламиз.

X₂- 1000 яшовчи учун дўконларнинг савдо майдони;

X₃- озиқ - овқат таварлари учун нархлар индекси.

Талаб ва чакана товар айрибошлашнинг прогнозлашда чизиqli ва босqичли моделлар qўлланилади.

Бизнинг мисолда моделларнинг умумий qўриниши куйидагича:

$$Y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3$$

$$y = e^{a_0} x_1^{a_1} x_2^{a_2} x_3^{a_3}$$

Мисолни ЭХМда ечиб, куйидаги моделни оламиз:

$$Y = -47,016 + 1,27x_1 - 0,194x_2 + 0,396x_3$$

$$Y = e^{-2,027} x_1^{1,23} x_2^{-0,193} x_3^{0,399}$$

Икки модел ҳам адекват $F_{рас} > F_{таб}$. Бундан танлаб олинган омиллар товар айрибошлашга нисбатан адекват эканлиги кўринади. Прогнозлаш учун энг қулай моделни танлаш корреляция ва детерминант $R = 0,886$ $R = 0,894$ билан амалга оширилади.

Босqичли моделлашда улар нисбатан катта. Шунинг учун у чакана товар айирбошлашнинг прогнозлаш учун танланган. Ҳисоблаш учун кўпроқ яроqli кўриниш куйидагича:

$$L_n Y = -2.027 + 1.23 L_n x_1 - 0.193 L_n x_2 + 0.399 L_n x_3$$

Прогнозлаш қийматларининг омилларини билган ҳолда x_1, x_2, x_3 лар чакана товар айрибошлаш прогнозини аниқлайди. Масалан, прогнозлаш даври сўнггида (йил) x_1 катталиги 116,5 % и ташкил этади, $x_2 = 113,6\%$, $x_3 = 102\%$. Бу қийматларни моделга қўйиб, $L_n y = 4,819$ ёки $y = 123,3\%$ ни оламиз, шунингдек, прогнозлаш даврининг охирига келиб, озиq-овqат маҳсулотларининг чакана товар айрибошлаши 23,5%га ортади, бундан унинг сўмдаги қийматини аниқлаш мумкин.

Ақоли талабини аниқлашнинг бошqа бир усули моделлаштириш усули ҳисобланади.

$$\sum_j a_{ij} x_j = e_i$$

a_{ij} -маҳсулот истеъмолининг миқдори ij - тўлиқ ўсувчи (половозрастной) гуруҳи;

x_j -тўлиқ ўсувчан (половозрастной) гуруҳининг j -қиймати;

v_i - I маҳсулотга бўлган талаб.

12.3. Маиший хизматларни прогнозлаш

Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган энг муҳим соҳалардан бири аҳолига маиший хизмат кўрсатишдир.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, хизмат турлари ва ҳажмларининг орттириш, буюртмаларнинг муддатларини қисқартириш бўйича зарурий тадбирларни ишлаб чиқишда аҳоли талаб этаётган у ёки бу прогнозлар муҳим роль ўйнайди.

Маиший хизматлар учун прогнозларни ишлаб чиқиш услубиётида аҳоли талабини аниқловчи омиллар доирасини аниқлаш мураккаб масаладир.

Талабга таъсир этувчи омиллар аниқ хизмат кўрсатиш гуруҳларига қараб қатор сабабларга боғлиқ. Бу ерда, оиланинг маиший асбоблар, пойабзаллар ва кийим-кечаклар, шунингдек, улар тайёрланган материаллар ва бошқалар билан таъминланганлиги бўлиши мумкин.

Маиший хизмат кўрсатишни прогнозлаштиришда турли усуллариининг қўлланилиши маълум. Энг кўп тарқалганлари меъёрий, экстреляцион, иқтисодий математик моделлаш усулларида.

Меъёрий усул асосида илмий асосланган меъёрлар тизими ётади ва у аниқ бир хизмат турларига келажакда бўладиган талабаларни аниқлашга имкон беради.

Янада кенг тарқалган маиший хизматга бўлган талабни прогнозлайдиган усул корреляцион-регрессион таҳлил усули бўлиб, у ўта аҳамияти қиймат омилларига эга бўлган талабларни шакиллантиради.

Бир омилли моделлар нисбатан содда моделлар ҳисобланади. Масалан, кимёвий тозалаш хизматида бўлган талабнинг даромад тури даражасига боғланиши:

$$Y = a_0 + a_1 X_1$$

Бу ерда: y - аҳоли жон борида йиллик кимёвий тозалаш ҳажми;

a_0, a_1 – тенглама параметрлари;

X_1 – аҳоли жон бошига йиллик даромад, минг сўмда.

Жон бошига йиллик даромдни ва модел параметри прогнозини билиш орқали прогнозлаш давридаги изланаётган хизмат кўрсатиш ҳажминини аниқлаш мумкин.

Кўп омилли моделлар янада мураккаброқдир. Икки омилли моделни мисол келтирамиз.

Фараз қилайлик, кимёвий тозалаш хизматига бўлган талаб ҳажмининг ўсишини X_1 кўрсаткич орқали, жон бошига кийим-кечак, трикотаж маҳсулотларининг товар айрибошлашини (сўмларда) ва аҳолининг умумий сонига нисбатан маълум ёшдаги яшовчилар нисбий вазнининг (x_2) ўсиш прогнозини аниқлаш лозим бўлсин.

Аввало x_1 ва x_2 лардаги боғлиқликни аниқлаш, мезонлар оосида танлашнинг ҳаққонийлигини баҳолаш, кўриб чиқиладиган катталикларнинг ўзаро боғлиқлиги даражасини аниқлаган ҳолда прогнозини олиш лозим.

Чизиқли боғланишлар коэффициентлари қийматларини эътиборда тутиб тенгламани энг кичик квадратлар усулида аниқлаймиз.

Натижада модел қуйидаги кўринишга келади.

$$Y = 6,18 - 0,23x_1 + 0,64x_2$$

Сўнгра чизиқли боғланишлар ва моделнинг адекватлиги мавжудлигини маълум мезонлар орқали аниқлаймиз. Таҳлил чизиқли бўлмаган боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Фараз қиламиз боғланиш босқичли характерга эга:

$$Y = e^{a_0} x_1^{a_1} x_2^{a_2}$$

Олинган моделни янада қулай кўринишга ўзгартириб,

$$Y = -1,045 + 2,073x_1 + 2,671x_2$$

тенглигини оламиз.

12.4.Олий мактабни битирувчи мутахассисларни прогнозлаш

Соғлиқни сақлаш прогнозини ишлаб чиқишда норматив турдаги моделни қўллаш мақсадга мувофиқ. Соғлиқни сақлашни прогнозлаш учун асосий даража ҳудуддаги аҳоли сонини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш меъёрлари прогнозини аниқловчи тенглама ҳисобланади.

Тиббий хизмат кўрсатиш даражасини характерловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагича: касалхоналардаги ўринлар сони; врачлик лавозимлари сони, аҳоли орасида тиббий муассасаларга ташриф буюрувчилари сони, дорихоналар сони, дам олиш муассасаларининг ривожланганлиги.

Масалан, аҳолининг тиббиёт кадрлари билан таъминланганлиги прогноз қийматини аниқлаш керак бўлсин. Буни мураккаб бўлмаган йўл билан ҳал этиш мумкин.

1.Аҳоли сонининг прогнозини ва 1 минг ёки 10 минг кишига меъёрлар асосида тўғри келадиган врачлар сони (шунингдек, йиллар ва мутахассислар бўйича) прогнозини аниқлаш.

2.Мавжуд иқтисодий-математик моделларни қўллаш орқали.

Дорихоналарнинг сони амалдаги меъёрлар асосида мамлакат миқёсида 9 минг кишига 1 дорихона, шаҳарлардан 7 минг кишига 1 дорихона, қишлоқ жойларида ва аҳоли яшаш пунктларида ҳам шаҳарларда

10-50 минг аҳолига 1-10 минг киши

50-100 минг 1-12 минг киши

100-500 1-13

1млн. ва ундан ортиқ 1-20 минг киши

Шунингдек, бу ерда меъёрларни билишимиз ҳам зарурийдир.

Маданиятни тараққий эттириш прогнозлари ва дастурларида маданий-маърифий муассасаларни

(клублар, кутубхоналар, маданият уйлари ва бошқалар) ривожлантириш масаласи қўйилади.

Бошланғич қийматлар қуйидагича:

- маданий муассасалар билан аҳолининг таъминланганлиги;
- шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиш сони;
- шаҳарлар сонининг ўсиши;
- маданий муассасаларнинг моддий базаси ҳолати ва улардан фойдаланиш даражаси.

Таъминланганлик меъёрлари, яъни сақланаётган ҳар минг боғ ёки 1 кутубхонага 700 киши, 1 клуб учун 1000 киши, шунингдек, шаҳар аҳолиси сонига нисбатан хиёбонлар (боғлар) ва бошқалар ҳисобига кўра прогноз амалга оширилади.

Нашр маҳсулотларининг чиқарилиши сони, ўқув юртлари, кутубхоналар талабларига ва бошқаларга кўра, қоғоз ресурслари ҳамда нашриётларнинг қувватини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бу ерда ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи ва айни вақтда аҳолининг нашр маҳсулотларига бўлган талабини қониқтирувчи моделини қўллаш мумкин:

P_i – максимал маҳсулотдаги тайёр харажатлар;

X_i – i турдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми;

l_{aij} – i турдаги қоғознинг ҳар бир маҳсулот учун саъдиёбекистони;

B_i – i маҳсулотга бўлган талаб

$x_i \geq 0$

Қисқача хулосалар

Ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражасини кўтаришни прогнозлашнинг асосий масаласи энг аввало аҳолининг келажакдаги талаб–эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондириш имкониятларини ҳисоблашдир.

Бу соҳа прогнозлари тизимини умумий боғланишни ва мантиқий кетма–кетлик бўйича

прогнозлар ишлаб чиқишни таъминловчи комплекс кўрсаткичларга асосланади.

Эҳтиёжни ва чакана тоовар айирбошлаш прогнозлари турмуш даражасининг кўтарилиши ва истеъмол билан чамбарчас боғлиқ. Талаб ва чакана товар айирбошлашнинг прогнозлашда асосан корреляцион–регрессион таҳлил усулидан фойдаланилади.

Маиший хизматни прогнозларини ишлаб чиқишда мураккаб муаммо бўлиб аҳолини талабини аниқловчи омиллар ҳисобланади.

Тиббиётни прогнозларини тузишда норматив турдаги моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Турмуш даражасини қандай кўрсаткиларифодалайди?
2. Аҳолининг талаб-эҳтиёжи.
3. Чакана товар айирбошлаш прогнози.
4. Маиший хизматларни прогнозлаш моделлари.
5. Олий мактаб тараққиётини прогнозлаштириш.
6. Соғлиқни сақлаш ривожланиш моделлари.
7. Маданиятнинг ривожланиш моделлари

Асосий адабиётлар

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашластириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
- 2 Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.

- 3 Тарассвич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский
Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт
2004г. 654с.
- 4 А.С.Шапкин Экономические и финансовые рынки
осинка, управление, портфель шевеций 3-е изд. М.
изд. «Дашковик» 2004. 544с.
- 5 Н.А.Миклашевская, А.В.Холопов Международная
экономика Ученик МГУ 3-е издание «Дело и Сервис»
2004. 352с.
- 6 Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория
Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
- 7 Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и
фактор развития современной России М. ТЕИС 2004.
726с.
8. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной
экономики.Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html
9. Прогнозирование и планирование в условиях
рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г
Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана
2000

Электрон почта

- a. [http: ff www.
Biblio.rkrcencaztarhumanitarianrcicle.htm](http://www.Biblio.rkrcencaztarhumanitarianrcicle.htm)
- b. [http: ff www. vqi.freenet. rtrudydratitsviko.htm](http://www.vqi.freenet.rtrudydratitsviko.htm)
- c. [http: ff www. Yabloko.rurthemesrbelorusrbelfrus-
25.html](http://www.Yabloko.rurthemesrbelorusrbelfrus-25.html)

XIII боб. ДЕМОГРАФИК ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

13.1. Аҳоли сонини прогнозлашнинг асосий компонентлари ва унга таъсир килувчи омиллар

Демографик прогнозлаш барча комплекс дастурлар учун кўп қиррали асос бўлиб хизмат қилади. Аҳолининг келажакдаги миқдори прогнози яхлит халқ хўжалигини динамикасини прогнозлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Демографик прогнозлар аҳоли ҳаракати ва меҳнат ресурсларининг қайта ишлаб чиқариши меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг даражаси, унинг молиявий ва касбий таркибини қамраб олади. Демографик прогнозлар аҳоли динамикасини унинг жинсий ёш структураси, туғилиш, ҳудудий ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқди. Демографик прогнозлаш оилаларнинг келажак сонини уларнинг ўртача катталиги, аҳоли кўчма оқимларининг интенсивлиги, йўналишлари, фаол меҳнат фаолияти, давомийлиги ва бошқалар тўғрисида прогноз ахборот олиш имкониятини беради.

Демографик прогнозлар асосида жамият эҳтиёжлари ҳажми ва структураси, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими тараққиёти ва бошқалар режалаштирилади. Шу таҳлил демографик прогнозлар ижтимоий тараққиёт ва ҳаёт даражасини ошириш прогнозлари билан изчил боғланган.

Демографик прогнозлашни амалга оширишда усуллари танлаш муҳим жиҳат ҳисобланиб, уларнинг ёрдамида аҳолининг келажакдаги сонини янада аниқроқ белгилаш мумкин.

Аҳоли сонини прогнозлашнинг асосий усулларида бири компонентлар усули ҳисобланиб, унинг моҳияти асосий компонентларнинг келажак динамикаси, яъни

туғилишлар ва ўлишлар сони, ҳудудга кўчиб келишлар ва кўчиб кетишлар сонини жамлашдан иборат. Бутун мамлакат миқёсида аҳоли сонини прогноз қилишда дастлабки икки компонент етарлидир.

Бироқ алоҳида республикалар бўйича аҳолининг келажақдаги сонини ҳисоблашда ички миграция еолдосини ҳисоблаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

«Аҳоли харажати» ни прогнозлашда унинг компонентларига таъсир қилувчи омиллар ёки бошқача қилиб айтганда, туғилиш, ўлим миграцияси даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳолининг келажақдаги сони асосан туғилиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун дастлаб унга қандай омиллар таъсир қилишини ўрганиш лозим. Бу ерда туғилишни оширувчи ва камайтирувчи омилларни алоҳида белгилаш мумкин. Туғилиш даражасини оширувчи асосий омиллар деб одатда, мактабгача тарбия муассасалари ва уй - жой куриш жараёни тарақиётига айтишади.

Танланма тадқиқотлар маълумотларига кўра, 30% га яқин одамлар фарзанд кўришдан ўзини сақлаш сабаблари сифатида яшаш шароитларини кўрсатади.

Мамлакатда йилига реконструкцияни ҳисобга олган ҳолда 2,3 миллион квартира қурилмоқда, аҳоли 2 миллион квартирага эга бўлмоқда (0,3 миллион квартира қариалар талаби ҳисобига.) Мамлакат бўйича иккинчи мартта никоҳга кираётганлар йилига 1,8 миллионни ташкил қилади ва агарда кенгайишлар ва бошқа омиллар бўлмаганда эди ҳозир ёш келин - куёвларга квартиралар берилар эди. Бевосита боғлиқликнинг тарафи йўқ. Масалан, Москва шаҳрида мактабгача тарбия муассасаларига бўлган талаб тўлиғича қондирилган, бироқ туғилиш ўсмаяпти. Мактабгача тарбия муассасаларининг ролини баҳолаб туриб, шунини айтиш мумкинки, кўп оилалар улардан деярли фойдаланилмайди (уларда ёшлар ҳиссаси жуда кам), кам

болали оилаларда эса функционал муассасаларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги никоҳ ва туғилиш ўртасидаги вақт оралиғида (ёки биринчи ва иккинчи фарзанд оралиғида) кўринади.

Омиллар қаторига моддий таминланганликни ҳам қўшиш мумкин. Бу демографик сиёсатнинг бир омили бўлиб, бу нарса бизнинг мамлакатимизда туғилишни оширишга қаратилган (унинг асосий шарти бўлиб болаларни тарбия қилиш харажатларига давлатнинг систематик пуллик ёрдами ҳисобланади.)

Туғилиш пасайишига олиб келувчи омиллар орасида биринчи навбатда аҳоли моддий даражасининг ўсиши ва бунга боғлиқ тарзда эҳтиёжлари ўсишини айтиш лозим.

Замонавий тарақиётнинг барча неъматларини оширишга интилиш янги оила қурганлар режалаштирадиган фарзандлар сони камайишига таъсир қилади (туғилишнинг «антогонистлари» сифатида автомобиль, телевизор ва ҳоказолар ҳисобланади).

Одатда, аёлларнинг жамоат ишларида қатнашувига туғилишнинг камайиш омили сифатида қарашади.

Ўлим омиллари — ўкчадаги ва маиший шикастлар, алкоголизм ва чекиш, атроф - муҳит ифлосланиши, соғлиқни сақлашнинг ривожланмаганлиги ва ҳоказолар.

Бирор ҳудуд аҳолисини прогнозлашнинг муҳим компоненти аҳоли миграцияси ҳисобланади. Аҳоли миграцияси асосан ишлаб чиқариш жойлашуви билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат ресурсларининг ҳудудий тарқалишини кўрсатиб, у иқтисодий ривожланишда акс этади ва ишлаб чиқариш самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади.

13.2 Аҳоли ва меҳнат ресурсларини прогнозлаш

Яхлит ҳолдаги аҳоли прогноз сони ва структураси дастлаб ташқи миграцияни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади, чунки унинг ҳиссаси унча катта эмас, бироқ регионлар учун демографик прогнозлар аҳоли миграциясини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

Миграция нафақат аҳолининг умумий сонига таъсир қилади, балки унинг нисбий ва ёш структурасини ҳам ўзгартиради. Шунинг учун бу омил туғилиш билан бир қаторда асосий омил ҳисобланади. Миграция коэффицентини ҳисоблаш учун дастлаб регион ҳудудининг ҳар 1000 кишисига тўғри келадиган кўчиб келишларнинг ўртача сонига тенг бўлган кўчиб келиш коэффицентини ҳисоблаш лозим. Ҳар 1000 кишига ҳудуддан кўчиб кетиш ва келишлар коэффиценти берилади. Сўнгра кўчиб кетишлар ва келишлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бу фарқ соф миграция коэффицентини ёки миграция соъдоси коэффиценти ҳисобланади. У маданий ёки мусбат ишорали бўлиши мумкин. Кўчиб келувчилар ва кўчиб кетувчилар сони ҳудуднинг жами аҳоли учун ҳисоблангани каби ҳар бир жинси ёки гуруҳлар учун алоҳида ҳисобланади. Миграцияни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини прогнозлаш икки босқичда амалга оширилади.

1 - босқичда аҳоли табиий ўзгариши прогнозлаш усули асосида амалга оширилади. Масалан, икки омил туғилиш ва ўлимнинг таъсирини ҳисобга олиб корреляцион анализ ёрдами.

Аҳолининг жинсий ёш таркиби учун ёшнинг силжиши методидан фойдаланилади. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, аҳоли сонини юзага келган ёш ва жинсий структурадан келиб чиқиб жинс ва ёш бўйича ҳисоблашда кутилаётган туғилиш ва ўлим даражалари мос равишда қўшилади ва айрилади.

2-босқичда ҳосил қилинган аҳоли сонига (умумий ёки жинсий ёш) миграция таъсиридан тузатишлар киритилади. Бунинг учун аҳоли сони соф миграция коэффициентига кўпайтирилади ва ишорасига қараб ҳисобланган тузатма катталиклар биринчи босқичда топилган умумий аҳоли сонига қўшилади ёки айрилади.

Демографик прогнозлашнинг етакчи ўринларидан бири меҳнат ресурслари сонининг перспектив баҳоланиши ҳисобланади. Унинг негизи аҳолининг жинсий ёш структураси бўйича сонининг прогнози саналади, бунинг асосида меҳнатга лаёқатли 16—55 (59) ёшдаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Прогнозлашда энг аввало меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг барча томонларини қамраб олувчи мавжуд (ёки юзага келган) қонуниятлар ва пропорциялар (уларнинг шаклланиши, такомилланиши ва қўлланилиши) бўйича ўрганиш лозим. Буларнинг барчаси шунга мувофиқ статистик ёки бошқа ахборот тўпланишини талаб қилади.

Аҳоли сонини прогнозлашда экстраполяция ва математик моделлаш усуллари кенг қўлланилади.

Эммиграция усули асосида динамик қаторлардан фойдаланган ҳолда аҳоли ҳаракатининг турли компонентлари прогнозлари аниқланади. Бу прогноз ўрта ва узоқ муддатли давр учун яратилади. Ҳозирги пайтда математик моделлаш усуллари ва биринчи навбатда омилли анализ усули кенг қўлланилмоқда.

Аҳоли сонини прогнозлаш модели тенгламалар тизими кўринишида тузилади.

$$Y = a_0 + a_1 x_1 - a_2 x_2 + a_3 x_3$$

Бу ерда: x_1 — туғилиш, x_2 — ўлим, x_3 — миграция.

$$X_1 = b_0 + b_1 z_1 + b_2 z_2 + b_3 z_3 \dots$$

$$X_2 = c_0 + c_1 z_1 + c_2 z_2 + c_3 z_3 \dots$$

$$X_3 = d_0 + d_1 z_1 + d_2 z_2 + d_3 z_3 \dots \text{ ва ҳоказолар}$$

Қисқача хулосалар

Демографик прогнозлар аҳоли ҳараки ва меҳнат ресурсларининг қайта ишлаб чиқарилиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг даражаси , унинг молиявий ва касбий таркибини қамраб олади.

Демографик прогнозлар оилаларнинг келажак сонини, уларнинг ўртача катталиги, аҳоли кўчма оқимларининг интенсивлиги, йўналишлари, акатив меҳнат фаолияти, давомийлиги ва бошқалар тўғрисида прогноз ахборот олиш имкониятини беради.

Яхлит ҳолдаги аҳолини прогноз сони ва тузилмасини дастлаб ташқи миграцияни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади, чунки унинг ҳиссаси унга катта эмас, бироқ регионлар учун демографик прогнозлар аҳоли миграциясини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли сони ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Туғилишни пасайтиришга таъсир этувчи омиллар.
3. Ўлим даражасини пасайтиришга таъсир этувчи омиллар
4. Демографик прогнозни асосий тузилмалари.
5. Демографик прогнозлашнинг асосий моделлари.
6. Аҳолининг жинсий, ёш таркибини прогнозлаш.
7. Аҳоли сонини прогнозлаш.
8. Меҳнат ресурсларини прогнозлаштириш омиллари.

Асосий адабиётлар

- 1 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш »
Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.

2 Тарасевич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский
Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт 2004г.
654с.

3 Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория
Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.

4 Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и
фактор развития современной России М. ТЕИС 2004.
726с.

5 Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика
1,2 М. 2004 349с.

6 Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд.
М. 2004. 376с.

7 Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории
статистика М. 2004.

Парсаданов Г.А, Егоров В.В., Прогнозирование
национальной экономики. Учебное пособие М., 2001

1bir.com.ru/book-22152253.html

8. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование
национальной экономики М., 2002

www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html

Электрон почта

a.WWW. economyta - culty. uz.

b.http: ff www. vqi.freenet. rtrudydratisviko.htm

c.http: ff www. Yabloko.rurthemesrbelorusrbelfrus-25.html

XIV боб. ТАРМОҚНИ ПРОГНОЗЛАШНИНГ ТАМОЙИЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

14.1. Тармоқни иқтисодий прогнозлашнинг аҳамияти ва объектлари

Жамият ишлаб чиқаришининг фаолият юритиш жараёнида хўжаликни бошқаришнинг етакчи бўғини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (ИИР) дастуридир. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва бутун халқ хўжалиги самарадорлиги ва ривожланиш кўп жиҳатдан айнан шу дастурнинг қанчалик асосланганлигига боғлиқ. Унинг дастлабки муҳим асосини тармоқлар иқтисодий прогнозлари ташкил қилади. Улар тармоқларнинг ривожланиш тенденциясини ва келажадаги истиқболини тавсифлайди. Тармоқни иқтисодий прогнозлаш объектининг ўтмишдаги, ҳозир ва келажадаги ҳолати, ривожланишининг муқобил йўллари ёки бошқарув қарорларининг бўлиши мумкин оқибатлари ҳақида керакли ахборот беради ва шу орқали халқ хўжалиги тармоқларини бошқариш даражасининг ошишига имкон яратади.

Тармоқнинг иқтисодий прогнозлаши ишлаб чиқариш муаммолари кўламида - тармоқ ва тармоқлараро кўриб чиқилади. Улар бир-биридан ҳам тадқиқот объекти, ҳам ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади бўйича фарқ қилади. Тармоқ кўламида тармоқ унга кирадиган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг мажмуаси сифатида кўриб чиқилади. Бу ерда прогнознинг вазифаси тармоқ (унга кирувчи кичик тизимлар сифатида) фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва олинган натижаларни тармоқнинг кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, ундан

фойдаланиш ва тизимни ҳамда уни бошқариш тузилмасини мукаммаллаштириш бўлади.

Тармоқлараро (халқаро) кўламда тармоқ бир бутунликда кўриб чиқилади. Бу кўламда прогнозлаштиришда асосий эътибор тармоқ прогнозларининг ўзаро муваффақиятига, халқ хўжалиги ривожланишининг баланслаштирилган прогнозини ишлаб чиқишга қаратилади. Шундай қилиб, тармоқлараро кўламда прогнозлаштириш асосан халқ хўжалигини прогнозлаштириш воситаси сифатида чиқади.

Тармоқни иқтисодий прогнозлаштириш объектилари қуйидагилар:

- тармоқда илмий-техник тараққиёт;
- халқ хўжалигининг тармоқ маҳсулотларига талаблари;
- тармоқнинг ишлаб чиқариш ресурсларига талаби;
- тармоқнинг ишлаб чиқариш имконияти, унинг шаклланиши ва ишлатилиши;
- тармоқда хўжалик жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришни такомиллаштириш;
- тармоқнинг халқаро алоқалари ва уларнинг ривожланиши.

Тармоқни иқтисодий прогнозлашнинг бошланғич асоси илмий-техник тараққиёт, бошқа барча соҳалар ва тармоқ фаолияти турлари ривожланишининг ҳам суръатлари, ҳам йўналишларини маълум даражада аниқлаб беради. Прогнозлар илмий-техник тараққиётнинг махсус йўналишлари бўйича ишлаб чиқилади: ишлаб чиқаришнинг мажмуавий механизациялашиши ва автоматизациялашиши, электрлашиши, химиялашиши.

Илмий-техник тараққиётни прогнозлашда муҳим роль, шунингдек, унинг функционал йўналишларига, шу жумладан, илмий-техник янгиликларни (техника ва технологияларни, янги маҳсулот ва материалларни, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ва ҳоказо) илмий-тадқиқот ишлари (фундаментал, амалий, тажриба-

конструкторлик ишлари) ва бошқаларни прогнозлашга тегишли.

Тармоқни прогнозлашнинг аниқса мураккаб ва масъулиятли қисми тармоқ маҳсулотига талабни аниқлаш ҳисобланади. Бу соҳада прогнозлаш асосини халқ хўжалигининг аниқ маҳсулотга бўлган талабининг кўриниши ташкил қилади. Бунинг учун бу соҳада ҳам халқ хўжалигининг, ҳам тармоқнинг ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларини ҳар томонлама таҳлил қилиш керак. Шунингдек, бу ерда тармоқ маҳсулотига бўлган жамият талабининг қондирилиш даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражаси белгиланиши лозим. Қондирилиш даражаси асосан маҳсулот ҳақиқий истеъмолининг оқилона меъёрига нисбати сифатида аниқланади. Самарадорлик даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омилларидан фойдаланишни тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизими қўлланилади.

Булар меҳнат унумдорлиги сифими, капитал қўйилмалар қайтими кўрсаткичи ва бошқалар.

Кейинги муҳим қисм ишлаб чиқариш ресурсларининг прогнози ҳисобланади. У меҳнат ва материал ресурсларга, асосий фондларга ва ишлаб чиқариш капитал қўйилмаларига талабни аниқлашни қамраб олади. Бу прогнозларнинг ҳаққонийлик даражасига тармоқда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари ва масштаблари боғлиқ.

Тармоқ маҳсулотига халқ хўжалиги талабининг кўриниши унинг маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларига мос келиши керак. Бунинг учун тармоқнинг ишлаб чиқариш имконияти ва ундан фойдаланиш даражасини билиш зарур. Бу кўрсаткич прогнозлаш тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватини ва ундан маълум даврда фойдаланишнинг мумкин бўлган даражасини аниқлашга асосланади.

Тармоқни иқтисодий прогнозлаш қуйидаги даражаларга бўлиниши мумкин:

- а) алоҳида тармоқ ривожланишини прогноزلаш;
- б) бир қанча ўзаро боғлиқ тармоқларни бир вақтда прогноزلаш;
- в) барча тармоқларни халқ хўжалигининг кенг тармоғи доирасида бир вақтда прогноزلаш.

Прогнозлашнинг умумий масласи ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнлар (бизда тармоқлар) ривожланишининг асосий йўналишларини ва унинг амалга ошиш муддатларини аниқлаш ҳисобланади. Илмий иқтисодий изланиш сифатида тармоқни прогноزلаш асосан амалий характерга эга ва тармоқ ҳамда унга кирувчи ишлаб чиқариш бирликлари ривожланиши истиқболининг миқдор ва сифат баҳоларини олишга йўналтирилган. Бу баҳолардан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

14.2 Тармоқ прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш

Тармоқ иқтисодий прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш бир қатор муҳим принципларга амал қилишга асосланган. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Тармоқни ва халқ хўжалигини прогноزلашнинг ўзаро боғлиқлиги. Бу боғлиқлик бутун бир халқ хўжалиги ва уни ташкил қилувчи тармоқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатлар хусусиятларини акс эттиради.

Бир томондан, тармоқларнинг ривожланиши халқ хўжалиги умумий ҳолати, унинг ривожланиш мақсад ва масалаларига боғлиқ ва улар билан аниқланади, яъни миллий маҳсулот, шахсий истеъмол ва бошқаларнинг ўсиш суръатларига боғлиқ. Бошқа томондан, ҳар бир тармоқ ундаги ривожланиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси билан аниқланадиган ўзига хос қонуниятлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хусусиятлари, қўлланилаётган техника ва технологиялар

ва бошқа омилларга мувофиқ ривожланади. Тармоқнинг бу қисмида ишлаб чиқариш, ўз навбатида, халқ хўжалигига қайта таъсир қилишни ўз ичига олади, унинг ривожланишида муҳим омил бўлади. Бу ўзаро кўриниш иқтисодий прогнозлашни ташкил қилишининг ўзида муайян қиёфага эга бўлади ва

х/х —тармоқ -х/х -тармоқ

схемаси бўйича амалга оширилади. Бу шунини билдирадики, тармоқни прогнозлашнинг бошланғич пайти бутун халқ хўжалиги ривожланишининг мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Ўз навбатида, шу асосда тузилган тармоқ прогнозлари халқ хўжалиги прогнозларини ёритиб бериш учун хизмат қилади, қайсики улар кейин тармоқ прогнозларини аниқлаш учун ишлатилади.

2.Иккинчи принцип прогнозлашнинг узлуксизлигидан, тармоқ прогнозларини аниқловчи омилларда жиддий ўзгаришлар бўлиши билан уларни (тармоқ прогнозларини) мунтазам коррективка қилиб боришдан иборат. Бу принципга мувофиқ прогнозлар халқ хўжалиги дастурларининг бажарилиши жараёнида юз берадиган янги ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда доимо такомиллашиб бориши керак. Прогнозлашнинг узлуксизлиги дастурлар бажарилишини, қабул қилинаётган хўжалик қарорлари оқибатларини истиқболий баҳолашларни мукаммаллаштириш учун ҳам зарур.

3.Учинчи принцип тармоқ прогнозларини ишлаб чиқишнинг услубий асоси ягоналигидан иборат. Бу принцип барча тармоқларда иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишга ягона ёндашуви, тармоқ прогнозларининг бир-бирига мос келишини тақозо қилади.

4.Прогнозлашнинг тўртинчи принципи иерархия ўрнатишдан, прогнозлашнинг алоҳида турлари ва йўналишлари бўйсунушидан иборат. Бу шунини билдирадики, масалан, тармоқ маҳсулотига талабни прогнозлаш тармоқда ишлаб чиқариш масштаблари ва

таркибларини прогнозлашдан олдин бўлиши керак ва ҳоказо.

14.3. Тармоқни прогнозлашнинг услубияти

Тармоқни прогнозлашнинг услубияти икки ёндашувга асосланади:

- меъёрли;
- қидирувли.

Меъёрли ёндашув асосини халқ хўжалиги масалаларидан келиб чиқиб ривожланиш мақсадининг қўйилиши ташкил қилади. Бундай мақсадлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- тармоқ маҳсулотига жамият талабини тўла қондириш;
- ишлаб чиқариш самарадорилигини ошириш;
- экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтириш ва бошқалар.

Қидирувли ёндашув тармоқ ривожланишидаги тенденциялар ва кўринишлар қонуниятларини ўрганишдан таркиб топади. Бундай ёндашувдан мақсад шундай ривожланиш даражасини аниқлашдан иборатки, қайсики унга тармоқда прогнозлаш даври бошида юзага келган қонуниятларни келажакда сақлаб қолиш натижасида эришиш мумкин.

Икки ёндашувнинг услубий ягоналиги тармоқ прогнозини ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқичлари кетма-кетлигини аниқлайди:

1. Тармоқ ривожланишини ўтган ва ҳозирги давр учун тасвирлаш ва таҳлил қилиш, қабул қилинган режа қарорлари натижаларини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда.
2. Қидирувли ёндашув асосида тармоқ ривожланишининг асосий йўналишларини прогнозлаш.
3. Тармоқ ривожланишининг мақсад ва асосий вазифаларининг қўйиш, асосий йўналишларини меъёрли ёндашув асосида прогнозлаш.

4. “Узилиш”ларни кўринтириш, уларни таҳлил қилиш ва ривожланиш муаммоларини қўйиш. Муаммоларни ечиш йўллари ва улар асосида тармоқ ривожланишининг вариантларини ишлаб чиқиш.

5. Ривожланиш вариантларини танлаш ва тармоқлараро баланс учун бошланғич ахборотларни ишлаб чиқиш.

Биринчи босқични амалга оширишда етакчи роль тадқиқ қилинатган даврда тармоқ ривожланишининг қонунчилик тенденциясига, унинг унга таъсир қилаётган омиллар билан алоқаларини аниқлашга мансуб.

Тармоқни иқтисодий прогнозлашни барча ташкил қилишларининг бош элементи прогнозлашни унинг асосий йўналишлари бўйича бевосита ўтказишни ўз ичига олувчи иккинчи ва учинчи босқичлар саналади. Бу жараён, ўз навбатида, бир қанча босқичлар (даврлар) таркиб топади.

1. Прогнозни ишлаб чиқишга вазифани шакллантириш (прогнозлашдан олдинги тадқиқот даври);

2.Объектни прогнозлаш;

3.Прогнознинг ҳаққонийлигини баҳолаш.

Қисқача хулосалар

Хўжаликни ижтимоий–иқтисодий ривожланишини прогнозлашда тармоқ иқтисодий прогнозлари муҳим роль ўйнайди.

Тармоқнинг иқтисодий прогнозларини ишлаб чиқиш муаммоси икки даражада: тармоқ ва тармоқлараро кўриб чиқилади, улар бир биридан ҳам тадқиқот объекти ҳам ишлаб чиқиришни бошқариш мақсади бўйича фарқ қилади.

Тармоқ иқтисодий прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш бир қатор муҳим тамойилларни бажаришга асосланади.

Тармоқ прогнозларини методологияси норматив ва излашув ёндашувларга асосланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тармоқни прогнослаш тушунчаси.
2. Тармоқни ривожланиши прогнозининг аҳамияти.
3. Тармоқни прогнослашнинг объектлари.
4. Тармоқ тузилиши.
5. Тармоқни прогнослашнинг ташкилий масалалари.
6. Тармоқни прогнослаш услубияти.
7. Прогнозлаштиришда тармоқлараро боғлиқликни қандай ҳисобга олиш мумкин?

Асосий адабиётлар

- 1 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 2 Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
- 3 Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и фактор развития современной России М. ТЕИС 2004. 726с.
- 4 Б.М.Накрязекий Мировая экономика М. «Международные отношения» 2004. 424с.
- 5 Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
- 6 Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
- 7 Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
7. Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной экономики М., Высшая школа,2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?id=67661
8. Парсаданов Г.А, Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001
1bir.com.ru/book-22152253.html

9. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование национальной экономики М., 2002
www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html

Электрон почта

- a. [http: ff www. vqi.freenet. ftrudydratisviko.htm](http://www.vqi.freenet.ftrudydratisviko.htm)
- b. [http: ff www. Yabloko.rurthemesrbelorusbelfrus-25.html](http://www.Yabloko.rurthemesrbelorusbelfrus-25.html)
- c. [http:FFwww.vqi.freenet.lczftrudydratisviko.htm](http://FFwww.vqi.freenet.lczftrudydratisviko.htm)

XV МАВЗУ. ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ

15.1. Тармоқдаги маҳсулот талабини прогнозлаш

Тармоқ иқтисодий ривожланишини прогнозлаш учун аввало ўша тармоқнинг маҳсулотга бўлган узоқ муддатли талабини аниқлаш керак.

Талаб (эҳтиёж)ни прогнозлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Прогноз объектини белгилаш.
2. Прогноздан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
3. Прогнозлаш вақтини аниқлаш.
4. Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш.
5. Ретроспектив маълумот тўплаш.
6. Прогнозлаш усулини танлаш.
7. Тармоқнинг маҳсулотга бўлган эҳтиёжи (талаби) бўйича модел ва ҳисоб ишлаб чиқиш.

Талаб ишлаб чиқариладиган ва ишончлиб чиқариладиган шаклда бўлади. Ҳар бир йўналиш ҳисоб-китоб қилинадиган, талаб аниқланадиган тармоқ ва ишлаб чиқариш гуруҳларига ажратилади. Талабнинг аниқланиши учун турли хил усуллардан фойдаланилади. Булар норматив усул, оддий-ўртача усул, экстраполяция усули, морр-регресс усул ва бошқалар.

Норматив усул билан талаб аниқланишида энг асосийси нормативларнинг аниқланишидир. Огоҳлантиришдан келиб чиққан ҳолда буларнинг қисқа давр ичида илмий асосланган талаб нормативлари асос қилиб олинади. Узунроқ давр учун нормативларнинг ўзи

энг аввало илмий - техникавий ривожланиш, ишлаб чиқариш структураси ва бошқа кўпгина омиллар таъсирида функциялар сифатида ўртага чиқади. Нормативлар аниқланганда маҳсулот талабини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

$$\sum_{i=1}^n a_{ij} - B_i = \prod_i \text{ талаб (эҳтиёж)}$$

A_{ij} -талаб нормаси ij маҳсулот, i талаб

B_i - i талаб

Қисқа муддатли прогнозлашда баъзан оддий-ўртача усул ҳам ишлатилади. Бу усулда талаб ўтган йиллардаги реализация ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бу усулда кўриб чиқиляётган давр ичидаги реализация ҳажмлари қўшилиб, даврлар сонига бўлинади:

$$\prod = \sum_{j=1}^m \prod_j / n \quad \prod_t = \prod_{t-1} + \prod$$

Прогнозлаш усуллари ичида энг аниғи 5 йиллик прогнозлаш усули бўлиб экстраполяция усули ҳисобланади. Ушбу усул қуйидагича кўрсатилади:

Йиллар	Улар №	y Қ	ty	t ²	Y ҳисоб,	y-y	$\frac{y - y}{y} 100$
							Прогноз маълумотларининг аниқлик даражаси

$$\sum \frac{-y}{y} 100\% \text{ - прогноз хатоси.}$$

15.2. Ишлаб чиқариш ресурслари талабини прогнозлаш

Тармоқнинг узоқ муддатли (перспектив) талаби, ҳажми ва ишлаб чиқариш структурасини белгилашда улар учун керали бўлган хом ашё, меҳнат ва молиявий ресурсларни прогноз қилиш керак.

Ушбу талаб ҳисобининг асосини тармоқ маҳсулот бирилиги, ресурс ҳажми, меҳнат ҳажми ва жамғарма ҳажми каби кўрсаткичлар (коэффициент) ташкил этади. Ҳисоботлар натурал ҳамда қиймат шаклида кўрсатилади.

Тармоқнинг хом ашё ресурсларига талаби маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун керакли моддий ресурсларнинг қиймат шаклидаги харажатларини ўз ичига олади.

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} x_j = B_i$$

Прогнозлаш даври ичида L_1 тармоғида маҳсулот бирлиги учун меҳнат харажатиининг камайтирилганлиги ҳисобланиши:

$$L_1 = L_0 E$$

L_0 - маҳсулотнинг базавий меҳнат ҳажми (саноатдаги меҳнат ресурсларининг ўсиш шароитида ПТнинг ошиб кетиши муаммоси муҳим аҳамият касб эта бошлайди)

Бу ҳолда ишчи кадрларга бўлган талаб

$$T_1 = L_1 X_1$$

X_1 - прогноз қилинаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми.

Меҳнат ресурсларига бўлган талаб прогнози прогноз кўрсатувчиларига боғлиқ. Маҳсулот меҳнат ҳажми ва ПТ саноатдаги меҳнат ресурсларининг ўсиш шароитида ПТнинг ошиб кетиши муаммоси муҳим аҳамият касб эта бошлайди.

$$PT = \frac{T}{T + T_3}$$

Режалаштирилаётган-ПТ нинг ўсиши %.

Т₃- қўлланиши мумкин бўлган ишчилар сони;

Т-прогноз даврида базис ишлаб чиқаришни соҳалашда ПППнинг кўрсаткичи.

Птнинг ўсиши суръатлари асосида Е маҳсулотига бўлган меҳнат харажатларининг 1000 сўмга камайиши кўзланмоқда.

$$E = 1 - \frac{ПТ}{100 + ПТ} ёки F = \frac{100}{100 + ПТ}$$

Қисқача хулосалар

Тармоқни ривожланишини прогнозлаш учун унинг маҳсулотига келажакда эҳтиёжни аниқлаш лозим. Эҳтиёжни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш турларига ажратилади.

Ишлаб чиқариш ресурсларига эҳтиёжни прогнозлаш асосида тармоқни бир бирлик маҳсулотини ресурс сифимини прогнозлаш ётади. Ҳисоблар натурал ва қиймат кўрсаткичларида олиб борилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тармоқни прогнозлашнинг таркиби.
2. Тармоқ маҳсулотига талабни прогнозлаш.
3. Талабни прогнозлаш жараёни.
4. Истеъмол меъёри.
5. Ресурсларга талабни прогнозлаш.

Асосий адабиётлар

- 1 Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 2 Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд «АСА» 2003. 357с.

- 3 Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
- 4 Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
5. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html
6. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000
7. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri
8. Методы, модели и системы прогнозирования регионального развития учебное пособие М. 2003

Электрон почта

- a. <http://www.Biblio.rkrcencaztarhumanitarianrcicle.htm>
- b. <http://www.vqi.freenet.rtrudydratisviko.htm>
- c. <http://www.Yabloko.rurthemesfbelorusfbelfrus-25.html>
- d. <http://www.vqi.freenet.lezrtrudydratisviko.htm>

XVI бoб МИНТАҚАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ.

16.1. Минтақавий хўжалик ва минтақавий иқтисодиёт

Минтақавий хўжалик бутун бир хўжалик, иқтисодий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий комплекс бўлиб, у республика, вилоят, автоном округ ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, уюшмаларнинг бўйсунуш ва тармоқларининг таркибидан қатъий назар шаклланади.

Барча саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш қурилиш, транспорт, алоқа ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларни 3 та катта бўйсунуш гуруҳига ажратиш мумкин:

- 1) Марказий
- 2) Муниципал ва маҳаллий.

Бир томондан минтақавий бошқарув тизимининг асоси бўлган, иккинчи томондан (бўйсунуш даражасига кўра) корхона ва ташкилот бўлган маҳаллий органлар ўртасидаги муносабат маҳаллий органларга тўлиқ бўйсунушдан то шу органлар томонидан алоҳида функцияларнинг бошқарилишигача фарқланади.

Бошқарув шакли ва бўйсунуш шаклидан қатъий назар маълум минтақада жойлашган ҳамма корхона ва ташкилотлар ер, ўрмон ва сув ресурслардан фойдаланиш, табиат муҳофазаси, санитария, ёнғинга қарши, ҳукукий, ижтимоий, маиший меъёр ва қоидалари масалалари бўйича маҳаллий бошқарув органлари рақобати остида бўлади.

Ҳудудий бошқарув органлари шу ҳудудда жойлашган барча корхоналар томонидан амалга ошириладиган уй ва ижтимоий-маданий қурилиш, маҳаллий йўллар қурилиши, халқ истеъмол моллари ва

озик-овқат ишлаб чиқариш устидан назорат олиб боради. Минтақавий даражада тартибга солишнинг объектлари куйидагилар ҳисобланади: давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни, аҳоли ва корхоналарни солиққа тортиш, маҳаллий бюджетларни шаклланиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва бошқалар.

Охирги йилларда Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсатини шакллантириш бўйича иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда минтақавий сиёсат деганда мамлакат минтақаларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиши бўйича давлат ҳукумат органларнинг мақсад ва масалаларнинг тизими ҳамда уларни амалга ошириш механизми тушунилади.

Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг асосий мақсадлари куйидагилар:

1) Ўзбекистонда федерализмнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини таъминлаш, ягона иқтисодий ҳудудни яратиш;

2) Минтақаларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар ягона минимал ижтимоий стандарт ва аҳолини тенг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш;

3) Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларини тенглаштириш;

4) Атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш ҳамда ифлосланиш оқибатларини йўқотиш, минтақаларни комплекс экологик ҳимоялаш;

5) Жуда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган минтақаларни устивор ривожлантириш;

6) Минтақаларнинг табиий-иқлим хусусиятларидан максимал фойдаланиш;

7) Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва кафолатларни таъминлаш.

16.2. Минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлаш услубияти.

Охирги йилларда минтақалар даражасида қисқа ва ўрта муддатли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини тузиш бўйича иш олиб борилди ва олиб борилмоқда.

Бундай прогнозлашнинг услубий шарт-шароитлари бўлиб қуйидаги ҳолатлар ҳисобланади:

1) минтақа-умумий жамият ишлаб чиқариш тизимининг бир алоҳидабўлаги бўлган ва бир неча миқдор маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш воситасида аниқ бир халқ хўжалик функциясини бажарадиган кичик бир тизимни ифодалайди;

2) минтақанинг иқтисодий фаолият кўрсаткичларининг пасайиши бутун жамиятнинг ишлаб чиқариш тизими ёки ижтимоий-иқтисодий тизими фаолиятида негатив ўзгаришларга олиб келади.

3) Маълум муддатгача берилган минтақа иқтисодий тизим фаолияти натижасининг зарур даражасини минтақа ривожланишида ҳосил бўлган инерцион тенденциялар шароитида таъминлаш мумкин эмас.

4) Мавжуд ҳудудий бошқарув тизими доирасидаги минтақа иқтисодий тизими фаолият режимини берилган муддатда яхшилаб бўлмайди. Бу ҳоллардан келиб чиққан ҳолда минтақавий-иқтисодий ривожланиш прогнознинг ишлаб чиқарилиш схемаси, таркиби ва асосий босқичлари аниқланади. Прогнозни тузиш жараёни ўз ичига учта блокни олади: аналитик, концентуал ва прогнозли.

Аналитик блок доирасида берилган ҳудуднинг ички боғлиқлигини ўрганиш, тизимнинг бутун фаолият самарасини аниқловчи минтақа тизими иқтисодий ядроси ва ишлаб чиқаришни аҳамиятли тузилмавий алоқаларни аниқлаш зарур.

Бу минтақанинг меҳнат тақсимооти тизимида асосий функцияни бажарувчи минтақа хўжалигининг

халқаларини аниқлаш имкониятини беради. Ундан ташқари, бутун мамлакат иқтисодиёти таркибида минтақанинг ривожланиши тенденцияларини кўриб чиқиш лозим. Бу умумий ишлаб чиқаришни айти вақтдаги боғлиқлик даражасини ва келажакдаги минтақавий иқтисодиёт фаолиятига боғлиқлигини кўрсатади.

Концептуал блок доирасида изланишларнинг асосий таркиби-минтақа олдида турган иқтисодий ва ижтимоий минтақаларни ҳисобга олган ҳолда минтақа иқтисодий тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқаришдир.

Минтақа ривожланишининг концепциясини ишлаб чиқаришда иккита асосий босқични ажратиш мумкин:

1) мавжуд муаммолар ечимига йўналтирилган мақсадларни шакллантириш ва уларни аниқ масалалар кўринишида конкретлаштириш;

2) иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устун мақсад ва йўналишларини аниқлаш ва шу асосда минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқариш.

Айти минтақада ривожланишнинг мақсад, конкрет муаммолар, омилларнинг ўзига хослиги бу масаланинг ечимини умумлаштиришга йўл қўймайди. шу билан бирга барча минтақаларга хос бўлган катор мақсад ва масалалар мавжуд. Булар:

- 1) ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- 2) ривожланган бозор муносабатларни шакллантириш;
- 3) комплекс ижтимоий масалаларни ечиш;
- 4) атроф-муҳитни ҳимоялаш ва бошқалар.

Прогнозли блок доирасида асосий масала бўлиб келажакда минтақавий иқтисодий тизим ривожланишининг кўрсаткич ва миқдор параметрларини аниқлашдир. Бунда 3 хил прогнозлар ишлатилади: умуман минтақавий иқтисодий тизим ривожланишининг умумиқтисодий алоҳида ишлаб чиқариш ва тармоқлар ривожланишининг прогнозлари; минтақаларнинг алоҳида

маъмурий ҳудудий бирликлар (шаҳар, район ва бошқалар)нинг ривожланиш прогнозлари.

Кўрсатилган прогнозларни тузишнинг асосий усули бўлиб – бу келажақдаги ривожланиш сценарийсини тузишдир. Бу сценарийларда минтақавий иқтисодий тизим ва унинг тузилмаларининг келажақдаги ривожланиши, тизимнинг бошқа тизимлар билан ўзаро алоқалари эҳтимоллигини кўрсатилади, турли хил омил ва шароитларнинг мослиги шароитида минтақа иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари аниқланади.

Сценарийларнинг бутун йиғиндиси 3 хил гуруҳга ажратилади:

- 1) умумиқтисодий ривожлантириш сценарийси;
- 2) алоҳида ишлаб чиқариш ва тармоқлар ривожланишининг сценарийси;
- 3) минтақанинг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар ривожланишининг сценарийси.

Минтақанинг умумиқтисодий ривожланиш сценарийларидан 3 та гуруҳини ажратиш мумкин:

- 1) минтақа тизимда ишлаб чиқариш тармоқларига таъсир кўрсатувчи ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожланиш шароитлари билан аниқланадиган сценарийлар;
- 2) ишлаб чиқариш ривожланишининг ички минтақавий омиллар билан аниқланадиган сценарийлар бўлиб, улар орасида энг муҳимлари: тузилмавий ўзгаришлар, молиявий ва табиий ресурслар билан таъминланганлик, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўрсаткичлари ва бошқалар;
- 3) алоҳида минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини прогнозлашда тармоқли ёндашувни ривожланишини прогнозлашда тармоқли ёндашувни сақлаган ҳолда шаклланадиган шароитларни ўз ичига олувчи минтақанинг умумиқтисодий ривожланиш сценарийлари. Алоҳида ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг ривожланиш сценарийларини тузишда шуни унутмаслик керакки,

турли хил тармоқ гуруҳлари учун ривожланиш шароит ва омилларининг мослиги ҳар хил бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг бутун йиғиндисини келажакдаги ривожланиш омиллари ва шароитларнинг мослиги нуқтаи назаридан бир хил таркибдаги гуруҳларга ажратиш зарур:

- 1) халқ хўжалик ихтисослашуви тармоқлари;
- 2) минтақавий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар;

иккала тармоқ гуруҳлари учун ривожланишнинг икки вариант сценарий ёки прогнозини ишлаб чиқариш лозим: қидирув ва меъёрий.

Биринчи турдаги прогнозга мос ҳолда иккала тармоқ гуруҳларининг ривожланиши базали даврнинг шаклланган тенденциялари билан аниқланади.

Прогнознинг иккинчи норматив вариантыга асосан тармоқларнинг биринчи гуруҳининг ривожланиши умум-иқтисодий эҳтиёж ва ресурслар билан, иккинчи гуруҳнинг ривожланиши эса маълум маҳсулотнинг минтақавий эҳтиёжи ва минтақанинг молия ва ресурс имкониятлари билан аниқланади.

16.3. Минтақавий ривожланиш моделлари

Худуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлашда бир қатор моделлардан фойдаланилади, шулардан уч хилини кўриб чиқамиз:

- 1) иқтисодий база моделлари (ИБМ)
- 2) “ҳаражат-чиқариш” моделлари (ХЧМ)
- 3) Эконометрик моделлар (ЭМ)

Иқтисодий база моделлари минтақавий иқтисодиёт маҳсулот айирбошлаш бозорларига мувофиқ келувчи иккита ишлаб чиқариш секторига бўлинишига асосланади. а) минтақадан ташқарисида (базали сектор); б) минтақа ичида (хизмат кўрсатувчи сектор).

Баъзи бир шартли минтақа учун ИБМ қуйидаги умумий ҳолда ёзилиши мумкин:

$$Y=(E-M)+X \quad (1)$$

Бу ерда Y – минтақадаги даромадалар суммаси; E – шахсий харажатлар (инвестиция ва минтақадаги маҳаллий бошқарув харажатлар ҳам кирди); M – минтақага етказиб берилган маҳсулотлар. Y орқали E ва M нинг қийматини ифодалашдан

$$E=e*Y \quad (2)$$

$$M=m*Y \quad (3)$$

$$X=X \quad (4) \text{ ни келтириб чиқарамиз.}$$

X тепасидаги чизик берилган моделда ўзгарувчилар экзоген характерда эканлигини кўрсатади. (2), (3), (4) ларнинг қийматини (1) га қўйсак:

$$Y=e*Y-M*Y+X \text{ келиб чиқади.}$$

У тенгламани ечсак: $Y=X/(1-e+M)$ ни оламиз. Шу ердан базали мультипликатор формуласи келиб чиқади:

$$K=Y/X=1/(1-e+M).$$

Бу формула минтақадаги харажатларнинг йиғиндиси ва минтақадан етказиб берилган маҳсулотлар нисбатини ифодалайди. ИБМ бозорга фақатгина умумий таъмирни баҳолаш имкониятини беради.

Бу таъсирнинг тармоқдан тармоққа тарқалиш жараёнини ҳамда унинг турли тармоқларга ва мультипликатор катталигидаги тармоқлараро фарқларга таъсир даражасини тушуниш учун минтақа иқтисодий тизимининг таркиби тўлиб тасвирланиши лозим.

Бу ҳолда “харажат-чиқариш” моделлари ишлатилиши мумкин. Бу моделлардан фойдаланаётганда минтақадаги ишлаб чиқариш тармоқларининг умумий миқдори кўриб чиқилади. Уларнинг ҳар бири бир-бирига боғлиқ ҳисобланади. Биринчи тармоқдаги ишлаб чиқариш ёки “чиқариш” иккинчи тармоқдаги харажат сифатида ишлатилиши мумкин. Иккинчи тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз навбатида учинчи тармоқнинг ишлаб чиқариш харажатлари сифатида ишлатилиши мумкин ва ҳоказо. Бу иқтисодиётга ташқи таъсирдан келиб чиқадиган мультипликатор самараларини ИБМга

қараганда аниқроқ кузатиш имкониятини беради. n тармоқдан иборат бўлган, очиқ статистик иқтисодий тизим қуйидагича тасвирланиши мумкин:

$$X_i = \sum X_{ij} + Y_i, \quad i, j = 1, 2, \dots, n, \quad (1) \text{ бу ерда}$$

X_i — i -инчи тармоқнинг ялпи ишлаб чиқарилиши.

X_{ij} — j -инчи тармоқнинг ишлаб чиқарилишига харажат қилинган, i -инчи тармоқнинг маҳсулотлар миқдори.

Y_i — истеъмолчиларнинг фойдаланган i -инчи тармоқнинг маҳсулотлар миқдори. Агар бир нечта соддалаштирадиган эҳтимолларни қабул қилсак:

- 1) ҳар бир маҳсулот гуруҳи ягона тармоқда ишлаб чиқарилади;
- 2) харажатларни кўпайтирувчи ва қисқартирувчи ташқи омиллар мавжуд эмас;
- 3) ҳар бир маҳсулот учун ягона ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, у маҳсулотнинг ўзаро ўрнини босишни мустасно этади.

Шунда (3)дан $X_{ij} = a_{ij} X_j$ келиб чиқади. Бу ерда a_{ij} — j -инчи маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун харажат қилинадиган i -инчи маҳсулот миқдорини аниқлаб берадиган технологик коэффициент. X_i — j -инчи тармоқнинг ишлаб чиқариши.

Унда (1) формуласи қуйидагича ўзгартирилиши мумкин:

$$X_i = \sum_{j=1}^n a_{ij} X_j + Y_i$$

$$\text{Ёки матрица кўринишида} \quad X = AX + Y \quad (3)$$

$$(3)\text{га } X\text{га нисбатан ечаётганда, } X = (I - A)^{-1} Y \quad (4)$$

(4) формула Y якуний истеъмолнинг вектор аҳамиятининг берилган прогнози ва $(I - A)$ матрицанинг тузилмавий коэффициентлари асосида якуний ҳамда оралик истеъмолни таъминлаш зарур бўлган ялпи ишлаб чиқариш ҳажммини топиш имконини беради.

Эконометрик моделлар орасида 2 хил турини ажратиш мумкин: оддий ва қўшма тенгламалар тизими билан. Биринчилар умуммиллий ва минтақавий ўзгарувчиларни боғловчи регрессив тенгламалардан ташкил топади.

Қўшма тенгламалар тизимга эга бўлган моделларда ички ўзгарувчи моделлар ва алоҳида тенгламалар орасидаги принципиал алоқалар ҳисобга олинган. Минтақавий таҳлилнинг кўриб чиқилган моделлари минтақанинг иқтисодий ўсишини прогнозлаш учун мўлжалланган бўлиб, улар айнан иқтисодий ўсиш муаммолари ва имкониятлари нуқтаи назаридан минтақавий қарорлар баҳосини беради.

Аммо минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий қарорларнинг кўп режали баҳосини тузилиши, қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида қатнашувчилар манфаатларининг келишуви нуқтаи назаридан уларни баҳолаш зарурлигини ва имкониятларини, бу қарорларнинг минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳолатларга таъсирини кўзда тутати.

Амалиётда бундай келишувни фақатгина минтақанинг иқтисодий-ижтимоий тизимининг фаолиятини амалга оширувчи модуллар тизими таъминлаши мумкин. Бундай тизимларни ишлаб чиқиш бизнинг мамлакатимиз ва хорижда ҳам олиб борилмоқда.

16.4. Ўзбекистонда минтақалар ривожланишининг аҳволи ва прогнозли баҳолаш.

Ўзбекистон минтақалардаги иқтисодий кризис шароитларида ишлаб чиқариш жараёнининг амалга оширилиши тобора ёмонлашиб борарди ва қуйидагиларда намаён бўларди:

1) федерация субъектларининг нафақат ресурс балки товар бозорларини ўз ичига олувчи минтақавий хўжаликларнинг аҳамиятли механизацияси бўлиб ўтарди.

2) Ўзбекистонга кировчи минтақаларининг саноат ва ижтимоий ривожланиш темпларининг дифференциацияси ошиб борарди.

Бу ҳолатларнинг асосий иқтисодий сабаблари давлат томонидан ўтказилаётган макроиқтисодий сиёсат билан белгиланган. Айниқса, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистонда маҳсулотга ихтисослашган минтақаларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- Ёқилғи-энергетик комплекс – I тур.
- Металлургия комплекси – II тур.
- Химик-ўрмон комплекс – III тур.
- Машинасозлик ва метални қайта ишлаш – IV тур.
- Қурилиш материаллари, шиша саноатлари – V тур.
- Енгил саноат – VI тур.
- Озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати – VII тур.

Ташқи савдо бўйича давлат монополиясидан воз кечиш Ўзбекистоннинг табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган минтақалари билан узоқ хориж мамлакатларининг ўзаро алмашинувининг кучайишига кўмаклашди. Бунга охириги йилларда ёқилғи-энергетика ва хом ашё комплексини қўллаб-қувватланишини таъминловчи давлат иқтисодий сиёсатнинг умумий йўналтирилганлиги ҳам кўмаклашди.

Якуний истеъмолни қондирувчи машинасозлик ва ишлаб чиқариш (электроэнергия ва ёқилғи истеъмолидан ташқари) деярли давлат ёрдамисиз қолди ва фақат ўз имкониятларига ва минтақа имкониятларига таяниши мумкин эди. айнан IV ва V тур минтақаларида (машинасозлик, енгил саноат) ишлаб чиқариш кескин пасайди. Бунинг сабаблари: кооперацион алоқаларнинг узилиши муҳофаа саноати конверсиясининг самарасиз ўтказилиши бўлди.

Ташқи савдо фаолиятининг либераллаштирилиши ва Ўзбекистон экспортининг ҳам ашёга йўналтирилганлиги шуни аниқлаб бердики, умумий пасайиш микёсида табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган ҳудудлар энг катта яшаб қолиш потенциалига эга.

Ўтказилган таснифларга мос ҳолда уларга уч гуруҳ минтақалар киради. Бу минтақаларда ёнилғи-энергетика, металлургия ва кимё-ўрмон комплекслари устун туради.

Алоҳида олинган минтақалар ривожланишининг прогноз баҳолари, уларда иқтисодий ўсишнинг минтақавий мультипликатори ва улардан амалиётда самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаб бериш билан боғлиқ. Шундай қилиб асосан, ҳам ашёли ёки аграр минтақалари учун ўсиш мультипликатори қайта ишловчи, тўлдирувчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамда инфратузилма тармоқларининг ривожланишидан ташкил топади.

Асосан ВПК корхоналаригаэга бўлган минтақалар ўсишига импульсни конверсия бериши керак, шу жараёнда минтақа масштабида прогрессив тузилмавий ўзгаришларни таъминловчи харбий ва фуқаро саноатлари ўртасидан технологик алқалар ўрнатилади.

Ҳар ҳолда минтақаларнинг ривожланиши маълум структуравий қайта ўзгаришлар ва иқтисодиётдаги силжишлар билан боғлиқ.

Қисқача хулосалар

Минтақавий хўжалик бутун бир хўжалик, иқтисодий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий комплекс бўлиб, у республика, вилоят ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, уюшмаларнинг бўйсунishi ва тармоқларнинг таркибидан қатъий назар шакилланишидир. Мамлакатдаги барча корхоналарни яъни сенат, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт, алоқа ва маданий-маиший

хизмат кырсатадиган корхона ва ташкилотларни 3 та катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Марказий
2. Мунициал ва маҳаллий

Худудий бошқарув органлари шу худудда жойлашган барча корхоналар томонидан амалга ошириладиган уй ва ижтимоий-маданий қурилиш, маҳаллий йиллар қурилиши, халқ истеъмол моллари ва озиқ - овқат ишлаб чиқариш устидан назорат олиб боради. Минтақавий даражада тартибга солишнинг объектлари қуйидагилар шисобланади: давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни, аҳоли ва корхоналарни солиққа тортиш, маҳаллий бюджетларни шаклланиши, аҳолининг ижтимоий шимояси ва бошқалар.

Охириги йилларда минтақалар даражасида қисқа ва узок муддатли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини тузиш бййича иш олиб болрилмокда. Минтақа ривожланишининг концепциясини ишлаб чиқаришни иккита босқичга ажратиш мумкин:

1. мавжуд муаммолар ечимига йыналтирилган мақсадларни шакллантириш ва уларни Аниқ ечимлар кыринишида конкретлаштириш;
2. иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг мақсад ва йыналишларини аниқ-лаш ваш у асосда минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Минтақада ривожланишнинг мақсад,конкрет муаммолар, омилларнинг ызига хослиги масалани ечимини умумлаштиришга йыл қыймайди, шу билан бирга барча минтақаларга хос былган қатор мақсад ва масалалар мавжуд, буларга:

1. ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;
2. ривожланган бозор муносабатларини шакллантириш;
3. комплекс ижтимоий масалаларни ечиш;
4. атроф мухитни ҳимоялаш ва бошқалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Минтақавий хўжаликка таъриф беринг.
2. Мамлакатдаги барча корхоналар қандай гуруҳларга бйисунади?
3. Худудий бошқарув органларининг вазифаси нималардан иборат?
4. Минтақавий сиёсат ҳақида фикрларингиз?
5. Минтақавий сиёсатни асосий мақсади нималарга қаратилган?
6. Минтақалар даражасидаги қисқа ва ырта муддатли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини услубий шарт-шароитларини тушунтириб беринг.
7. Минтақа ривожланишидаги асосий мақсадлар нималардан иборат.
8. Минтақавий ривожланиш моделларини тушунтиринг.
9. Ўзбекистонда минтақалар ривожланиши қандай?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш» Ўқув кўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
- 2 Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика — 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
- 8 Тарассвич Л.С, П.И.Гребенников, А.И.Леусский Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юраёт 2004г. 654с.
- 9 А.С.Шапкин Экономические и финансовые рынки осинка, управление, портфель шевеций 3-е изд. М. изд. «Дашковик» 2004. 544с.

- 10 Н.А.Миклашевская, А.В.Холопов
Международная экономика Ученик МГУ 3-е издание
«Дело и Сервис» 2004. 352с.
- 11 Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория
Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
- 12 Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост
и фактор развития современной России М. ТЕИС
2004. 726с.
8. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной
экономики.Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html
9. Прогнозирование и планирование в условиях
рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г
Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана
2000

Электрон почта

- a. [http: ff www.
Biblio.rkrencazarhumanitarianfcicle.htm](http://www.Biblio.rkrencazarhumanitarianfcicle.htm)
- b.[http: ff www. vqi.freenet. ftrudyfdratisviko.htm](http://www.vqi.freenet.ftrudyfdratisviko.htm)
- c.[http: ff www. Yabloko.rurthemesfbelorusfbelfrus-25.html](http://www.Yabloko.rurthemesfbelorusfbelfrus-25.html)

XVII-боб. КАПИТАЛ КУРИЛИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ ДАРАЖАСИНИ ПРОГНОЗЛАШ.

17.1. Замоनावий шароитларда давлатнинг инвестицион сиёсати.

Инвестицион сиёсат бу – инвестицияларнинг омилларини, кўламларини, тузилмаларини, асосий йўналишларини ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланишининг энг муҳим зоналаридаги концентрацияси ва самарали фойдаланиш бўйича чораларни аниқлаб берувчи хўжалик қарорларининг йиғиндиси. Инвестицион сиёсатнинг объекти ишлаб чиқариш жараёни ва илмий техник тараққиётни таъминловчи халқ хўжалик тармоқларининг комплекси.

Давлатнинг инвестицион сиёсати бу – маълум вақтга мўлжалланган ва илмий асосланган мақсадларининг ютуқларига бўйсунган ҳукумат тузилмаларининг ҳаракат шакли. Мақсадларнинг шаклланиши стратегик кўрсатмалар орқали, уларни амалга ошириш эса тактик усулларни қўллаш йўли орқали юз беради. Инвестицион сиёсат бу ўз стратегия ва тактикасига эга бўлиб, унинг таркиби ва ўзаро боғланган элементларидан иборатдир.

Инвестицион операция деганда – маълум йўналишларга инвестицион маблағларни ишлатиш йўли билан эришиладиган ва ечиладиган муҳим мақсад ва масалалар тушинилади. Инвестицион сиёсатнинг стратегик мақсадлари мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолатнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Шу сиёсатни шакллантиришда ва инвестицияларни бошқаришда энг асосий қийинчилик, стратегик

вариантлардан энг яхшисини танланишини асослаб беришдан иборат.

Инвестицион сиёсатнинг тактик мақсадлари давлатнинг иқтисодиётдаги турли хил субъектлари орасида инвестицион ресурсларни конкрет тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг инвестицион сиёсати бюджет маблағларидан инвестициялашни ўз ичига олади.

Шу билан бирга давлат инвестицион жараёнга ўзининг тўғридан тўғри аралашувини оқлаш учун маълум мумкин бўлган чегараларни аниқлаш ҳамда бозор механизмнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш учун қандай йўл орқали амалга оширилишини аниқлаш бўйича қарорларни ўзи қабул қилиши керак.

Таҳлилнинг кўрсатишича, 90-йилларда ўтказилган инвестицион сиёсат ишлаб чиқариш жараёнининг фаолиятини ва мамлакатнинг илмий-техник ривожланишини нормал таъминланмаган. Бунга далил қилиб қуйидаги 90-йиллардаги инвестицион жараённинг ҳолатини характерловчи маълумотларни келтириш мумкин:

- Инвестициялар ҳажмининг кескин пасайиши, 1992-1997 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг асосий капиталига бўлган инвестициялар 1990 йил кўрсаткичидан 24%га камайган;
- Инвестициялар ҳажмининг шу дарагача тушдики, бу даража асосий фондларни ишлаб чиқариш ҳамда умуман инвестицион комплекс учун зарур бўлган даражадан 3 барабар паст;
- Асосий капиталга бўлган инвестициялар тузилмасининг технологик пасайиши, уларнинг актив қисмининг 2 баравардан ошиқ пасайиши;
- Ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ўз вақтида киритилмаслиги, қурулишнинг меъёрий муддатларидан 2 баравар ошиши;

- Битмаган курилиш ҳажмининг ўсиши, 16,8 минг объектлар курилишининг тўхтатилиши;
- Инвестициялар самарадорлигининг пасайиши;

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, Ўзбекистондаги инвестицион муҳит кризис ҳолатига келиб қолган, ўтказилаётган инвестицион сиёсат эса мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминламаяпти.

Инвестицион кризиснинг асосий сабаби реал жамғарманинг пасайиши бўлиб, у инвестицион муҳитда инфляциянинг кучли характери билан изоҳланади, айниқса 1992-1995 йилларда. Инвестицион фаолиятни тўхтатиб турувчи бошқа омиллар мавжуд бўлиб, улар инвестицион ресурсларнинг дефицити, инвестицион комплекснинг рақобатбардош эмаслиги, асосий аҳоли даромадларининг ва ташқи ишлаб чиқарувчилар рақобатининг маҳсулотларга бўлган талабнинг кескин қисқариши ва бошқалар.

Инвестицион пасайишни енгиб ўтиш, иқтисодиётнинг замонавий ҳолатига мос келувчи актив инвестицион сиёсатни шакллантириш кўзда тутати.

Шундай инвестицион сиёсатнинг асосида ётиши мумкин бўлган катор тамойилларни ажратиш мумкин:

1) Инвестицион жараённинг демарказлашишининг оптимал даражасини таъминлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун жамғаришнинг минтақавий ва ички омилларининг ролини ошириш мақсадида федерал инвестицион сиёсатнинг ҳамда минтақавий инвестицион дастурларнинг координациясини кучайтириш.

2) Қайтарилиб берилмайдиган бюджетдан молиялаштиришдан пуллик ва қайтариладиган кредитлашга ўтиш асосида корхоналарнинг давлат томонидан марказлашган инвестициялар ҳисобидан қўллаб-қувватланилиши.

3) Қайтариб бериш асосида молиявий инвестициялаш базасини шакллантириш учун йирик ресурсларни жалб қилувчи мотивацион механизмни яратиш.

4) Фақат конкурс асосида ҳар бир инвестицион дастурнинг дастлаб экспертизасига ва федерал мақсадли дастурларга мос равишда ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва марказлашган инвестицияларни жойлаштириш.

5) Инвестицион сиёсатнинг давлат устивор йўналишларини аниқлаш.

6) Иктисодиётни инвестициялашда хусусий секторнинг ролини ошириш орқали инвестицион жараёни босқичма-босқич демарказлашуви.

7) Инвестицион лойиҳаларни давлат-тижорат томонидан молиялаштириш амалиётини аҳамиятли кенгайтириш, шу жумладан чет эл инвесторлар ва хусусий бизнес капиталларини жалб этиш.

8) Марказлашган (кредит) инвестицион маблағлардан, жуда самарали ва ўзини тез оқлайдиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш.

9) Чет эл инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қонун чиқарувчи ва норматив базаларни мустаҳкамлаш.

Ундан ташқари инвестицион сиёсатни активлаштириш ва инвестициялар самарадорлигини ошириш қатор бошқа масалаларни ечишни кўзда тутди:

1) Инвестицион циклнинг давомийлигини аҳамиятли қисқартириш (3-4 мартагача) зарур, айниқса, қурилишда. Охириги ўн йилликларда ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар учун инвестицион циклнинг давомийлиги 18-20 йилни, бир хил ҳолларда эса 25 йилни ташкил этади.

2) Капитал қўйилмаларни тузилмаларини прогрессив ўзгартириш зарур: тармоқли, ишлаб чиқариш ва технологик.

3) Инвестицион сиёсатни саноатда ва қурилишда қўл меҳнатининг улушини камайтиришга йўналтириш зарур.

4) Қурилиш сифатини ва лойиҳа-қидирув ишларининг техник даражасини ошириш йўли билан эксплуатацияга киритиладиган объектларнинг сифатини ошириш зарур.

5) Ерларни рекультивацияси, сув ресурсларини қўриқлаш, ҳаво бассейни каби соҳаларда экологик чоратadbирларга кўпроқ диққат ажратиш керак.

13.2. Мамлакат қурилиш комплексининг потенциали, уни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг йўллари.

Умумий тушунчада қурилиш комплекси-бюромачилаар, асбоб ускуналарни, механизмларни, қурилиш материалларини етказиб берувчилар, молия-кредит тизими, банк тизими, илмий-изланиш ва лойиҳа ташкилотлари ва бевосита аҳоли кўринишида намоён бўладиган барча корхона ва халқ хўжалик тармоқларини ўз ичига олади.

Тор тушунчада қурилиш комплекси ўз ичига фақатгина қурилиш индустрия тармоқларини ва саноат қурилиш материалларини, лойиҳа ва илмий ташкилотларни ўз ичига олади.

Ўз моҳиятига кўра қурилиш комплекси тармоқларародир, чунки у халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатади ва ўз фаолиятида уларнинг маҳсулотларидан фойдаланилади. Қурилиш комплексининг потенциали деганда истеъмолчиларнинг қурилиш маҳсулотига бўлган эҳтиёж ва талабларини берилган муддат ва сифатли қондириш имкониятларини аниқловчи кўрсаткичларнинг йиғиндиси тушинилади.

Бу кўрсаткичлардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1) кадрли кўрсаткичлар, уларга ишчи кучи ва мутахассисларнинг сифатли ва миқдори, яъни қурилиш-монтаж ишларида қатнашувчилар киради;

2) қурилиш-монтаж ташкилотларнинг материал-техник қуролланганлиги кўрсаткичлари;

3) молиявий, иқтисодий ва илмий-техник ўз-ўзини ривожлантириш кўрсаткичлари;

4) қурилиш ташкилотларининг бозор муносабатларинига мослашиш имкониятини характерловчи, ташкилий-бошқарув кўрсаткичлари;

5) қурилиш соҳасидаги лойиҳа муҳитининг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари;

6) инвестициялар, пудрат ишлари бозори, меҳнат бозори саҳифаларида ахборот тузимининг кўрсаткичлари.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, охириги йиллар давомида қурилиш комплексида сезиларли йўқотишлар бўлди. Шундай қилиб, капитал, нефт газ ўтказгич, энергетик, қора ва рангли металлургия корхоналарининг қурилиш каби юқори малакали тармоқлардан ишчи кадрларнинг чиқиб кетиши рея берди. Масалан: юқори малакали сваяцикларнинг сони 10-15 мартагача камайди. Сезиларли даражада юқори малакали монтажчилар, кўприклар, тоннеллар, иссиқлик ва атом электростанциялар қурилишида ишланган бошқа касб ишчиларининг сони камайди.

Қурилиш ишларининг ҳажми қисқариши муносабати билан кўпчилик қурилиш ташкилотлари ўзининг асосий функцияларини бажара олмай, таъминловчи-айирбошловчи ва тижорат ташкилотларга айланиб қолди.

90 йилларда қурилиш ташкилотларидан қурилиш машиналар парки сезиларли қисқарди, юқори ишлаб чиқариш технологиялар реал вазни пасайди. Бунда оғир қўл меҳнати билан банд бўлган ишчилар улуши 65-70%ни ташкил қилди. Қурилиш комплексининг қатор

тармоқларида фондлар эскириши (цемент саноати, қурилиш материаллари саноати, йирик панелли уй қурилиши) 50% дан ошди.

Ўзбекистондаги лойиҳа ташкилотлардаги ишчилар сони 1990 йилдан 2,5 мартадан ошиқ қисқарди. Шундай қилиб қурилиш комплексининг ўзининг иқтисодиётни ривожлантириш учун етарли ҳажмдаги фаолиятини кенгайтиришга мабизацияон қобилияти ва юқори эмас ва кўпинча фақат инвестициялар йўқлиги билан аниқланмайди. Шунинг учун қурилиш комплексининг парчаланиб кетишини олдини олишга қобил бўлган барча чора-тадбирлар комплексини қабул қилиш ва унинг мабизацияон тайёрачилигини зарур даражагача ошириш талаб этилади.

Бундай чоралар сониди қуйидагилар бўлиши мумкин:

1) Яқин келажакдаги 2010 йилгача миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бутун инвестицион комплекснинг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқариш. Маълумки, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариш ўртасида яқин алоқа мавжуд: саноат ишлаб чиқаришнинг пасайиши қурилишнинг ёпилишига олиб келади ва аксинча. Ундан ташқари, инвестицион комплекснинг асосий бўғинларини фаолият координациясини анча кучайтириш талаб этилади: қидирув ишларни, лойиҳалаштиришни, минерал хом-ашёни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни, транспорт ва асбоб-ускуналар билан таъминлашни, объектлар қурилишини.

2) Марказлашган капитал қўйилмаларининг чекланган ресурсларидан фойдаланишнинг натижавий йўналишларини асослаш.

3) Бозор механизмларининг интенсификацияси, уларнинг инфратузилмасининг таркиби (банк, биржа, инвестицион фондлар, суғурта компаниялар), шунингдек, аҳолининг жалб қилинган маблағлари асосида ташкил қилинган институционал молиявий тузилмаларнинг

институционал молиявий тузилмаларининг
интенсификацияси ҳам.

4) Инвестициялар соҳасида ва инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда олдин қабул қилинган, лекин ишламайдиган қонун ва фармонларни қайта кўриб чиқиши.

5) Ўзбекистон субъектларининг хўжалик ва молиявий мустақиллигининг янги имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, инвестицион фаолиятни активлаштириш йўналишлаштиришдаги эркин иқтисодий зоналарининг афзалликларидан ҳам.

6) Қурилиш ишлаб чиқаришда ИТТнинг темпларини тезлаштириш, изланиш ва кашфиётларнинг ҳажмини ошириш, қурилиш машиналар паркини техник қайта қуроллантириш ва янгилаш, лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш шу жумладан чет эл мамлакатлари билан ҳам.

Қисқача хулосалар

Инвестицион сиёсат бу – инвестицияларнинг омилларини, қўллашларини, тузилмаларини, асосий йўналишларини ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланишини энг муҳим зоналаридаги концентрацияси ва самарали фойдаланиш бўйича чораларини аниқлаб берувчи хўжалик қарорларини йиғиндисидир. Инвестицион сиёсатни объекти ишлаб чиқариш жараёни ва илмий техника тараққиётини таъминловчи халқ хўжалик тармоқларининг комплексидир.

Давлат инвестицион сиёсати бу- маълум вақтга мылжалланган ва илмий асосланган мақсадларининг ютуқларига бўйсунган ҳукумат тузулмаларининг ҳаракат шакли.

Бозор муносабатлари давлатнинг инвестицион сиёсати бюджет маблағларидан инвестициялашни ўз ичига олади.

Инвестицион кризисни асосий сабаблари реал жамғарманинг пасайиши бўлиб, у инвестицион муҳитда инфляциянинг кучли таъсири билан изоҳланади.

Қурилиш комплекси-буюртмачилар, асбоб ускуначилар, механизмларни, қурилиш материалларини етказиб берувчилар, молия-кредит тизими, банк тизими, аҳолига хизмат қилувчи корхоналар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ўз ичига олади.

Ўз моҳиятига кўра қурилиш комплекси тармоқларародир, чунки у халқ хўжалигини барча тармоқларига хизмат қилади ва фаолиятида уларни махсулотлардан фойдаланилади.

Қурилиш комплексини парчаланиб кетишини олдини олиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этилади.

1. Яқин ва узоқ келажакда миллий манфаатлардан келиб чиққан шолда замонавий кризис шолатини ҳисобга олиб инвестицион комплексини ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш;
2. Марказлашган капитал қўйилмаларининг чекланган ресурсларидан фойдаланишнинг натижавий йўналишларини асослаш;
3. Бозор механизмларининг интефикацияси, уларни инфратузилмасини таркиби, аҳолини жалб қилинган маблағлари асосида ташкил қилинган институтчионал молиявий тузилмаларни интенсификацияси;
4. Инвестициялар соҳасида ва инвестицион фаолиятини рағбатлантиришдан олдин қабул қилинган, лекин ишламайдиган қонун ва фермерларни қайта кўриб чиқиши.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Инвестициявий сиёсатни моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Давлат томонидан олиб бориладиган инвестициявий сиёсатини моҳияти нимадан иборат?
3. Инвестициявий операцияни мазмуни нимадан иборат?
4. Инвестициявий муҳит қачон ыз бошидан кризисни кечиради ва унинг сиёсатлари ҳақида фикрингиз?
5. Инвестициявий сиёсат асосида ётувчи тамойиллар томонидан нималар дейиш мумкин?
6. қурилиш комплексининг моҳияти ҳақида сизланг?
7. қурилиш комплексидаги йықотишларга нималар сабаб бўлган?
8. қурилиш ишларини шажми шақида фикрингиз?
9. қурилиш комплексини парчаланиб кетмаслиги учун қандай ишларни олиб бориш талаб қилинади?
10. Инвестициявий фаолиятни тезлаштириш учун нималар қилиш керак?

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов Только здоровый народ, здоровая нация способны на великие свершения «Выступление Президента республики Узбекистан Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном 12-й годовщине Конституции Республики Узбекистан» Деловой партнер. № 49. 9 декабря 2004г.

2. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш » Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.

3. Фарейчева Г.В. Система общественных потребностей и ее макрорегулирование в условиях глобализации М. МГУ. ТЕИС. 2004. 456с

4. Ершова И.В. Пред.при право М. 2003. 258с.

5. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004. 230с.
6. Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд «АСА» 2003. 357с.
7. Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
8. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.
9. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие Под редакцией Т.Г Морозовой, А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000
10. Егоров В.В., Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri

Электрон почта

www.informika.ru/text/exhibit/papers/2004/rc11-3.doc

[http: ff www. Review.uz rhomer azicle.asp?](http://www.Review.uz/home/azicle.asp?m%62Rio%177)

[m%62Rio%177](http://www.m%62Rio%177)

[http: ff www.](http://www.Biblio.rk)

[Biblio.rk/fencaztarhumanitarian/cicle.htm](http://www.Biblio.rk/fencaztarhumanitarian/cicle.htm)

[http: ff www. vqi.freenet. ftrudy/dratisviko](http://www.vqi.freenet.trudy/dratisviko)

XVIII боб МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ПРОГНОЗЛАШ.

18.1. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва мамлакат манфаатларини ҳимоялаш.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб миллий хавфсизлик ҳолати ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий хавфсизлиги деганда унинг суверенитети ва Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона манбаини ифодаловчи кўп миллатли халқининг хавфсизлиги тушунилади.

Миллий хавфсизликни таъминлашдан мақсад Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон миллий манфаатлари – бу шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, халқаро, информатсион, ҳарбий, чегаравий, экологик ва бошқа соҳалардаги мувозанатлашган манфаатлари мажмуидир. Улар узок муддатли характерга эга бўлиб, давлатнинг асосий мақсадлари, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик ва жорий вазибаларини белгилаб беради.

Уч турдаги манфаатлар фаркланади: **шахсий, жамият ва давлат.**

Шахсий манфаатлар конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, шахсий хавфсизликнинг таъминланиши, турмуш даражаси ва шароитининг ошиши, инсон ва фуқароларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишида намоён бўлади.

Жамият манфаатлари демократияни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий, ижтимоий давлатни шакллантириш, ижтимоий яқдилликка эришиш, мамлакат ривожланиши масалаларини ҳал этишди фуқаролар фаоллигини оширишдан иборат.

Давлат манфаатлари мамлакат ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш, унинг суверенитети, конституцион тизимини ҳимоя қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни, қонунлар устиворлигини таъминлашга қаратилган.

Шундай қилиб, миллий хавфсизлик – бу мамлакатнинг шундай ҳолати, бунда миллий манфаатлар ва умуман давлатга солинадиган таҳдидларнинг олди олинади ва уларга йўл қўйилмайди.

Россия миллий манфаатларини амалга ошириш фақатгина иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шaroитида амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Россиянинг иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатлари асосий ҳисобланади.

18.2. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига солинадиган таҳдидлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, 90-йиллар бошидан мамлакатимиз миллий хавфсизлигига таҳдид соладиган ички ва ташқи хавфларнинг кенг кўлами шаклланди, улардан иқтисодий хавфсизликка хавор солувчи асосий таҳдидларни кўриб чиқамиз:

- Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва ижтимоий соҳада ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти кўламларининг қисқариши;
- Тузилмавий номуносибликларнинг кучайиши;
- Давлат ички ва ташқи қарзларининг ўсиши;
- Илмий-техник ва технологик салоҳиятнинг қисқариши;
- Жамият ижтимоий табақалашувининг чуқурлашиши;
- Мамлакат маҳсулот мустақиллиги даражасининг пасайиши;
- Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номуносибликнинг кучайиши;

- Иқтисодиётнинг барча босқичларида бошқарилишнинг сусайиши;
- Аҳоли депопуляцияси;
- Иқтисодиётнинг криминаллашуви.

Санаб ўтилган таҳдидлар орасида олиб келиши мумкин бўлган оқибатлари жиҳатидан энг муҳими бўлиб 10 йил давом этаётган ишлаб чиқаришнинг қисқариши ҳисобланади. Қисқариш кўламлиги 1990 йил даражасига нисбатан ўртача 50% ни ташкил этди. Бундай иқтисодий таҳдиднинг реал хавфи иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларидаги деиндустрлашишдан иборат. Энг кўп қисқариш меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш тармоқларида содир бўлди. Бу иқтисодиёт техник жиҳатдан бир неча ўн йилликка орқага сурилганини англатади.

Иқтисодиёт структуравий номутаносиблигининг кучайиши жуда хавфли бўлиб, қайта ишловчи саноат ва истеъмол секторидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг қазиб олувчи саноат ҳажмига нисбатан қисқаришида намоён бўлади. Структуравий номутаносибликнинг иқтисодий хавфсизликка соладиган реал хавфи кўп миқдорда четга чиқариладиган табиий ресурсларнинг тугаши, мамлакатнинг ёқилғи-ҳом ашё перифериясига айлантирилиши, жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқлигини кучайишида намоён бўлади.

Мамлакат илмий-техник ва технологик потенциалининг сусайиши, ИТТнинг муҳим йўналишларида изланишларнинг қисқариши, мутахассис ва интеллектуал мулкнинг хорижга оқиб кетиши Россия учун жаҳондаги етакчи позицияларни йўқотиш билан таҳдид солади, мамлакат ташқи технологик мутелигининг кучайиши ва мудофаа қобилиятининг пасайиши хавфини туғдиради.

Ислоҳотлардан олдинги даврда 10% юқори даромадли ва 10% кам даромадли аҳоли гуруҳлари ўртасидаги пул даромадлари фарқи 4-5 мартадан ошмас

эди. Ҳозирги кунда эса улар 15-20 мартага етди. Аҳолининг 50% га яқини қашшоқлик чегарасидан паст даражада. Ижтимоий табалашувнинг миллий хавфсизлик учун хавфи шундаки, ижтимоий манфаатлар баланси бузилади, уюшма жиноят, норкомания каби салбий ҳолатлар юзага келиб ривожланади. Бундай тенденцияларнинг якуний натижаси ижтимоий портлашга олиб келиши мумкин.

Мамлакатнинг маҳсулот жиҳатидан боғлиқлигини ортиши аҳоли жон бошига нисбатан асосий истеъмол моллари истеъмолининг сезиларли қисқариши, истеъмол структурасининг ёмонлашуви, ички истеъмол бозорида импорт маҳсулотлари улушининг жуда юқорилигида намаён бўлади.

Мамлакат маҳсулот фондининг 40% га яқини импорт ҳисобига шаклланмоқда, йирик шаҳарларда эса – 50% га яқини.

Бу таҳдиднинг реал хавфи шундаки, ишлаб чиқаришининг пасайиши давом этмоқда. Маҳсулотлар сотиб олишга валюта тушумларининг 25% га яқини камаяди. Бу эса мамлакатдаги молиявий-иқтисодий ҳолатни қийинлаштиради.

Минтақаларнинг иқтисодий дезинтеграцияси, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш, аҳолининг пул даромадлари даражаларининг, уй-жой билан таъминлаш, ишсизлик даражасидаги минтақавий фарқликлар миллий хавфсизликка реал таҳдид солади. Бунда энг кўп хавфни инқирозли минтақаларнинг кўпайиши вужудга келтириб, уларда иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кескинлашган ва ижтимоий муаммолар кескинлашган ва ижтимоийпортлаш эҳтимоли юқори.

90-йилларда иқтисодиётни бошқаришнинг пасайиши иқтисодий таҳдидга айланди.

Бу иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда юзага келган кўпгина масалаларнинг

ҳал қилинмаганлиги, ҳамда бошқарувнинг қонунчиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан йўл қўйилаётган ҳатоларда намоён бўлмоқда.

Аҳоли депопуляцияси, яъни аҳолининг қайта ҳосил бўлиш механизмининг ишдан чиқиши сезиларли хавф солади. Бу эса мамлакат илмий-техник, ишлаб чиқариш ва табиий ресурс салоҳиятини вужудга келтириш ва фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг криминаллашуви жиноий структуралар фаолиятининг кенгайиши, уларнинг бошқарув тизимига, суд, молия бозори соҳаси, экспорт-импорт операцияларига кириб бориши оқибатида иқтисодий хавфга айланди.

18.3. Миллий хавфсизликни таъминлаш ва прогнозлаш.

Миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид соладиган ички ва ташқи таҳдидларнинг сабаблари, омиллари аниқланади, уларнинг мониторингги амалга оширилади ва уларнинг таъсири прогноз қилинади.

Давлат мониторингги – бу мамлакат миллий хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини кузатиб боровчи доимий амал қилувчи ахборот – таҳлил тизимидир. Ўтиш иқтисодиёти шароитларида мониторинг роли айниқса муҳимдир, чунки бу даврда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич – индикаторларнинг юқори ҳаракатчанлиги, кўп сонли номувофиқликлар кузатилади. Мониторинг ва прогнозлаш асосида давлат миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўз бошқарувида омилларга таъсир этиш механизмини шакллантиради ва ундан фойдаланади. У ўз ичига мезонлар ва параметрлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг чегаравий кўрсаткич – индикаторларни олиб, улар чегарасидан чиқиш иқтисодий хавф юзага келганлигини англатади.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат кўпгина чегаравий кўрсаткичлардан ошганлига билан хаактерланади. Масалан, мамлакат истеъмол бозоридаги импорт маҳсулотлари улуши 30% дан ошмаслиги керак), ишлов берувчи саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши 40% дан кам бўлмаслиги керак, давлатнинг фанга ажратадиган маблағи ЯИМнинг 2% дан кам бўлмаслиги керак .

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаси инқирозли ҳолатда эканлигидан далолат беради. Чегаравий кўрсаткичларни асослаб бергач, давлат бошқарув органлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи механизмни яратишади. Ҳақиқатдаги кўрсаткичлар чегаравий кўрсаткичлардан четлашмаслиги учун қонуний-ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий характердаги чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаси, ижтимоий сектордаги мумкин бўлган хавфларнинг олди олинади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига интеграциясининг кучайиб бориши шароитида, унинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ва молиявий тизимлар барқарорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Ҳозирги кунда Россиянинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки бу талабларга жавоб бермайди. Россия асосан жаҳон бозорига ёнилғи-энергетика ресурсларини чиқаришга ихтисослашган. Бундай ихтисослашув мамлакатда мустаҳкам иқтисодий асос, ИТТ ривожланиши ва янги технологияларнинг яратилишига кўмаклашмайди. Шу билан бирга у молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ҳам кўмаклашмайди, валюта даромадларининг доимий тушумларини кафолатламайди, чунки жаҳон ёнилғи-энергетика бозорлари конъюнктураси, хусусан уларнинг баҳоси жуда ўзгарувчан ҳисобланади.

Прогнозларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон экспортининг тайёр, пировард маҳсулотга ихтисослаштирилишини жиддий таҳлил қилиш зарур.

Қисқача хулосалар

Мамлакатни миллий хавфсизлиги деганда унинг суверенитети ва мамлакат ҳокимиятининг ягона манбаини ифодовловчи кўп миллатли халқнинг хавфсизлиги тушунилади.

Миллий хавфсизликни таъминлашдан мақсад Республикамиз манфаатларини ҳимоя қилишдир. Мамлакатда уч турдаги манфаатлар фарқланади: шахсий, жамият ва давлат. Жамият манфаатлари демократияни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ижтимоий давлатни шакиллантириш, ижтимоий яқдиликка эришиш, мамлакат ривожланиши масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг фаоллигини оширишдан иборат.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига солинадиган таҳдидлар:

- Давлат ички ва ташқи қарзларини ўсиши;
- Илмий техник ва технологик солохиятни қисқариши;
- Иқтисодиётни барча босқичларида бошқарилишни сусайиши;
- Минтақалар ижтимоий – иқтисодий ривожланишидаги номутанаосибликни кучайиши ва бошқалар.

Миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида мамлакат хавфсизлигига таҳдид соладиган ички ва ташқи таҳдидларнинг сабаблари, омиллари аниқланади, уларнинг мониторингги амалга ошириладива уларнинг таъсири прогноз қилинади.

Давлат мониторинги – бу мамлакат миллий хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини кузатиб боровчи доимий амал қилувчи ахборот-таҳлил тизимидир. Ўтиш иқтисодиёти шароитларида мониторинг роли айниқса муҳимдир, чунки бу даврда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич-индикаторларнинг юқори

ҳаракатчанлиги, кўп сонли номувофикликлар кузатилади. Мониторинг ва прогнозлаш асосида давлат миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўз бошқарувида омилларга таъсир этиш механизмини шакиллантиради ва ундан фойдаланади.

Прогнозлашни ишлаб чиқишда мамлакат экспортининг тайёр, пироверд маҳсулотга ихтисослаштирилишини жиддий таҳлил этиш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Миллий хавфсизликни қандай тушинасиз?
2. Миллий манфаатлар ҳақида нималар дейиш мумкин?
3. Давлатнинг асосий мақсади нимадан иборат бўлиши керак?
4. Шахсий, жамият, давлат манфаатлари бир-биридан қандай фарқланади.
5. Ижтимоий барқарорликни қандай тушинасиз?
6. Иқтисодий хавфсизликка нималар таҳдид солиши мумкин?
7. Иқтисодиётни криминаллашувини қандай изоҳлайсиз?
8. Мамлакат хавфсизлиги йылидаги ички ва ташқи таҳдидларни қандай тарқланади?
9. Ижтимоий сектордаги хавфни олдини қандай олиш мумкин?
10. Молиявий барқарорлик қандай таъминланали?

Асосий адабиётлар

1. Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.
2. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлашлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.

3. Под редакций К.А.Хубиева Экономический рост и фактор развития современной России М. ТЕИС 2004. 726с.
4. И.А.Родинова Мировая экономика индустриальный сектор. Питер Сан Петербург 2004. 496с.
5. А.В.Холопов Валютный курс и макроэкономическая политика М. Монография – М. Научно-техническое общество именно академика С.И.Вовикова 2003. 160с.
6. Журавлева Г.П. экономическая теория микроэкономика 1,2 М. 2004 349с.
7. Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-изд. М. 2004. 376с.
8. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории статистика М. 2004.
9. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование национальной экономики М., 2002
www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html
10. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной экономики. Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national_economy.html

Электрон почта

- d. <http://www.Yabloko.ru/themes/russian/belorus/belrus-25.html>
- e. <http://www.vqi.freenet.lcztrudybratisvriko.htm>
- f. <http://www.aduiser.kgiscrptsrfoxweb.exerbaserlist-trem?nbk18sl>

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Сенати ва Қонунчилик палатасининг кўшма йиғилишидаги нутқи: “Халқ сўзи” газетаси. 29 январь 2005 й.
2. Каримов. И.А. «Узбекистан на пороге XXI века», Т.: Узбекистан
3. Каримов И.А. «Узбекистан–Собственная модель переход на рыночные отношение». Т.: Узбекистан 1993г
4. Каримов И.А.Только здоровый народ, здоровая нация способны на великие свершения «Выступление Президента республики Узбекистан Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном 12-й годовщине Конституции Республики Узбекистан» Деловой партнер. № 49. 9 декабря 2004г.
5. Фарейчева Г.В. Система общественных потребностей и ее макрорегулирование в условиях глобализации М. МГУ. ТЕИС. 2004. 456с
6. Ершова И.В. Предпринимательство и право М. 2003. 258с.
7. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004. 230с.
8. Т.А.Агапова С.Ф.Серегина Макроэкономика тесты Учебное пособие изд «АСА» 2003. 357с.
9. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш » Ўқув кўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
10. Липшиц И.В. Экономика. Учебник для курсов ОМЕГА-Л М 2004 656с.
11. Н.Л.Шагас, Е.А.Туманова Макроэкономика – 2. Учебное пособие Выпуск новый Долгосрочный аспект М.ТЕИС 2004. Экономический факультет им М.В. Ломоносова МГУ 122с.

12. Тарасевич Л.С., П.И.Гребенников, А.И.Леусский
Макроэкономика Учебник 5-е издание М. Юрайт
2004г. 654с.
13. Г.А.Куторшевский «Экономика» основы теория
Учебное пособие изд. «Экономика» 2004. 382с.
14. Под.редакций К.А.Хубиева Экономический рост и
фактор развития современной России М. ТЕИС 2004.
726с.
15. Р.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова Макроэкономика 2-
изд. М. 2004. 376с.
16. Ефимова М.Р и др. Практикум по общей теории
статистика М. 2004.
17. Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной
экономики М., Высшая школа,2002.
www.u-g.ru/catalog/details.php?idk67661
18. Парсаданов Г.А, Егоров В.В., Прогнозирование
национальной экономики. Учебное пособие М., 2001
libr.com.ru/book-22152253.html
19. Ершова Т.Л. Рынок ценных бумаг, прогнозирование
национальной экономики М., 2002
www.ivanova.as.ru/vin1251/economy/keop/ershova.html
20. Егоров В.В., Прогнозирование национальной
экономики. Учебное пособие М., 2001 Co@libri
21. Методы, модели и системы прогнозирование
регионального развития учебное пособие М. 2003
22. Гончарова Е.В Прогнозирование национальной
экономики.Учебное пособие М. 2003
www.iesmgus.com/national economy.html
23. Прогнозирование и планирование в условиях рынка.
Учебное пособие под редакцией Т.Г Морозовой,
А.В. Пикулькина. М. «Юнити»-Дана 2000

Электрон почта

1. WWW. economyta - culty. uz.
2. <http://www.Review.uz/home/azticle.asp?>
3. <http://www.vqi.freenet.trudydratisviko.htm>
4. <http://www.Yabloko.ruthemes/belorus/belfrus-25.html>
5. <http://www.vqi.freenet.leztrudybratisvriko.htm>
6. <http://www.Biblio.rkrencazarhumanitarian/cicle.htm>
7. <http://www.vqi.freenet.trudydratisviko.htm>
8. <http://www.vqi.freenet.leztrudybratisvriko.htm>
9. www.informika.rutext/exhibit/papers/2004/01-3doc

Изоҳли луғат

Акселератор (accelerator) - Иктисодиётда истеъмолчилик Ўзбекистон-харажатларнинг ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалари шажмини ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсаткич. Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иктисодиётда истеъмолчилик харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажмини динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмолчилик харажатларининг сезирарли ўсиши инвестицион фаоллигини юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

Активлар (assets) - Иктисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондларининг қиймати.

Амортизация (depreciation) - фойдаланиш жараёнида асбоб-ускуналар қийматининг эскирган сайин маҳсулот ҳисобига ўтказиш жараёни. Асосий жамғармалар истеъмол нарҳини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган нарҳини тўлатиши зарур. Асосий жамғармалар Ўзбекистонини қоплаш учун уларга кетган Ўзбекистонларини тайёрланаётган маҳсулотга кетган саЎзбекистонни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларнинг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларнинг амортизацияси маҳсулот таннарҳини ўз ичига олади, бу корхона, ташкилотларга асосий жамғармаларнинг моддий ва маънавий саЎзбекистонини қоплаш учун маҳсулотларни сотиш орқали маблағ тулашларга имкон беради.

Тижорат банк (Commercial bank) - қўйилмалар шаклидаги пул капиталари ва жамғармалар ҳисобига барча тармоқ корхоналари учун универсал банк ҳаракатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки кредит системасининг етакчи бўғинидир. Унинг ҳаракатларида саноат ва савдо корхоналарини кредитлаш

асосий ўрнини эгаллайди. Банк, шунингдек, комиссиян муомаларни ҳам олиб боради.

Марказий банк (Central bank) - Мамлакатларнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқида амалга оширади.

Тўлов баланси (balance of payment) - Бу шундай иқтисодий тушунчаки, у орқали мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатларининг ҳолатини, халқаро миқёсида тўловга қобиллигини билиши мумкин. Тўлов баланси - бу шундай ҳужжатки, бунда мамлакатларнинг хорижий давлатларга - улашган ва хорижий давлатлардан келган барча тўловларни ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттиради. Шартномаларда кўзда тутилган, аммо ҳали келиб тушмаган тўловлар ёки тушумлар суммаси ўз аксини топади.

Ишсизлик (unemployment) - Аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, меҳнат резерв армиясига айланиши.

Ишсизликнинг даражаси (unemployment rate) - Ишсизларнинг умумий сонинг ишчи кучига бўлган муносабати.

Ишсизликнинг табиий даражаси (natural rate of unemployment)- реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулотни ўсиши бир-бирига мос келадиган иқтисодий ривожланиш давр оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси. У шунингдек иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва структуравий ишсизлик кўрсаткичларининг йигиндиси сифатида ҳисобланиши мумкин. Шунингдек NARU (natural rate of unemployment)-термини ишсизликнинг ўсмайдиган даражаси кўрсаткич ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткичи ижтимоий жиҳатдан нисбатан нейтрал бўлиб инфляцияни тургун, барқарор даражалари ҳамда реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) мос тушиши ҳолатдаги ишсизлик даражасини акс эттиради.

Фрикцион ишсизлик (frictionfl unemloyment) - Бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик. Яширин ишсизлик (*hidden , latent, olisguised*) - Ишлаб чиқариш жараёнида объектив ҳолда ишчилар сонини ҳам талаб этадиган, лекин амалда ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

Таркибий ишсизлик (structural unemloyment) - Иқтисодий таркибий қайта қуришни, эскирган тармок ва касбларни бартараф этилиши, ишчи малакаси пастлиги ёки умуман йўқлиги натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўриниши.

Давлат бюджети (state budget, local budget)- асосан давлат (вилоят, шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.

Бюджет тақчиллиги (budget difficit) – Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши бюджет тақчиллиги деб аталади.

Ялпи миллий маҳсулот - ЯММ (gross national product - GNP) - истеъмолчиларнинг йил давомида маҳсулот яратиш учун қилган харажатлари қийматини жамлаш орқали, яъни, маҳсулотни умумий пул қиймати аниқланиши орқали ҳисобланади. Ҳозирги ялпи миллий маҳсулотга давлатнинг товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари ҳамда хусусий инвестициялар ҳам қўшилади. Даромадларнинг, яъни, иш ҳақи, фойза, рента ва фойда жамият томонидан маҳсулотлар учун қилинган харажатлар сифатида қаралиб, уларни жамлаш орқали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ялпи маҳсулотни ҳисоблашда жамиятда иқтисодий ўсиши аниқланади, ялпи ва хусусий инвестиция тушунчаларни қўлланмокдаки, бунда улар йил давомида қурилган уйлар, фабрика, завод, машиналар ифода этади.

Номинал ЯММ (novinal GNP) - жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот.

Реал ЯММ (real GNP) - Солиштира доимий нархлар орқали акс эттирилган ЯММ. У жорий нархларда ҳисобланган ЯММни нархларнинг ўзгариши кўрсаткичи (инфляция даражаси) ҳисобига тўғрилаш йўли билан ҳисобланади.

Потенциал ЯММ (potential GNP) - мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

ЯММ даражалардаги фарқлар (GNP gap) - потенциал ва реал ЯММни даражалар орасидаги фарқ.

Ташиқи дунё - шу мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб боровчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

Альтернатив вариантлардан танлов (tradeoff) - танлаб олинган вариантни альтернатив вариантдан воз кечиш эвазига амалга оширилишини тақозо этувчи қарорни қабул қилиш зарурати. Макроиқтисодий терминлар доирасида иқтисодий терминлар сиёсатни чоратадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида у ёки бу ҳолатларни танлов-муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишсизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш ҳақининг олиши орасидаги танлов муаммоси.

Девальвация (devaluation) - мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

Пул базаси - МО (monetary base) - Муомаладаги нақд пуллар, кассадаги корхоналарнинг пуллари ва миллий банкдаги тижорат банк резерви.

Муомаладаги пуллар (currency) - мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз): пулга тенглаштирилган тўлов воситалари: пул ҳисобкитобларини тақоза этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда катнашади.

Дефляция (deflation) - инфляция даврида чиқарилган муомаладаги коғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

Депозитлар (deposits) - омонат асраб қўйилган: 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар; 2) банк дафтардаги ёзувчилар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигация).

Талаб этилувунга қадар сақланадиган депозитлар (demand deposits) - банкдаги қўйилмаларда талаб этилувунга қадар сақланадиган пул воситалари.

Дивиденд (dividend) - хиссадорлик жамиятлари фойдасини бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили хиссадорлар орасида тақсимланади.

Дисконт (discount) - марказий банк томонидан тижорат банкларга бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

Даромад (income) - ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

Шахсий даромад (personal income) - Жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Миллий даромад (national income) - миллий ишлаб чиқаришда олинadиган даромад, ёки иқтисодиётнинг барча турдаги даромадининг баҳоси.

Даромаднинг мавжуд миқдори (disposable income) - саЎзбекистон харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар. Даромадлар ва тўғри солиқлар орасида фарқ билан аниқланади.

Фактор даромад (factor income) - ишчи кучи капитал мулк, ишлаб чиқариш омилларининг қўлланиши натижасида юзага келадиган даромад.

қарзлар - "заёмлар" (borrowing) - маълум бир муддатга қайтариб олиш шarti билан берилган маблағлар.

қарзлар қуйидагича бўлиши мумкин: фоизсиз тижорат шаклидаги қарзлар, имтиёзли қарзлар ҳамда ички ва ташқи қарзлар. Иктисодий сиёсатда қарзлар қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади: жисмоний: юридик шахслар қарзлари ички қарзларга киради.

Аҳолининг бандлиги (employees) - ижтимоий ишлаб чиқаришни фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

Жами банд аҳоли (employees) - банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

Бандлик даражаси (rate of employees) - бандларни умумий сонини меҳнатга лаёқатлаш ёшдаги аҳолига нисбати.

Иш ҳақи (wage , nominal) - пул, қиймат шаклидаги иш ҳақи.

Реал иш ҳақи (real wage)- нархлар ўзгариши даражаси ҳисобига тузатиш киритилган номинал иш ҳақи (ёки номинал иш ҳақидан нархлар ўзгариши даражасини ҳисобга олингани).

Импорт (import) - мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимооти натижасидир. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвестиция (investment) - ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иктисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

Нархлар индекси (price index) - икки ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанатини ўзгаришини аёс эттирувчи кўрсаткич.

Истеъмол нархлар индекси (consumer price index) - ўртача оила томонидан одатда истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврига нисбатан ўзгаришини ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси (producer price index) - базис даври оралиғида ҳам ашё материаллар ва оралиқ товарлари нархини ўзгаришини ўртача даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. ЯИМни максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

Индекслар- ЯИМ дефляторлари (GNP deflators) - ЯИМ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларни агрегат индекси, ЯИМ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек, махсус таъкил қилинган индекслар қиради.

ЯИМни дефлятори нархлар индекси (GNP implicit price deflator) - жорий нархлардаги ЯИМни солиштирма нархлардаги ЯИМга нисбатан тафсифловчи кўрсаткич ёки бошқача қилиб айтганда номинал ЯИМни реал ЯИМга нисбати.

Индексация (indexation) - иқтисодиётдаги нархларни ўртача даражасини ўзгаришига боғлиқ равишда иш хақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

Инфляция (inflation) - пулнинг қадрсизланиши, муомиладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

Инфляция даражаси (rate of inflation) - маълум вақт ичида (ой йил) нарх даражаси фоиз ўзгариши.

Кутилаётган инфляция даражаси (expected rate of inflation) - мавжуд ижтимоий иқтисодий ахборотлар,

маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлгуси даврдаги инфляция даражаси.

Гиперинфляция (hyper-inflation) - хаддан ташқари инфляция, нархнинг шуддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилшнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

Бартараф этилган инфляция - бошқариладиган ёки табиий, қўйилган нархларни бошқаришга бўлган иктисодиёт доирасида инфляцион жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомиладаги пул миқдорини кўпайиши ва уни сотиб олиш қобилиятини қадрсизланиши орқали намоён бўлади. Бундан ташқари шуларнинг натижасида, таъсири остида кескин талабни ошиб бориши ҳамда товар ва хизматларнинг дефицитини ўсиб бориши, аҳолини вақтинчалик кондирилган талабни кўпайтириш орқали намоён бўлади.

Доимий, давомий инфляция (cronic inflation) - нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узок муддат давомида ушлаб туриладиган иктисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга мисол қилиб, Бразилия, Исроил, Мексика, Перу Аргентинани келтириш мумкин.

Нархлар коррективировкаси (price adjustment)- бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.

қарз бериш (crediting)- пул ёки товарларни қайтариш шарти билан маълум муддатга бериш (қарз ишлатилгани учун олдиндан келишилган фоизлар тушунилади).

Тижорат кредити (comercial credit) - қисқа муддатли қарз (1 йил муддатгача берилади) сотиб олинadиган товарларига тўлаш учун пул қарзи кўринишда берилади.

Банк кредити (banking credit) - даромад (%) кўринишида олиш мақсадида банк томонидан қарзга пул бериш.

Истеъмол кредити (consumer credit) - марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсатининг воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредит максимал миқдорининг расмий равишда белгиланиши тақозо этади.

Ликвидлик (liquidity) - турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.

Макроиқтисодиёт (macroeconomics) - барқарорлаштириш, бир-бирлик миллий валютамуносиб муоамалаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жihatдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини ёки мулкдорлар синфини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий таркибни муоамалаш.

Солиқлар (taxes) - миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

қадирсизланиш (depreciation) - миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

Валюта курси - мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Номинал алмашув курси (nominal exchange rate) - миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларини одатда мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат ҳам қатъий белгиланган, ҳам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши мумкин.

Реал алмашув курси (real exchange rate) - иккала мамлакатдаги нархлар даражасининг ўзаро нисбати, муносабатини ҳисобга олувчи алмашув курси.

Солиштиралаётган мамлакатлардаги номинал алмашув курсини нархлари индексларини ўзаро нисбатига бўлиши орқали ҳосил бўлади.

Ўзгарувчан алмашув курси (flexible exchange rate) - ички мувозонатни тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизими.

Белгиланган алмашув курси (fixed exchange rate) - миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланадиган ва ўзгармас бўладиган тизим.

Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock) - молияси турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағини аниқ бир мақсад йўлида биргалаштириш ва ишлатишни билдиради.

Бюджет солиқ сиёсати (fiscal policy) - бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакиллантирган ҳолда 3 хил бюджет сиёсати юритади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, ҳазина томонидан, чиқарилмаган қимматбаҳо қўғозларнинг сотилишидан ва бюджет томонидан маълум қисми марказ томонидан банки эмиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.

Солиқ сиёсати - солиқ сиёсати ривожлантириш учун капитал қўйилмаларни молиялаштиришда “мажбурий жамғармалар” ташкил қилувчи асосий омиллардан биридир.

Паритет (parity) - тенглик, тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.

Истеъмол (consumption) - кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб- чиқариш жараёнини охириги фазаси.

Истеъмол харажатлари - макроиктисодиётда истеъмол харажалари уй хўжалик харажатлари, қурилиш харажатларини камраб олади.

Давлат истеъмоли - маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмоли харажатлари, хусусий секторда ишлаб чиқилган.

Оралиқ истеъмол (intermediate consumption) - ишлаб чиқаришни бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

Ортиқча таклиф (excess supply) - мавжуд нархларда товар ва хизматларин таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазият. Шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариши деб ҳам аталади.

Жами таклиф (aggregate supply) - мамлакатда ишлаб чиқилган ҳамма товар ва хизматларни жами қиймати, шунингдек, миллий маҳсулот деб ҳам аталади.

Фойда (profit) - қўшимча маҳсулотнинг пул шакли: корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткич. Корхонанинг молиявий аҳволи, иқтисодий рағбатлантириш фондини шакиллантириш имкониятлари, бюджет ва юқори турувчи органлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши фойда ҳажмига боғлиқ.

Хусусийлаштириш (privatization) - давлат мулкани, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириши. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиёти рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

Меҳнат умумдорлиги (labour productivity) - меҳнатнинг маҳсулотлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма кўрсаткичлардан бири.

Ишлаб чиқариш функцияси (production function) - маҳсулот ишлаб чиқариш учун мазкур корхонага зурур

бўлган барча кишилар ва меҳнат қуроллари ҳаракатларининг мажмуи.

Фоиз (interest) - даромад, ўз мулкнинг бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериб ва шундан фойда олиш.

Фоиз ставкаси (interest rate) - кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловни фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисини бир- бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Номинал фоиз ставкаси (nominal interest rate) - маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. Депозит счётларда ва қимматли қоғозларда активларни номинал қиймати ўсимтаси белгиланишига фоиз ставкалари дейилади.

Реал фоиз ставкаси (real interest rate) - маълум давр ичида депозит счётларидаги ва қимматли қоғозларидаги активларни реал қиймати ўсиши юз берадиган фоиз ставкаси; номинал фоиз ставкасидан шу давр оралиғида қутилаётган номинал фоиз ставкаси.

Ишчи кучи (labour force) - одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Ишчи кучи ҳиссаси (labour force rate) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Иш вақти (hours of work) - ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақт ҳажми.

Иш вақтининг умумий соатлар сони (total hours of work) - ўртача статистик ишловчи банд бўлган иш вақтини ўртача соатлар сони.

Бозор муносабати (market clearing) - бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан бўлади.

Ўзбекистон-харажат баланси (spending balance) - макроиктисодиётда ЯИМ ни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлари ва яратилган ялпи миллий маҳсулоти охириги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

Рационал кутишлар (rational expectations) - ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларида мавжуд бўлган барча ижтимоий-иктисодий маълумотлар асосида энг рационал тарзда ўз иктисодий хулқ атворини режалаштирадилар деб таъкидловчи назария.

Банк резервлари (reservers) - банкда сақланаётган нақд пулларни, марказий банкда сақланаётган фойсиз депозитларни ўз ичига олади.

Револьвация (revaluation) - мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш.

Иқтисодий ўсиш - реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромадни (маҳсулотни) аҳоли жон бошига ўсиши сифатида аниқлаш мумкин.

Импорт қилишга мойиллик (propensity to import) - даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest) - истеъмол харажатларнинг даромаддаги ҳиссаси.

Истеъмол қилишга мойиллик (propensity to consume) - истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

Жамғармага мойиллик (propensity to save) - даромадда жамғарма ҳиссаси қанчани ташкил этиши.

Мулк (property) - қийматга эга бўлиб, бирон бир шахсга нарсасига қарашли бўлади.

Пасайиши (recession) - иқтисодий активликнинг пасайиши бўлиб ўсиши билан характерланади.

Пулга бўлган талаб (demand for money) - мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва хар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган миқдори. Истеъмол, фойз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

Ортиқча талаб (excess demand) - мавжуд нархлар ҳолатида товарлар ва хизматларга бўлган талаб таклифлардан устун бўладиган иқтисодий вазият. Шунингдек дефицит деб ҳам аталади.

Жами талаб (aggregate demand) - мамлакатни реал сотиб олиш қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич. Жами харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмоли, харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жами инвестициялар ва экспорт-импорт харажатлар савдоси киради.

Солиштирама афзаллик (comparative advantages) - айрим иқтисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш хусусияти. Макродаражада солиштирама афзалликлар принципи ишлаб чиқариш ва экспортни самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

Субсидия (subsidy) - давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Узоқ муддат давомида ишлатувчи товарлар (durable goods) - истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган (1 йилдан кам) товарлар. Узоқ вақт хизмат қиладиган товарларга автомобиль, холодильниклар ва бошқа маиший хизмат турлари киради.

Ички истеъмоли учун мўлжалланган товарлар (nontraded goods) - ташқи бозорда сотишга мўлжалланмаган, ички истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар

Савдо баланси (merchandise trade balance) - бунда экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловлар ўз аксини топади. Савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар балансида ўз аксини топмайди.

Савдо баланснинг дефицити (trade deficit) - ҳисоб даврини охирига келиб импорт бўйича қилинган жами

харажатларни экспорт даромадлардан устун келиш вазиятигача иқтисодий темпларнинг ўсиши билан характерланади.

Савдо балансини ижобий сальдоси (trade surplus) - ҳисобот даврининг охирига келиб экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келиши вазияти.

Трансферт тўловлари (transfer payment) - ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбирларга бериладиган тўловлар.

Филлипс эгри чизиги (phillips curve)- инфляция даражаси динамикаси ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯИМни потенциалидан оғиши орасидаги ўзаро боғлиқликни тафсифлайди ва графикга ифодалаб беради.

Баҳо, нарх (price) - товар қийматнинг пул орқали ифодаланиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун саъй-ҳаракатланган харажатларни ва фойдани кўрсатади.

Асосий нарх (base price) - халқ хўжалигини ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб боришда, индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача ҳисобланган нарх.

Ишлаб чиқарувчилар нархи (producers price) - ўз ичига товар ва хизматнинг базис нархини, солиқларни қамраб олади ва субсидиялар олиб ташланади.

Бозор нархи (market price) - иқтисодиётда жами талабларнинг ўзгармас ҳолда қолувчи нархлар.

қимматбаҳо қозғалар (securities) - унинг эгасига қандайдир капитал ёки мол-мулкка эгаллик қилишининг ҳуқуқини тасдиқловчи ва фоиз дивидент кўринишда даромад келтирувчи ҳужжатдир.

Саноат цикли (business cycle) - ҳозирги давр иборасида иқтисодиётни доимий бўлмаган ҳолда қайтариб турувчи иқтисодиётни турли ривожланиш босқичлари. Умумий ишбилармонлик фаоллигини ошириш ва тушумларидан, пасайишларидан иборат.

Соф миллий маҳсулот (net product) - макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ЯИМни ва

амортизация ажратмаларни жами микдорини айирмаси ҳисобланади.

Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy) - ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

Очиқ иқтисодиёт (open economy) - ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисод.

Капитал экспорти - тижорат мақсадда амалга ошириш.

Экспорт (export) - ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

Товар экспорт қилиш - ички ишлаб чиқарган маҳсулотларни четга сотиш ҳамда хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ва талаб характерига эга бўлган хизматларни кўрсатиш.

Шахс сармояси - капитал сифатида ёндашув икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Унинг салбий томони шундан иборатки, бундай қарашларни социал муаммолар ва меҳнатдан капитал томонидан эксплуатация қилиши ҳақидаги фикрларга уланиб кетишига олиб келади. Бу ерда капитал меҳнатни эксплуатация қилар экан, у ҳолда инсон капитали ҳам меҳнатни эксплуатация қиладими, ҳақидаги фикрлар келтириб чиқаришга уриниб кетишади. Инсонга капитал сифатида ёндашувнинг ижобий томони шундан иборатки, бундай ёндашув ресурслардан самарали фойдаланишни ва уларнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-боб. Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш назариясининг предмети.....	5
1.1. «Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш» тушунчаси ва унинг моҳияти.....	5
1.2.Прогнозлар классификацияси, прогнозлаш усули ва объектлари.....	8
1.3.Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усули.....	10
1.4. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш» курсининг таркиби ва вазифалари.....	12
қисқача хулосалар.....	13
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	13
Асосий адабиётлар.....	13
II-боб. Прогнозлаштиришнинг ахборот базаси.....	15
2.1.Прогнозли ахборот ва унинг хусусиятлари.....	15
2.2.Функционал белгига кўра ахборотнинг таснифланиши.....	21
2.3.Макроиқтисодий прогноз-таҳлилий кўрсаткичлар тизими.....	26
2.4.Миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг моҳияти.....	28
2.5.Индикаторларнинг турлари.....	30
2.6.Иқтисодий кўрсаткичларнинг таснифланиши.....	33
2.7.Иқтисодий индикаторларнинг камчиликлари.....	35
қисқача хулосалар.....	37
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	38
Асосий адабиётлар.....	38
III-боб. Ижтимоий-иқтисодий тизим давлат прогнозлаштиришининг объекти сифатида.....	40
3.1.Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти, таркиби ва мақсади.....	40
3.2.Давлат корхоналарининг тавсифи.....	46
3.3.Постиндустриал шароитда хусусий сектор ривожланишининг хусусиятлари.....	47

3.4.Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқ тузулмаси.....	52
3.5.Технологик укладларнинг таснифи.....	55
3.6.Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида ривожланишнинг постиндустриал босқичи.....	59
қисқача хулосалар.....	64
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	64
Асосий адабиётлар.....	65
IV-боб. Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усуллари.....	66
4.1.Прогнозлаш усулларининг классификацияси.....	66
4.2.Прогнозлашнинг эксперт усуллари.....	68
4.3.Экстраполяция усуллари.....	71
4.4.Регрессия ва корреляция таҳлили усули.....	73
4.5.Математик моделлаштириш усуллари.....	77
қисқача хулосалар.....	78
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	78
Асосий адабиётлар.....	79
V-боб. Прогнозлаш усулини танлашда методологик ёндашувлар.....	81
5.1.Прогнозлаштириш услубини танлаш муаммолари.....	81
5.2.Прогнозлаш масалаларининг таснифи муаммолари.....	82
5.3.Прогноз сифатини ошириш йўллари.....	84
5.4.Иқтисодий прогнозлашда усулдан фойдаланиш имкониятлари.....	86
қисқача хулосалар.....	88
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	88
Асосий адабиётлар.....	89
VI-боб. Иқтисодий прогнозлар моделлари.....	91
6.1.Иқтисодий прогнозлаш моделларининг турлари.....	91
6.2.Тармоқлараро баланс модели.....	93
6.3.Макроиқтисодий прогнозлаш моделлари.....	94
қисқача хулосалар.....	96
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	96
Асосий адабиётлар.....	97

VII-боб. Прогнозлаштиришда эконометрик моделлардан фойдаланиш.....	95
7.1. Иқтисодий ўсишнинг эконометрик модели.....	95
7.2. Умумий талабни прогнозлаш.....	102
7.3. Истеъмол талабини прогнозлаш.....	103
7.4. Миллий иқтисодиётнинг тармоқли тизимини прогнозлаш.....	105
7.5. Инфляция жараёнининг суръатини прогнозлаш.....	107
7.6. Имитацион модель тушунчаси	113
7.7. Комплекс усуллар моделлари.....	118
қисқача хулосалар.....	118
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	119
Асосий адабиётлар.....	120
VIII-боб. Халқ ҳўжалигининг иқтисодий потенциали – иқтисодий-ижтимоий прогнозлашнинг базаси.....	121
8.1. Иқтисодий потенциал тушунчаси ва унинг таркиби.....	121
8.2. Илмий - техникавий ва саноат - ишлаб чиқариш потенциали.....	122
8.3. Агросаноат мажмуаси потенциали.....	123
8.4. Ижтимоий ривожланиш потенциали.....	124
қисқача хулосалар.....	125
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	126
Асосий адабиётлар.....	126
IX- боб Илмий-техникавий тарақиётни прогнозлаштириш.....	128
9.1. ИТТнинг моҳияти, даврийлиги ва уни прогнозлаштириш концепцияси.....	128
9.2. ИТТни ривожланишининг турли босқичларида прогнозлашнинг масала ва усуллари.....	132
9.3. ИТТ ривожланишининг прогноз баҳоланиши ва бош йўналишлари.....	135
қисқача хулосалар.....	137
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	138
Асосий адабиётлар.....	139
X-боб. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини ривожланишини прогнозлаш.....	140

10.1. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси, асосий элементлари ва шакллантирувчи омиллари.....	140
10.2. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини прогнозлаш. Тузилмавий сиёсат.....	142
10.3. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини прогнозлашнинг босқичлари, кўрсаткичлари ва усуллари.....	144
10.4. Ўзбекистонда ижтимоий ишлабчиқариш тузилмасининг ҳолати ва мукамаллашувининг прогноз баҳолари.....	146
қисқача хулосалар.....	148
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	149
Асосий адабиётлар.....	150
XI-боб. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштириш.....	151
11.1.Иқтисодий ўсиш тушунчаси, унинг турлари, моделлари ва прогнозлаштиришда шлатилиши.....	151
11.2 Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда ишлаб чиқариш функцияси иқтисодий - математик модел сифатида.....	153
11.3.Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ўсиши омилларини макроиқтисодий прогнозлаш.....	155
қисқача хулосалар.....	156
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	157
Асосий адабиётлар.....	157
XII-боб. Турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш.....	159
12.1.Турмуш даражасини кўтарилиши ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш тизимлари.....	159
12.2.Аҳоли эҳтиёжини ва чакана товар айрибошлашни прогнозлаш.....	160
12.3.Маиший хизматларни прогнозлаш.....	163
12.4.Олий мактабни битирувчи мутахассисларни прогнозлаш.....	165
қисқача хулосалар.....	166
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	167
Асосий адабиётлар.....	167
XIII-боб. Демографик прогнозлаштириш.....	169

13.1.Аҳоли сонини прогнозлашнинг асосий омпонентлари ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	169
13.2.Аҳоли ва меҳнат ресурсларини прогнозлаш.....	172
қисқача хулосалар.....	174
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	174
Асосий адабиётлар.....	174
XIV-боб. Тармоқни прогнозлашнинг тамойилари ва усуллари.....	176
14.1.Тармоқни иқтисодий прогнозлашнинг аҳамияти ва унинг объектлари.....	176
14.2.Тармоқ прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш.....	179
14.3.Тармоқни прогнозлашнинг услубияти.....	181
қисқача хулосалар.....	182
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	183
Асосий адабиётлар.....	183
XV-МАВЗУ. Тармоқ иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини прогнозлаш.....	185
15.1.Тармоқдаги маҳсулот талабини прогнозлаш.....	185
15.2.Ишлаб чиқариш ресурслари талабини прогнозлаш.....	187
қисқача хулосалар.....	188
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	188
Асосий адабиётлар.....	188
XVI Боб. Минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлаш.....	190
16.1. Минтақавий хўжалик ва минтақавий иқтисодиёт.....	190
16.2. Минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлаш услубияти.....	192
16.3. Минтақавий ривожланиш моделлари.....	195
16.4. Ўзбекистонда минтақалар ривожланишининг аҳволи ва прогнозли баҳолаш.....	198
қисқача хулосалар.....	200
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	202
Асосий адабиётлар.....	202

XVII –боб . Капитал қурилиш ва инвестицион фаолият даражасини прогнозлаш.....	204
17.1. Замонавий шароитларда давлатнинг инвестицион сиёсати.....	204
17.2. Мамлакат қурилиш комплексининг потенциали ва уни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг йўллари.....	208
қисқача хулосалар.....	211
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	213
Асосий адабиётлар.....	213
XVIII- боб. Миллий хавфсизликни прогнозлаш.	215
18.1. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва мамлакат манфаатларини ҳимоялаш.....	215
18.2. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига солинадиган таҳдидлар.....	216
18.3. Миллий хавфсизликни таъминлаш ва прогнозлаш.....	219
қисқача хулосалар.....	221
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	222
Асосий адабиётлар.....	222
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	224
Изоҳли лугат.....	227

Абдуллаев Олимжон Мирзажонович.
Ирматов Мухамадбек Мадаминбекович.
Хайдаров Мирсоли Таджиевич
Ашурова Дилором Сафаровна

Прогнозирование экономического и
социального развития

Учебное пособие

Мухарир Г. Абдуллаева
Дизайнер Д. Туйчиева
Компьютер сахифаловчи М. Хайдаров

Лицензия 10-1015

Босмага рухсат берилди 18.10.05. Формат 60*84 1/16
Хажми 15,6 б.т. Офсет қоғози. Тиражи 499 нусхада.
Келишилган нарҳда. Гарнитура "Times New Roman"
Заказ № 14
"Фан ва технология" нашриётида чоп этилди.
Ташкент Алмазар 171